Сайфулла СУЮНОВ

# ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ



72.3(5)
С 950

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Сайфулла СУЮНОВ

# ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Sam DTI
axborot-resurs markazi
8978 бр

Самарқанд - 2018

Суюнов С.Х. Шарқ алломалари илмий меросининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни. - Самарқанд: СамИСИ, 2018. 120 бет.

*Таҳририят аъзолари*

**Каримов С.К.** – СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Бўриев М.Б.** – СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди;

**Мўминов Н.А.** – СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

**Тақризчилар:**

**Аҳадов Ш.А.** – СамДАҚИ “Фалсафа” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

**Яхшиликов Ж.** – СамДУ “Фалсафа” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

СамИСИ ўкув-услубий кенгаши томонидан кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган. Баённома №17, 15 декабрь 2016 й.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2018

# МУҚАДДИМА

Мустақилликнинг қўлга киритилиши ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни такомиллаштириш имкониятини яратди. Айниқса, ўтмиш қадриятларимизни тиклаш ва улардан ёш авлодни тарбиялашда фойдаланиш имкониятини берди.

Ушбу рисола ўрта асарларда Шаркда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг замонавий цивилизация ривожига қўшган ҳиссаси, мустақил мамалакат ёшларини ҳар жиҳатдан соғлом, комил шахс қилиб тарбиялашда тутган ўрни ва ролини кўрсатишга қаратилган. Шу билан бирга, ушбу услубий ишда Марказий Осиё алломалари томонидан амалга оширилган бебаҳо кашфиётларнинг замонавий илм-фан тараққиёти учун нақадар долзарб ва зарур эканини маълум даражада очиб беришдан иборат.

Ўрта асрлар Марказий Осиё тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги иқтидорларнинг бўй кўрсатиши, буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг жадал ўсиши, ҳунармандчилик ва савдо сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши, аввалабмор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган.

Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда намоён бўлган икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларга ижобий таъсир кўрсатган – Шарқ Ренассанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчи олимлар қайд этганидек, агар Европада уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт, санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, биология, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шаркда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гап кетганида, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг номи биринчилар қаторида тилга олинади. Бундан ташқари, Аҳмад ал-Фарғоний томонидан IX асрда яратилган "Астрономия асослари" аса-рида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчами хусусидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга эканлиги ҳақида маълумотлар берил-ган ва мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитилиб келингани, шу билан бирга, Нил дарёсида "Ниломер" деган иншоотнинг кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келганлиги қайд этилади.

Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов "Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида

бўлганимда ана шу ниломерни кўриб, бу улуғ аждодимизнинг илмий даҳоси олдида яна бир ҳайратга тушиш бахтига муяссар бўлдим" дея фахр билан таъкидлайди.

Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётлар, улуғ аллома медицина фанининг асосчиси Абу Али ибн Синонинг тиббиёт, фалсафа, мантиқ, химия, физика, астрономия ва бошқа соҳаларда 450 дан ортиқ асарлар яратиб, дунёни лол қолдиргани, "Шарқ Аристотели" дея эътироф этилган Абу Наср Фаробий, буюк давлат арбоби Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларимиз-нинг илм-фан, таълим-тарбия, айниқса, баркамол авлодни шакллантиришдаги беқиёс ҳиссасини чуқур ҳис этиш ва улар қолдирган маънавий меросдан кенг фойдаланиш, боболар яратган буюк кашфиётларни ёшлар онгу-шуурига сингдириш, уларни мустақиллик даврида мамлакатимизда демократик жамият қуриш ва ривожланган давлатлар қаторига кириш, бу йўлда ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимизга муносиб ҳисса қўшишга йўналтиришга қаратилган.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида гапирганимизда, Амир Темур ва Темурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи сингари кўплаб алломаларни қайд этиш жоиз. 40 йил Самарқандда ҳукмронлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасида буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади.

Мирзо Улуғбек томонидан яратилган "Зижи Кўрагоний" асарида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви асослаб берилган бўлиб, ушбу асар астрономик ўлчовлар бўйича XVI аср давомида яратилган биринчи астрономик жадвал эди. Шу кашфиётлари эвазига ой кратерларидан иккитасини Мирзо Улуғбек билан ал-Фарғоний номига қўйилгани ҳам хаммамизда ғурур ва ифти-хор туйғусини уйғотади. У амалга оширган ҳисоб-китоблар замонавий техноло-гиялар орқали аниқланган кузатув натижаларидан деярли фарқ қилмайди.

Бугунги кунда дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром билдириш, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш асло камайгани йўқ, аксинча, кенг миқёс ва кўлам касб этиб бормоқда. Юзлаб чет эл олимлари боболаримизнинг илмий меросини ўрганмоқда. Буни турли мамлакатларда аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ҳамда бадиий асарлар яратилгани, улар хотирасини ёд этиб, ёдгорликлар барпо этилганида кўриш мумкин. Белгияда ибн Синога, Латвияда ибн Сино ва Мирза Улуғбекка, Япония, Россия ҳамда Озарбайжонда Алишер Навоийга, Мисрда Аҳмад Фарғонийга ҳайкаллар ўрнатилгани бежиз эмас. 2016 йил феврал ойида Германияда Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб, "Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ҳамда маданиятига қўшган ҳиссаси" мавзусида халқаро конференция ўтказилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Шу ўринда, ҳозирги кунда қатор давлатларнинг таниқли олимлари томонидан боболаримизнинг илм-фан ва маънавият соҳасидаги кашфиётларини ўрганишга бағишланган юзлаб асарлар яратилганлигини қайд этиш жоиздир. Бунга мисол қилиб япон профессори жаноб Като минтақамизнинг йирик

тадкикотчиси сифатида Буюк Ипак йўлини, Бактрия давлатини ўрганишга багишланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан буён Сурхондарё вилоятининг кўхна Далварзинтепа ва Наратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган тадкикотлари, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур ва Марказий Осиёнинг бошка улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига килган таржималари бизнинг улкан тарихимиз ва маданиятимиз хакидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди. Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ инсти-тути раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий макола муаллифи – профессор Фредерик Сторрнинг 2009 йилда "Марказий Осиёнинг янгидан кашф этилиши" деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилди.

Христофор Колумбдан карийб беш аср олдин океан ортида куруклик, яъни, кейинчалик Америка деб ном олган китъа борлигини башорат килиб, илмий асослаб берган комусий билим сохиби Абу Райҳон Беруний унинг фандаги улкан кашфиётлари эвазига XI аср бутун дунёда "Беруний асри" деб аталгани, "Тиб конунлари" номли машҳур асарнинг ўзиёқ лотин тилида 30 марта-дан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан, Европа тиббий институтларида кўлланма сифатида ўкитилган улуғ алломамиз Ибн Синонинг хизматлари ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бахш этади.

Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб колган эдикки, натижада улуғ аждодларимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига кўшган ҳиссасини АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда биздан кўра кўпроқ билишади. Мамлакатимизнинг фукаролари, яъни, Амир Темурнинг Ватани бўлмиш бу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз, деб қайд этади, Президентимиз И.А.Каримов ўзининг Амир Темур ҳақидаги асарида. Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганлигимизнинг исботидир.

Бугунги кунда дунёнинг 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмокда. Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб фундаментал асарлар, монографиялар чоп этилмокда. Ўтган 600 йилдан ошиқ давр ичида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарк тилларда эса 900 га яқинни ташкил этади.

Шукрки, мустақиллик шарофати туфайли боболаримизнинг илм фан ва маънавият соҳасида қолдирган буюк кашфиётларидан фойдаланиш ва улар яратган кадриятларни ўрганиш имконияти яратилди.

Ушбу рисолада ҳам аждодларимиз томонидан илм фан ва маънавият соҳасида яратилган кашфиётларни имкон даражасида китобхонларимизга ҳавола этиш, ёш авлод қалбида боболар қадриятлари асосида ҳалоллик, поклик, имон-эътиқод туйғуларини шакллантириш ҳамда уларни мустақиллик фидойиси қилиб тарбиялашга эътибор қаратилади.

# АКАДЕМИК И.М. МЎМИНОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТМИШ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ТИКЛАШ ҲОМИЙСИДИР

Устозим И.Мўминов билан 1969 йилда Темурийлар даври маънавиятига бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумда танишганман. Бу анжуманга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар келишди. Ушбу анжуманнинг бошқарувчиси ҳамда ташкилотчиси академик И.Мўминов эди. Танаффус пайтида СамДУнинг мажлислар залида кафедра мудиримиз Р.Каримов билан биргаликда И.Мўминов билан учрашдик. Домла мен билан яқиндан танишиш мақсадида "Қаерда ишлайсиз? Аспирантурада ўқиганмисиз?" каби саволларни берди. Мен Кооператив институтининг "Ижтимоий фанлар" кафедрасида ишлашимни айтдим. Устоз самимийлик билан: "ўқинг, олим бўлиб жамиятимизга хизмат қилинг. Бу йил сентябрда боринг, биз ёрдам берамиз", деди.

Қисқаси, мен 1971 йилда академияга бориб, домлага учрашдим. Академияда аспирантурага жойлар тақсимланиб бўлинган экан. Домла олий таълим Вазири ўринбосарига телефон қилиб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг фалсафа кафедрасига битта ўрин ажратиб беришларини сўради. Шундай қилиб, 1971 йилнинг октябрь ойида аспирантурага қабул қилиндим. Домла раҳбарлигида аспирантурада ўқиб, 3 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим. Мана 58 йилдирки, ёш авлодга "Фалсафа асослари" фанидан дарс бериб келаяпман. Домланинг менга қилган яхшиликларидан бир умр миннатдорман.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда фан ва маданиятнинг ривожига умрини бахшида этган, ўтмиш қадриятлари ва фалсафий меросимизни тиклашда, уни ҳар қандай сунъий равишда камситишлардан тозалашда мардонавор курашган жамоат арбоби, академик И.М.Мўминов ҳаёт бўлганида 2018 йил 7 сентябрда 110 ёшга тўлар эди.

И.М.Мўминов ўзининг биринчи йирик илмий тадқиқоти – номзодлик диссертациясини буюк немис файласуфи Гегел фалсафасининг мураккаб муаммосига – унинг диалектикаси рационал мағзини ўрганишга бағишлади. Диссертацияни 1941 йилда муваффақиятли равишда ҳимоя қилди. И.М.Мўминов ўзбеклар орасидан чиққан дастлабки фалсафа фанлари номзодларидан бири сифатида Олий ўқув юртларида, айниқса, маҳаллий талабаларга фалсафани чуқурроқ ўқитишни такомиллаштиришда катта ишларни амалга оширди.

1943 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг таъсис мажлисида И.М.Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланди. И.М.Мўминовнинг Ўзбекистон фани тараққиёти соҳасидаги хизматларининг юксак тақдирланиши олим олдига фалсафага оид тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, фалсафанинг актуал муаммоларини ишлаб чиқишда янги – янги вазифаларни қўйди.

Муҳим ва ҳали ўрганилмаган, ўз навбатида, шўролар тизими томонидан камситилиб келинган муаммолардан бири – Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқларининг бой фалсафий меросини миллий умумбашарий нуқтаи назардан ёритиш эди. Бу иш немис фашизмига ва унинг идеологиясига қарши курашда катта илмий, амалий ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга эдию шу билан бирга, нацизмнинг бемаъни иркчилик назариясини фош қилишда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилар эди.

Бир томондан Гитлерчи идеологлар ўзларининг босқинчилик урушларини ва халқларни жисмоний йўқ қилишни асослаш ҳамда оқлаш учун “олий ирқли” халқ деган уйдирмаларни ўйлаб чиқариб, немис миллатининг ўзга миллатлар устидан хукмронлик қилиши зарурлигини исботлашга уринди.

Иккинчи томондан шўролар ҳукумати томонидан ўзга миллатлар ва халқларнинг ўтмиш қадриятлари ва маданиятининг тикланишига “халқлар дўстлиги” сохта шиори асосида қаршилик кўрсатилиб, миллат ва қадриятларни йўқотиш, таъқиб қилиш ҳаракатлари кучайди. Бундай оғир тахликали жамиятда ўзбек халқининг ўтмиш қадриятлари, унинг бой тарихи ва маданиятини тиклаш, уларни холисона ёритиш вазифаси академик И.М.Мўминовдек олимлар зиммасига тушди.

И.М.Мўминов ўтмиш маънавий меросини ҳар томонлама тадқиқ қилишга киришади. Олимнинг илмий ижодида Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари прогрессив ижтимоий фалсафий фикрларининг йирик вакили – Мирзо Бедил қарашларини таҳлил қилиш муҳим ўринни эгаллайди. Бедилнинг дунёқарашида ўз даврининг асосий зиддиятлари акс этган. Унинг ижобий фикрлари, фаразлари диний теологик, метафизик муҳокама ва ғоялар билан қоришиб кетган.

И.М.Мўминов Бедилнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиб, унинг дунёқараши асосан прогрессив моҳиятга эга эканлигини таъкидлайди. Бедил инсоният ақлининг қудратини куйлаган, келажак учун курашган, табиий фанлар ва фалсафанинг тараққиётини ўйлаб жонбозлик кўрсатган мутафаккир эканлигини илмий асолаб берди. Бедилнинг ўзбек ва тожик адабиётида юзлаб издошлари бўлган ва улар Бедил мактабини ташкил этишганлар. Унинг асарларини мутолаа қилувчи бедилхонлар етишиб чиққан.

Бедил ғоялари сўнгги тараққиётга ижобий таъсир кўрсатди. Ҳукмрон доиралар Бедилнинг машҳурлигини ҳисобга олиб, унинг дунёқарашидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар. Кейинчалик буржуа миллатчилари бедил таълимотини сохталаштиришга бир неча бор уриниб кўришди.

И.М.Мўминов Бедил тўғрисидаги маҳаллий ва чет эл шарқшунослигида тўпланган барча маълумотларни ижодий равишда ўрганиб чиқди ва умумлаштирди, унинг илмий меросини ўрганиб илмий биографиясини яратди. Бедил ижодий меросининг илмий характеристикасини, унинг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикри ва адабиёти тараққиёти тарихидаги роли ва аҳамиятини очиб берди.

И.М.Мўминов Бедил фалсафий ва социологик қарашларининг барча аспектларини, унинг борлиқ, материя, шакл, руҳ, билиш назариясини ўрганди ва ижтимоий қарашларини таҳлил қилиб чиқди.

Домланинг Бедил ҳақидаги қимматли тадқиқотлари унинг қатор мақолалари ва “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” деган монографиясида ўз ифодасини топди.

Бу монография XVII – XVIII асрлар Марказий Осиё ва Ҳиндистоннинг буюк мутафаккири Мирзо Бедил ҳақидаги биринчи йирик илмий асардир. Унда Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикрини ўрганиш ҳамда моҳият ва хусусиятларини тушунтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган назарий муаммолар қўйилган.

Асарда, айникса, ўрта аср Шарқ ижтимоий – фалсафий фикрлари масаласини илмий ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган пантеизм ҳамда суфизм масалаларига алоҳида эътибор берилади.

И.М.Мўминов фаолиятидаги яна бир йирик босқич XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Ўзбекистон халқлари ижтимоий – фалсафий фикри тараққиётига бағишланган бир қатор фундаментал илмий ишларнинг яратилишидир. Бу ишларнинг натижалари, унинг 40 – йилларнинг охири, 50 – йилларнинг бошларида яратган қатор мақола ва китобларида баён этилган. И.М.Мўминов бу асарларида Туркистоннинг Чор Россияси мустамлакасига айланиши натижасида эксплуатациянинг кучайиши, жабр зулмнинг ошиб боришини кўрсатиш билан бирга, мазкур тарихий прогресснинг Ўзбекистон фуқаролари тақдири ҳамда ўлканинг кейинги тараққиёти учун катта прогрессив аҳамиятга эга бўлганлигини ҳам ҳар томонлама анализ қилиб берди. Ана шундай ижтимоий зиддиятлар фонида И.М.Мўминов XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистондаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни синчиклаб, ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқди. Ҳукмрон мафкуранинг мазмунини таҳлил қилиб, оппозицион ғоявий оқимлар характеристикасини беради. Ўзбекистондаги прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади. Унинг тараққиётидаги асосий босқичларини белгилайди, унда давр илғор намоёндаларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини ўрганади. Бунда у Ўзбекистон прогрессив ижтимоий-фалсафий фикри тараққиётида рус демократик маданиятининг ролига алоҳида аҳамият беради. Ушбу йўналишлар бўйича фундаментал илмий монографиялар чоп эттирди.

1965 йилнинг зиддиятли, таҳликали даврида И.Мўминовнинг Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги ва айни вақтда вице-президенти сифатида, унинг зиммасида Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбек халқининг камситилиб келинган қадриятларини тиклашда матонат кўрсатиш, мустабид тузумнинг қаршилигини енгиш вазифаси турар эди. Мана шундай таҳликали жамиятда домла жасорат кўрсатиб, Амир Темурнинг тарихда тутган ижобий ва салбий ўрнини ҳаққоний ёритишга бел боғлади. Амир Темурнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрнини холисона ёритиш имкониятига эга бўлди. Шуни қайд этишимиз лозимки, ушбу вазифани академик И.М.Мўминовдан бошқа киши уддалай олмас эди. Домла Амир Темурнинг Марказий Осиё ва дунё тарихидаги тутган ўрнига холис баҳо берганлиги сабабли мустабид тузум корчалонларининг туҳматига, ноҳақ ҳужумига дучор бўлди.

Академик И.М.Мўминов Амир Темурнинг Турон заминида жуда катта ва улкан империяни ташкил қилган, дунёнинг учдан бир қисмини ўз ҳудудига бирлаштирган, ўз давлатини енгилмас, қудратли куч сифатида дунёга танитган, фан ва маданиятни ривожлантирган, қудратли давлатининг пойтахти – Самарқандга ва бошқа шаҳарларга дунёнинг олимлари, меъмору санъаткорларини йиғиб, жуда катта маънавий-маърифий марказларни вужудга келтирган буюк давлат арбоби ва саркарда эканлигини холисона ёритиб беришга муваффақ бўлди.

Академик И.М.Мўминов Темур ўз даврида халқининг маънавиятли, эътиқодли, иймонли бўлиши, бундай халқнинг давлати қудратли кучга эга бўлиши, эътиқодсиз халқ ҳеч қачон бахту саодатга, маърифатга эришолмаслигини

кайд этиб, ўз тузукларида келтирган, яъни "Дилда эътикод бутун бўлса, асло наслимиз йўколмагай, тилимиз унутилмагай, эътикод сусайса, тил эмас имон хам унутилгай" деб ёзганини кайд этади. Темурнинг бу ибратли гоялари мамлакатимиз кишилари онгида мустакилликка эътикод туйгусини шакллантиришда шубхасиз катта ахамиятга эгадир.

Академик И.Мўминов ўз рисоласида тарихий киска фурсатда кудратли салтанатга айланган Темур давлати нафакат ўз мамлакати хукмдор замондошларининг эътиборини, балки Евросиё мамлакатларида юз бераётган вокеаларга хам таъсир кўрсатади. Уларнинг барчасини Турк султони Боязид зулмидан озод этди, деб кайд этади.

Темур ўз хукмронлиги даврида Франция кироли Карл VI (1380 – 1422), Англия кироли Генрих IV (1399 – 1413) хамда Кастилия ва Леон кироли Генрих III де Трастамара (1390 – 1407) лар билан дипломатик алокалар ўрнатиб, ўзаро ёзишмалар алмашиб турганликлари ва уларнинг Темурдан мадад кутганини фактлар асосида кўрсатади.

Анкара якинида Туркиянинг икки юз минглик кўшини устидан козонилган ғалабадан сўнг Темурнинг Ғарбий Европа давлатлари билан бўлган алокаларининг мазмуни тубдан ўзгаргани, эндиликда Темур улар билан дўстона муносабатларни мустахкамлаш хамда элчилик ва ўзаро савдо-сотик алокаларини йўлга куйиш каби масалалар билан чекланганини кайд этади.

Темур 1402 йилда Франция ва Англияга махсус элчилар юборади. Элчиликка замонасининг мохир дипломати Архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилик килган. Иоанн оркали Темур Карл VI ва Генрих IV номларига махсус мактублар йўллаган. Элчилар Парижга 1403 йилнинг май ойида етиб борганлигини кайд этади. Бу ерда Иоанн тантанали вазиятда Темурнинг Туркия устидан козонган ғалабаси, Султон Боязидни асрга олингани, турклар аср олинган христианларни озод килгани тўғрисида хабар берар экан, икки мамлакатнинг савдогарлари учун эркин савдо муносабатлари олиб борилишини таъминлаш ва агар кирол хамда герцоглар рози бўлишса, бу эркин савдони тегишли битим ёки шартнома билан мустахкамлашни таклиф этади. Бунинг учун авваламбор мунтазам элчилик алокаларининг баркарорлиги лозим эди. Шу боисдан Темур 1402 йил 1 августда Франция кироли Карл VI га йўллаган мактубида бу хакида куйидагиларни алохида таъкидлаган эди: "Бундан кейин сизнинг (одамларингиз) бизнинг ерларимизга ва бизнинг (кишиларимиз) сизнинг ўлкангизга ўтган аждодларимиз давридагидек бориб келиб турсалар, сизнинг ва бизнинг номимизни хамма жойда олкишлаб турсалар, мамлакатимиз савдогарлари учун фойда келтиришса, кўп хурсанд бўлар эдик. Шуни хам айтиш керакки, эндиликда бизнинг юртимизда савдогарларингизнинг хавфсизлиги таъминланади".

Франция кироли Карл VI 1403 йил 15 июнда Темурга йўллаган жавоб мактубидан маълум бўлишича, Темур таклифлари Франция томонидан мамнуният билан кабул килинган.

Темур, Мироншох ва Генрих IV ларнинг ўзаро дипломатик ёзишмалари-дан эса, Англия билан элчилик алокаларини ўрнатиб, савдо-сотикни жипслаштириш йўлида олиб борилган ишлар мактовга сазоворлиги маълум бўлади.

И.М.Мўминовнинг таъкидлашича, Миср ва Туркия султонлари устидан козонилган ғалабадан сўнг Темур Ғарбий Европада янада кенг шухрат

қозонганини таъкидлайди. Бу даврда, айникса, Испания билан дипломатик муносабатларнинг кенг йўлга қўйилганлигини ҳар томонлама ёритиб беради.

Хулоса килиб айтганда, Иброҳим Мўминов ўз фаолияти давомида Марказий Осиё фалсафий тафаккури йўналиши ва бошка соҳаларда улкан илмий тадкикотлар олиб борди, юздан ортик шогирдларга илмий раҳбар илмий маслахатчининг кўплаб диссертациялар бўйича расмий оппонент, тарих ва фалсафага доир 50 дан ортик монографик китобларга маъсул муҳаррир фалсафага доир бир канча дарсликларнинг ташаббускори ва муалллифи сифатида бетиним ҳамда самарали меҳнат килди. Шу кадар улкан илмий-назарий фаолият олиб бориш билан бир вактда кенг доирадаги давлат ва жамоат ишларини ҳам ўз шахсига хос юксаклик ва ибрат билан бажариб келди. Бу ишлар рўйхатининг ўзи ҳам ҳар кандай кишини хайратга солиши аник. Мана улар:

- 1956 йилдан умрининг охиригача 18 йил давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг вица президенти.

Беш чакирик (яъни 25 йил давомида) Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати.

- 1963 йилдан бошлаб (11-йил давомида) Ўзбекистон Олий Кенгаши Ташки ишлар бўйича доимий комиссиянинг раиси.
- Ўзбекистон "Билим" жамиятининг бошқаруви раиси.
- Ўзбекистон файласуфлари жамиятининг асосчиси ва биринчи раиси.
- Ўзбек Қомуси бош тахририятининг ташкилотчиси ва биринчи бош мухаррири.
- 1957 йилдан нашр этила бошлаган "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" ойлик илмий-назарий журналнинг ташаббускори ва умрининг охиригача бош мухаррир.
- Кўплаб миллий хамда халкаро анжуманларнинг ташаббускори ва амалиётчиси.

Руйхатдан хам кўриниб турибдики, бу ишларнинг барчаси ўта масъулият, хушёрлик, шу билан бирга кенг мушохада ва илмий-амалий салохият талаб этиладиган юмушлардир. Шу сабаб, бу вазифаларнинг бажарилиши айнан Иброхим Муминов таълимидаги шахсларгагина топширилиши мумкин. Буни устоз обдон яхши тушинар эди. Давлат ва жамоатчилик ишониб шу ишларни топширибдими, ситкидилдан ишлаб, ишончини оклаш зарур. Устознинг фалсафасини! Ва умрининг охиригача шу фалсафага содик колади.

Иброхим Муминовнинг бу карор кенг камровли фаолияти устоз хали хаётилагидек кўпларнинг огзига тушади; У кишининг вафотидан сўнг эса, барча касбдошлари, тенгкурлари, хатида ёзган жамики номдор шахслар алломанинг бу фазилатларини алохида кайд этиб эслайдилар. Чунончи, Ўзбекистон Олий Кенгаши хайъати Раисининг собиқ муовини А.С.Абдуамин, атокли тарихчи олим, тарих фанлари доктори Б.В.Муминовларнинг устоз хакида хотира ёзганларини алохида кайд этиш лозим.

Иброхим Муминовнинг фан, маданият, давлат ва жамият ишларида килган улкан хизматлари юқори баҳоланди.

Президентимиз фармонига асосан аллома "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Фанлар академиси фалсафа ва хукук институтига Иброхим

Муминов номи берилган, кўчалар, мактаблар, жамоа хўжаликлари устоз номи билан аталган.

Қайд этишимиз жоизки, буюк алломалар жисмонан бу дунёдан ўтган бўлсаларда, маънан асарлари ва ғоялари билан халқ қалбида яшайверади. Устоз хотираси ҳам ана шундай учмас ва кучмасдир. Иброҳим Муминов ХХасрнинг буюк донишманди сифатида халқимиз тарихидан ўзига муносиб ва муҳим жой олди. Бу албатта мустақил мамлакат фуқаролари, айниқса ёш авлодни ватанпарварлик, миллий туйғу, иъмон эътиқод ғояларини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

## МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Хоразм воҳаси Осиё қитъасининг энг кадимий ўлкаларидан биридир. Бу вилоятда минг йиллар муқаддам буюк давлатлар, гавжум шаҳарлар, савдо-сотиқ авж олган бозорлар, мустаҳкам қалъалар, илм-фан муассасалари бўлган. Профессор С.П.Толистов раҳбарлигида 1937 йилдан бошлаб ўтказилган археологик текширишлар натижаси буни исбот қилган. Хоразм араблар истилоси даврида ҳам, ундан олдин ҳам илғор вилоятлардан бири бўлиб келган.

Марказий Осиё вилоятлари ичида энг аввало Хоразм қадимий Рус, Волга бўйи, Урал давлати билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар бошлаган. Хоразм воҳасида аҳоли ниҳоятда зич жойлашган маданият марказларидан бири сифатида дунёга танилиб, Хоразмий, Замахшарий, Беруний сингари буюк алломалар етишиб чиққан. Тақдир тақозосига кўра, улар ўзга юртларда яшашларига қарамасдан, фан ва маданиятни муваффақиятли тараққий эттиришган.

"Қадимий Хоразм фанининг Шарқ фани тарихидаги ўрни жуда муҳимдир. Биз Хоразмнинг Исломгача бўлган антик ва афригий даврини озгина биламиз. Аммо моддий ва маданий ёдгорликларни астойдил таҳлил қилиб айта оламизки, Хоразмда аниқ фанлар – геометрия, тригонометрия, астрономия, топография, химия, минералогия ва табиий фанлар ўша даврдаёқ юксак даражада тараққий этган... Географик билимларнинг тараққиёти ва жамланиши туфайлигина Хоразмлик савдогарлар узоқ саёҳатларга бора билганлар, бу тўғрида араб ва хитой манбаларида айтилган. Сўнгги афригий даврлардаги Хоразм кейинчалик араб халифалиги таркибига киргач, хоразмлик олимлар дарҳол шуҳрат қозонганлар ва "араб фани" деб айтилган фаннинг яратувчилари орасида энг илғор ўринни эгаллаганлар"[1].

Юқорида қайд этилган манбаларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқаро конференцияда "Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида қадимги бақтрия, суғд, урхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далолат беради" деб қайд этади[2].

---

[1] Х.Хасанов Сайёҳ олимлар. Тошкент. "Ўзбекистон". 1981 й

[2] Каримов И.А. "Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи". 2014 йил. 16 май

Халқаро конференцияда таъкидланганидек, тадқиқотчи олимларнинг фикрича Шарқ, хусусан Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан хақли равишда тан олинган.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар қайд этганидек, агар Европа уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди[3].

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида сўз юритилганида, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига бекиёс хисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номи биринчилардан бўлиб кўрсатилади. Шундай машҳур олимлар орасида тўнгич ва кўзга кўринган сиймо Муҳаммад Хоразмий эканлиги шубҳасиздир. Уни “барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири” деб кўкка кўтарган эди америкалик атоқли шарқшунос Д.Сартон[4].

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида ҳам манбаларда аниқ бир маълумотларга эга эмасмиз. Аммо, баъзи манбаларда Хоразмий 783 йилда Хоразмда туғилиб, 850 йилда Боғдодда вафот этганлиги таъкидланади. Хоразмийнинг ота-боболари ҳақида ҳам манбаларда аниқ бир маълумот учрамайди.

Хоразмий ўқиш ва санашни маҳаллий мактаб – мадрасада ўрганди. Қобилиятли болани табиат қонунлари, хисоблаш қоидалари, чет тиллари, халқнинг ривоят ва эртаклари – ҳаммаси қизиқтирар эди. Хоразмий ёшлигида Марказий Осиёнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, география, тарих ва астрономия бўйича ўз билимларини бойитди. У ўз она тили билан бир қаторда форс, араб ва қадимги яҳудийлар тили билан таниш эди. Унинг шу ёшлик даври Хоразмни араблар забт эта бошлаган, яъни Хоразм ўз бошидан тушкунлик даврини кечираётган бир пайтга тўғри келди.

Хоразмийдан кейин яшаб ижод этган буюк ўзбек олимларидан яна бири – Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, араб истилочилари Хоразмнинг миллий маданиятини йўқ қилиб юбордилар, китобларни куйдириб, олимларни қувғин қилдилар, бўйсунмаганларини эса ўлдирдилар. Беруний Хоразмнинг эски урф-одатлари, илм-фанни акс эттирадиган бирорта ҳам маълумот қолмаганидан, одамларнинг саводсизлашиб кетганидан афсусланган эди.

VIII асрнинг охирларига келиб Хоразмда илм – фан билан шуғулланиш қийинлашиб қолган кўринади. Шу боисдан бўлса керак, илмга чанқоқ Муҳаммад Хоразмий “дунё шаҳри” деб аталган Боғдодга кетади. “VIII асрнинг охирларида” дейишимизнинг сабаби бор, чунки Боғдод шаҳрига 762 йилда асос солиниб, тўрт

---

[3] Зиёдинов М., Жониҳонов М. Аждодларнинг бебаҳо мероси абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. “Халқ сўзи”, 2014 йил 16 май

[4] Х.Хасанов Сайёҳ олимлар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1981 й. 11-бет

йил ичида қуриб битказилади ва у "мусулмон дунёсининг пойтахти" деб эълон қилинади[5].

VIII асрнинг бошида Боғдодга турли мамлакатлардан олимлар, таржимонлар ва котиблар йиғилади. Бу олимларнинг кўпчилиги Марказий Осиёдан эди. Шулар қатори Хоразмий ҳам Боғдодга келади. Боғдодга келгач, Хоразмий илмий текшириш ишлари билан шуғулланади. Қадимги Юнон математиклари Евклид, Архимед ва Апполонийларнинг ҳамда қадимги ҳинд астроном ва математикларининг ишларини қунт ва сабот билан ўрганади.

Хоразмийнинг Боғдодга келганидан кейинги дастлабки иши Ҳиндистоннинг "Синдханта" номли астраномик асарининг арабча таржимасини таҳрир қилиш бўлди. Тез орада Хоразмий математика, астраномия, тарих ва табобат илми бўйича бутун Марказий Осиёда шухрат қозонди. У "Байт ул ҳикмат" даги кутубхонага, обсерваторияга барча илмий текшириш ишларига раҳбарлик қилди. Бу эса ўз моҳияти билан Фанлар академияси президенти вазифаси билан тенг эди. Маълумки, араблар забт этган мамлакатлардан чиққан олимлар ўз асарларини араб тилида ёзишган. Хоразмий ҳам арифметика, алгебра, астраномия, география, тарих ва бошқа фанларга тегишли асарларини араб тилида ёзган. Чунки Хоразмий даврида Яқин ва Ўрта Шарқда фан тили араб тили бўлган.

Хоразмийнинг 10 та асари маълум, шулардан 7 таси бизгача етиб келган. Хоразмийга дастлабки оламшумул шуҳратни унинг "Ҳисоб ал–Ҳинд» (Ҳинд Ҳисоби) номли рисоласи келтиради. Бу рисола амалий арифметикага доир бўлиб, унда биринчи марта ўнли позицион система амалиётга татбиқ этилди. Хоразмийнинг арифметик рисоласи XII асрда лотин тилига таржима қилинган. Бу таржиманинг XIV асрнинг ўрталарига тўғри келувчи битта қўлёзмаси Кембриж (Англия) университетининг кутубхонасида сақланади.

Хоразмий арифметикасининг Европага бунчалик кенг тарқалишининг сабаби Хоразмий таклиф этган система бўйича ҳисоблашнинг жуда ҳам қулайлигидир. Рисоланинг бошида Хоразмий тўққизта рақам ёрдамида ҳиндларнинг ҳисоблаш усулини кўрсатмоқчи эканини, бу усул билан ҳар қандай сон осон ва қисқача белгиланишини, унинг ёрдамида ҳар қандай арифметик амални бажариш жуда осон эканини айтади. Ундан кейин ўнли позицион системада сонларни ҳинд белгилари орқали ёзиш усулини кўрсатади. Хоразмийнинг арифметик рисоласида олтита амал – қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш бор. Хоразмий иккилантириш ва иккига бўлишни алоҳида амал деб билган.

Президентимиз Халқаро конференцияда ал-Хоразмий ҳақида тўхталиб, "У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва кутблар координата-ларини биринчилардан бўлиб асослаб беради ва амалиётга тадбиқ этади. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожида кескин бурилиш ясади"[6]

Хоразмий ҳозирги замон маъносидаги арифметиканинг асосчисидир. Бу фикрни машҳур немис математиги Герман Ганкель (1839 – 1873) тарихий фактларни таҳлил қилиб, ҳиндлар ҳам, юнонлар ҳам Хоразмийнинг китоби

---

[5] Комил Ҳайдар, Сайфулла Суюн. Марказий Осиёда фалсафий фикрлар тараққиётининг баъзи масалалари. Самарқанд. 1993 йил, 5-бет

[6] Каримов И.А. "Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи", 2014 йил, 16 май.

сингари китобга эга бўлмаганликларини тасдиклайди. Алгебра фани-нинг мустакил фан сифатида вужудга келиши ва ривожланишида хам Мухаммад ал-Хоразмийнинг роли бенихоядир. "Алгебра" терминининг ўзи Хоразмийнинг "Ал-китоб ал-мухтасар мин хисоб ал-жабр вал-Мукобала" (Алжабр вал-мукобала хисоби хакида кискача китоб) номли рисоласидаги "алжабр" сўзининг лотинча ёзилишидан олинган. Бу асар бизгача 1342 йили кўчирилган арабча нусхада етиб келган. У Оксфорд университети кутубхонасида сакланади. Ўрта асрларда ёзилган алгебра қўлланмаларининг кўпчилигидаги Хоразмийнинг алгебраик рисоласидаги мисол ва масалалар учрайди.

Хоразмий бу рисолани ёзишдан мақсадни асарнинг мукаддимасида куйидагича баён этади: "Мен арифметиканинг содда ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи "ал-жабр вал-муқобала ҳисоби" ҳакида кискача китобда ёздим, чунки у одамларга мерос тақсимлашда, васиятнома ёзишда, бойлик бўлиш ва адлия ишларида, савдо-сотиқда, турли хил муносабатда, канал казишда ва геометрик ҳисоблашларда жуда зарурдир"[7] деб қайд этади.

Хоразмий даврида тригонометрия хали фан сифатида мавжуд эмас эди. Тригонометрияга доир маълумотлар астраномия зижларида берилар эди. Тузил-ган зижлар орасида Мухаммад Хоразмийнинг зижи Ўрта аср Шаркида яратил-ган энг қадимги зиж ҳисобланади. Хоразмий "Зиж" асарида хижрий эра, плане-таларнинг ҳаракати, куёш координатининг ўзгариши, куёш ва Ойнинг тутили-ши, вақт тўғрисида таълимот колдиради ва Европа фанига кучли таъсир кўрсатади.

Маълумотларга кўра, халифа ал – Маъмун "Байт ул ҳикмат" (донишманд-лик уйида ишловчи олимларга осмон ва ернинг батафсил ҳаракатини тузишни буюрган. Бу иш билан жуда кўп олимлар шуғулланган. Хоразмий эса уларга раҳбарлик қилган. Хариталар "Маъмун ал-Маъмун" – "Дунё харитаси" номи билан юритилган ва кўп йиллар давомида ниҳоясига етказилган. Ана шу муносабат билан Хоразмий географияга оид "Сурат ал-арз" – "Ер сурати" номли рисола ёзади. Бу асар барча олимлар орасида "Ал-Хоразмий географияси" номи билан шухрат қозонган. Рисоланинг ягона қўлёзмаси Қоҳирадан топилган.

Хоразмийнинг географияга доир асарининг мазмуни ҳақида ушбуларни айтиш мумкинки, асар бир неча географик харита ва уларга берилган шарҳлардан иборат. Шоҳлар асосан жадвал кўринишида ёзилган. Ҳар бир саҳифада икки қатор жадвал бўлиб, унда дунёнинг турли районлари иқлимлар бўйича жойлаштирилган ва координаталари берилган. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг китобида 537 та жой номлари, 203 та тоғ номлари, денгизлар ва оролларнинг номлари, энг охирида эса, дарёларнинг номлари келтирилган.

Харита чизиш илми билан Хоразмийгача II асрда яшаб ижод этган Клавдий Птолемей (90 – 168 йиллар) шуғулланган. У Мисрнинг Александрия (ҳозирги Искандария) шахрида яшаган. У "Карталар чизиш қўлланмаси" ёки "Географиядан қўлланма" номли асар ёзган. У 8 жилддан иборат бўлиб, унга 27 та мамлакат ва 64 та кичик вилоятнинг харитаси илова килинган. Птолемей ернинг одамлар яшайдиган кисмини 8 иклимга бўлган. Хоразмий эса 7 та иклимга бўлади. У экватордан жанубда 8 шахар, биринчи иклимда 64 шахар, иккинчисида 54 шахар, учинчисида 59 та, тўртинчисида 146 та, бешинчисида 79 та,

---

[7] Комил Хайдар. Сайфулла Суюн. Марказий Осиёда фалсафий фикрлар тараққиётининг баъзи масалалари. Маърузалар матни. Самарқанд 1993 йил 6-бет.

олтинчисида 63 та, еттинчисида 25 та ва еттинчидан шимолда 40 та шаҳар жойлашган, деб кўрсатади. Асарнинг II бобида у яқин ва Ўрта Шарқдаги, Кавказ ва Марказий Осиёдаги тоғлар ҳақида ёзади. III бобида денгизлар тўғрисида, IV бобида ороллар, V бобида мамлакатлар ва VI бобида эса дарёлар ва булоқлар тўғрисида ёзади. Хоразмийнинг ғоялари математика, астраномия ва географиянинг оёқда туриши ва ривожланишига сабаб бўлди ва бундан кейин бу фанларнинг дунё миқёсида ривожланиши учун асос яратди.

Хоразмий асарларида олға сурилган ғоялар мустақил мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришда ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур, ишонч-эътиқод руҳида тарбиялашда ибратли аҳамиятга эга. Шунинг учун мактаб ва олий ўқув юртларида мутафаккирларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини ёш авлод қалби ва эътиқодига сингдириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

## АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ВА УНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида “Биз миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади” деб ёзади.

“Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини янада теран тадбиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим, деб ҳисоблаш лозим”[8] деб қайд этади Президентимиз И.А.Каримов

Шундай экан бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, уларнинг умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолотга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шундай алломалардан бири Аҳмад ал-Фарғоний бўлиб, у тахминларга кўра 797 йили Фарғона ҳудудида туғилган. Олимнинг тўлиқ исми Абдул Аббос Аҳмад ибн Мухаммад ибн Касир ал Фарғонийдир. Шуниси маълумки, ал-Фарғоний ҳалифа Хорун ар-Рашиднинг шарқий ерларидаги

---

[8] Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизацияси ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги Халқаро Конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2014 йил 16-май.

муовини, ўғли Абдуллоҳнинг (бўлажак ҳалифа ал-Маъмуннинг) Марвдаги олимлари доирасига кирган. Эҳтимол Абдуллоҳ ёшлигидан билимга чанқоқ бўлгани учундир, 806 йили Марвга нойиб бўлиб тайинланганида, Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразмдан олимлар ва истеъдодли ёшларни тўплай бошлаган[9].

Халифа Хорун ар-Рашид 809 йили Тусда тўсатдан вафот этади, ва унинг васиятига кўра Бағдодда тахтга катта ўғли Муҳаммад ал-Амин ўтиради. 811 йилдан 813 йилгача ака-ука Муҳаммад ва Абдуллоҳ ўртасида тахт учун олиб борилган кураш Абдуллоҳнинг ғалабаси билан тугайди ва Муҳаммад қатл қилинади. Ўша йили Абдуллоҳ тахтга ал-Маъмун номи билан ўтиради. Лекин у Бағдодга бормай 819 йилга қадар Марвда яшайди. Натижада Марв 813 йиллардан то 819 йилгача ҳалифаликнинг вақтинча пойтахти бўлиб туради. 819 йили ал-Маъмун бутун саройи аъёнлари ва уламолари билан бирга Бағдодга кўчади. Улар орасида Аҳмад Фарғоний ҳам бор эди[10].

Ал-Берунийнинг хабар беришича, Бағдод расадхонасининг ишида Яҳё ибн Абу Мансур, ал-Хоразмий ва бошқа олимлар, Дамашқ расадхонасида эса Ҳамид ибн Абдумалик ва ал-Фарғоний билан бирга икки гуруҳ олимлар ишлаганлар. У шунингдек, Аҳмад Фарғонийнинг Сурия шимолида Синжар саҳросида 832–833 йиллар Тадмур ва ар-Ракла оралиғида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда иштирок этганини ҳам айтган.

Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги энг аниқ ва сўнгги хабар 861 йил билан богланган. Маълумотларга кўра, у шу йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометрни, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи ускунани ясаган ёки таъмирлаган. Бироқ, ал-Фарғоний қандай қилиб ва қандай шароитда Мисрга бориб қолгани ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизацияси ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги Халқаро Конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида "Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири, унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб-устурлаб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида "нилометр" деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди"[11] дея таъкидлади. Юртбошимиз ўз сўзида давом этар экан: "Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлганимда, ана шу ниломерни кўриб, бу улуғ аждодимизнинг илмий даҳоси олдида яна бир бор ҳайратга тушиш бахтига муяссар бўлдим"[12].

Олим Аҳмедовнинг кўрсатишича ал-Маъмун Марвдан Бағдодга нафақат олимларни, балки, ғуломлари бўлмиш турк аскарларини ҳам олиб келган эди. Бағдодга келиши билан у маълум маънода лашкарни турклаштирди, ана шу турк аскаридан лашкарбошилар тайинлади, унинг ўғли Аҳмад эса Сурия ва Мисрни

---

[9] Аҳмедов А. Аҳмад Фарғоний. "Буюк сиймолар, алломалар". Тошкент. 1995 йил 17 бет

[10] Аҳмедов А. Аҳмад Фарғоний. "Буюк сиймолар, алломалар". Тошкент, 1995 йил 17 бет

[11] Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизацияси ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги Халқаро Конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. "Халқ сўзи". 2014 йил 16-май.

[12] Ўша жойда. "Халқ сўзи". 2014 йил 16-май.

мустакил деб эълон килиб, Тулинийлар сулоласига асос солди. Ал-Хоразмий халифа ал-Маъмуннинг якин одами ва маслахатчиси бўлгани каби ал-Фарғоний хам Тулуннинг якин одами ёки унинг сарой ахли доирасидаги кишилардан бири бўлганлиги тахмин килинади. Бу холда ал-Фарғонийнинг Мисрда пайдо бўлганидан ажабланмаса хам бўлади.

Демак, Ҳалифа ал-Маъмун даврида номи жаҳонга машхур бўлган 2 та расадхона – бири Бағдодда Шаммасия деган жойда, иккинчиси Дамашкка якин Косиюн деган тоғда Аҳмад Фарғоний рахбарлигида курилди. Ал-Фарғоний Бағдоддаги расадхонада Птоломейнинг "Альмагест" асарини таржима килиб, бу асардаги хамма маълумотларни, осмоний жисмлар ҳаракатини текшириб чикди. Птоломейнинг "Юлдузлар жадвали"даги маълумотларини кузатишда олимлар гурухига рахбарлик килди. У хамма кузатишлар натижаси ва ўзининг илмий хулосалари асосида "Астрономияга кириш" ("Мадхал ул-нужум") асарини яратди. Бу асарда Ахмад Фарғоний астрономияга доир бутун бир олам фикрини тўплаб илмий тахлил килиб, жуда аник ва тўғри маълумотларни беради. Ҳатто, Птоломей ва бошка бир катор антик давр олимларини танкид хам килади. Аҳмад Фарғоний Бағдод расадхонасида жуда кўп илмий кашфиётлар яратиб, биринчи бўлиб 812 йилда Куёш тутулишини илмий тахлил килиб, олдиндан айтиб берган эди[13].

Ахмад Фарғоний ернинг думалоклигини (эллипс шакл), илмий тахлил килиб, математик ҳисоблар билан шундай аниклаганки, бу маълумотлари ҳозирги кунда хам ўз ахамиятини йўкотган эмас.

Аҳмад Фарғонийнинг "Самовий харакатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси хакида" китоби унинг астрономияга бағишланган асосий асаридир. Бу асар "Астро-номия негизлари" деб ҳам юритилади. Бу китобда Аҳмад Фарғоний ўз давридаги астрономияга оид билимларини тартибга солди, уларни янги маълумотлар билан бойитди, астрономик асбоблар, Куёш соати тузилмасининг баёнини беради.

Ўрта асрларда дунё мамлакатларини етти иклимга бўлиб ўрганиш анъанага кирган эди. Кадимги Эронликларнинг етти кишвар хакидаги тушунчалари астрономия ва география тарихига кўчган. Етти иклим назариясида мамлакатлар шаркдан бошлаб етти иклимга бўлинади. Ҳар бир иклимга кирган жойлар алохида-алохида ўрганилган. Аҳмад Фарғоний ҳам мамлакатларни шу усулда ўрганган ва текширган. У тузган жадвалда вилоятлар шарк томондан ғарбга караб маълум бир изчилликда баён килинади.

Бу асар астрономия бўйича араб тилида ёзилган дастлабки рисолалардан хисобланади. Астрономияга оид билимлар комуси бўлмиш бу асар Оврупа Коперниккача бўлган астрономиядан асосий кўлланма бўлиб хизмат килди.

Президентимиз Халкаро Конференцияда "Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган "Астрономия асослари" номли фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳакидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга эканлиги хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга калар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўкитилиб келинган хамда буюк географик кашфиётлар даврида

---

[13] Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. Тошкент, "Ўзбекистон", 1981 йил. 20-21 бетлар.



Sam DTI
axborot-resurs markazi
8978 бр

Колумб, Магеллан ва бошка саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат килган"[14] деб кайд этади.

Демак, алломанинг "Астрономия асослари" асари ўн тўртинчи асрда лотин ва иврит тилларига таржима қилинган, кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия, Англия ҳамда АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп этилгани мазкур китобнинг соха равнақига нақадар мислсиз таъсир кўрсатганлигини намоён этади.

Умуман, алломанинг Ернинг шарсимон шаклдалигини ифодалаган кашфиётларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машхур сайёх Христофор Колумб "Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим", дея дастхат қолдирганининг ўзиёқ ал-Фарғоний илмий тафаккури асрлар чегараларидан ўтган ниҳоятда гениал олим эканлигини тасдиклайди[15].

Аҳмад Фарғонийнинг бошка асарлари ҳам, жумладан, "Китоб ул-Комил фил-устурлаб", ("Астрономия ҳакида мукаммал китоб"), "Рисолат ул-фасул маохал фил-мажистий ва хува салосуна фаслун" ("Ўттиз бобдан иборат мажистийга кириш фасллари рисоласи"), "Рисола фи маърифат ал-овкати алломати якун ул-камару фиҳо ал-арзу ав тахтико" ("Ой ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вактларни ўрганиш ҳақидаги рисоласи"), "Ҳисоб ул-аколим ас-сабъа" (Етти иклим ҳисоби"), "Китобамал ар-роҳатмат" ("Мармарнинг хизмати ҳақида китоб") ва бошқа асарлари тўлалигича бизга етиб келмаган, қўлёзмалар асосида Ғарб кутубхоналарида сақланмокда.

Аҳмад Фарғоний кашф этган ҳисоб-китоб ишлари – хох у риёзиёту астрономияга, хох, у географияга тааллукли бўлсин, ниҳоятда пишик фан далилларига асосланган тўғри ва мукаммал эди. Мунажжим олимларнинг бир неча авлоди Аҳмад Фарғоний асарларини ўкиб, тахлил килиб олим бўлишди. Европанинг йирик алломалари Фарғоний фаолияти хакида маърузалар ўкидилар. Хусусан, машҳур математик ва астроном Региомантан 1464 йилда Падусда Фарғонийнинг астрономия фаолияти ҳақида маъруза ўқиган, Беруний, Улуғбеклар Фарғонийнинг асарларидан ўз илмий фаолиятларида фойдаланган.

Президент И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарида Аҳмад Фарғоний жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси хақида тўхталди. Европада Аль-Фраганус номи билан машхур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожидаги нуфузи шу кадар юксак эдики, унинг исми шаркда ер куррасидагина эмас, балки самода хам шухрат топди. Ўн олтинчи асрда ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилгани бу фикрни исботлайди. Атокли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр килинган "Селенография" номли китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси, икки буюк ватандошимиз Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улугбек номи билан аталади" деб кайд этади[16].

---

[14] Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизацияси ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги Халкаро Конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутки. "Халқ сўзи", 2014 йил 16-май

[15] М.Зиёдинов, М.Жошхонов Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. "Халқ сўзи", 2014 йил 16 май

[16] И.А Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч". Тошкент, "Маънавият", 2008 йил 42 бет

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бу буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг илмий меросининг яна бир эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қува ва Фарғона шаҳарларида мутафаккир ҳайкаллари бунёд этилди. Фарғона Давлат Университетига Аҳмад Фарғоний номи берилди[17].

Демак, Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намоёндаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёқараши ва маънавиятининг ривожланишига бекиёс таъсир кўрсатди. Унинг бебаҳо мероси нафақат ўз даврининг олимлари, балки ҳозирги ва келажак авлод учун ҳам бебаҳо маънавий бойлик сифатида хизмат қилади. Аҳмад Фарғоний каби боболарнинг бебаҳо илмий маънавий салоҳияти айниқса, мустақил мамлакатимиз ёшлари онгида ватанпарварлик, миллий ғурур туйғусини уйғотишда уларнинг илм-фанга нисбатдан меҳр-муҳаббатини ошириб, баркамол авлод бўлиб шаклланишида беназир ҳисса қўшади.

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ИККИ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИ БИР-БИРИ БИЛАН БОҒЛАГАН АЛЛОМА

С.Фредерик Сторрнинг ёзишича: "Милоднинг 998 йилида бир-биридан 200 миля узокликда, ҳозирги Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудларида истиқомат қилувчи икки йигит ўзаро ёзишмага киришди. XXI аср лабораторияларида қўлланиладиган сўз тортишуви билан улар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган 18 масала борасида мунозара олиб бордилар".

Улар "Юлдузлар орасида қуёш тизимига ўхшаш ўзга тизимлар ҳам мавжудми ёки биз коинотда танҳомизми?" – дея саволни ўртага қўйишади. Европада мазкур масала кейинги 500 йил ичида очиқ ҳолда қолди. Бироқ бу икки йигитга биз коинотда ёлғиз эканлигимиз равшан эди. Улар яна ер бир бутун (яхлит) ва тугал шаклда яратилганми, ёки у вақт мобайнида эволюцион тарзда тараққий этганми? – деган саволлар билан машғул бўлганлар.

Ушбу ёш олимлар шундай хулосага келишди: "Вақт давомий, унинг на боши ва на охири бор. Бошқача айтганда, улар яратилганлик назарияси (креационизм)ни рад этиб, эволюцион геологияни ва ҳаттоки дарвинизм асосларини Дарвиндан қарийб минг йил олдинроқ илгари суришди"[18] – деб қайд этади.

Минг йил аввал амалга оширилган мазкур ёзишмалар илм-фан тарихида камдан-кам учрайдиган келажакка дадиллик билан қарайдиган интилишлар эди.

Ушбу икки алломалардан бири Абу Райҳон Беруний бўлиб, у милодий 973 йил сентябрда Хоразмнинг Қиёт (Кот) шаҳрида дунёга келди. У география, математика, тригонометрия, қиёсий диншунослик, астрономия, физика, геология, психология, минерология ва фармокология соҳаларида танилган эди. Абу Райҳон Беруний антик дунё ва Европадаги Уйғониш даври ўртасидаги энг буюк илм

[17] М.Зиединов, М.Жонихонов. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. "Халқ сўзи", 2014 йил 16 май.
[18] Ф.Сторр. Марказий Осиёни қайта кашф этиш. "Зарафшон" газетаси 19 сентябр 2009 йил

дарғалари қаторида туради. Шу туфайли Абу Райҳон Беруний жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Фредерик Сторрнинг қайд этишича: "800-1100 йиллар орасида Марказий Осиёлик буюк олим, санъатшунос ва мутафаккирлар плеядаси минтақани дунёнинг интеллектуал марказига айлантирдилар. Уларнинг таъсир доираси Марказий Осиё ва Ҳиндистондан Европа ва Яқин Шарққача тарқалган эди".

Фредерик Сторр ўз фикрларини давом эттириб: "Минг йил илгари Марказий Осиёликлар эришган интеллектуал ютуқларни санаб чиқишни қаердан бошлашни билиш мушкул. Математикада Марказий Осиёликлар биринчи бўлиб иррационал сонларни қабул қилишган, куб тенгламаларнинг турли хил шаклларини аниқлаганлар, тригонометрияни кашф этишган, ўнлик сонлар тизимини ва ҳинд (ғарбда "араб" рақамлари сифатида тан олинган) рақамларни янада такомиллаштиришган ҳамда бошқа ўлкаларга тарқатишган. Астрономияда улар яқин асрларгача тенги йўқ аниқлик билан Ернинг диаметрини ўлчаганлар ҳамда ҳайратланарли даражадаги аниқ астрономик жадвалларни тайёрлаш учун Уйғониш давридан анча аввалроқ бир неча йирик расадхоналар қурганлар" деб холисона баҳо беради. (Зарафшон газетаси 2009 йил 19 сентябр).

С.Фредерик Сторр ўз фикрида "Химияда эса Марказий Осиёликлар реакцияларни қайтаришга, кристаллизациядан химиявий тозалашнинг бир воситаси сифатида фойдаланишган, гўё Дмитрий Менделеевнинг 1871 йилги даврий жадвалига пойдевор яратиш мақсадида муайян тортиш кучини ўлчаш ва уни чуқур элементларида қўллаш каби ютуқларга эришдилар"[19] деб қайд этади. Шундай қилиб, Абу Райҳон Беруний Рим цивилизацияси билан Европа Уйғониш даври цивилизациясини бир-бири билан боғлаган мутафаккирдир.

Шундай экан, Берунийнинг Қуёш, унинг нурлари, иссиқлик, Ер ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. У Қуёшнинг чўғдек серҳарорат жисм эканлигини, Қуёш нури тезлигини ҳис қилиб бўлмаслигини, тез ҳаракатланиш бобида Қуёш нурининг олдига тушадиган нарса йўқлигини, нурнинг тезлигини товушникига солиштириш туфайли аниқланганлигини комил ишонч билан тасдиқлай олади. Олимнинг уқтиришича, Ернинг Қуёшдан оладиган ҳарорати бевосита Қуёш нурининг ўзида мужассамлашган Қуёш ҳароратидан ташқари Ернинг ўз ҳарорати ҳам мавжуд бўлиб, у ер бағридаги иссиқлик туфайли вужудга келади. Ер пўсти Қуёш нуридан қизиган вақтда бу икки ҳарорат ўзаро учрашади.

Беруний ўзининг "Минералогия" ва "Геодезия" каби асарларида тоғ ва саҳролар, уларнинг пайдо бўлиши, дарё ва океанлар, фойдали қазилмалар, минераллар ва уларнинг химиявий, физик хоссалари ҳақида ҳам кўп қимматли илмий маълумотлар берган. Шундай экан, унинг жаҳон полеон-тология билан геология фанлари ривожига қўшган ҳиссаси жуда каттадир.

Беруний асарларини мутоала қилар эканмиз, унинг ҳодисаларни тушуниш ва тушунтиришда диалактика элементларига бой материалистик тафаккур юритишга қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Берунийнинг фикрича, Ер айланади, ернинг ҳаракати қонуний бўлиб, астрономик ҳодисалар табиатига мос келади. Шу боисдан олим ўзининг "Мифтахил ал-Хайа" деган асарини айнан ана шу масалани ёритишга бағишлаган. Афсуски, мазкур асар ҳалигача топилмаган.

[19] "Зарафшон" газетаси. 19 сентябр 2009 йил

Абу Райҳон Беруний ўз замонаси астрономиясини чуқур билганлиги туфайли Коинот ҳодисаларини ўрганиш борасида ўз даври фани даражасидан юз йиллаб ўзиб кета олди. Олимнинг қуйидаги илмий фикрлари айнан шундан далолат беради. "Ҳатто бизнинг юқорида айтганимизга қўшилмайдиган кишилар ҳам тун билан кун йилига икки маротаба – бир гал баҳорда, иккинчи гал кузда ўзаро тенг бўлиши тўғрисидаги мулоҳазамизга қўшиладилар ва уларнинг сўзи бизнинг Қуёш шимолий қутбга энг яқин келган пайтда энг қисқа кун бўлади, шунингдек, ёздаги энг қисқа тун қишдаги энг қисқа кунга баробар бўлади, деган сўзимиз билан бир жойдан келаб чиқади"[20].

Беруний фикрини давом эттиради: "Мен дейманки, йил – бу Бурж сферасида бутун (осмон сфераси) қарама-қарши йўналишда ҳаракатланадиган қуёш ҳаракатининг бошланиш жойи деб қабул қилинган исталган нуқтага бир марта айланиб қайтиб келганидир. Гап шундаки, (йил) барча тўрт фаслни, яъни баҳор, ёз, куз ва қишни ўз ичига олади, уларга хос тўрт табиатни қамрайди ва қаердан бошланган бўлса, ўша ерга келиб тугалланади"[21].

"Мен дейманки, кун билан тун – бу Бурж сферасида Коинот гардиши йўналишида ҳаракатланадиган Қуёшнинг мазкур сутканинг бошланиши деб қабул қилинган доирасига бир марта айланиб қайтишидир. Бу доира исталган доира бўлиши мумкин, бунда у ҳақда келишилган ва у катта доира бўлиши лозим, негаки ҳар қандай (доира) патенцияда горизонтдир, мен "патенцияда" иборасини шу маънода айтаманки (бундай доира) у ёки бу жой учун горизонт бўлиш мумкин. "Коинот гардиши" деганимда инсоният (вужудга келгандан буён) осмон сфераси ва ундаги жамики нарсанинг икки қутб атрофида кўзга чалиниб айланишини назарда тутаман"[22].

Беруний билим олувчиларга қалбини ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзлик ва шон-шуҳратдан сақланиш зарурлигини уқтиради[23].

У барча иллатларнинг асосий сабаби билимсизликдир, деб билган. Билимларни эгаллашда эса кишида билимга интилиш, қизиқиш ва ижтимоий муҳит ўрнини алоҳида таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганишга, ўрганувчининг маънавий покликка риоя этишига алоҳида эътибор берган. Беруний фикрича, ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмай, у кишиларнинг ўзаро мулоқоти таркиб топади.

Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб, "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида шундай дейди: "Фахрланиш – ҳақиқатда яхши хулқ ва олий феъллар, олдин кетишу илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади"[24].

---

[20] Абу Райҳон Беруний (973 - 1048). Избранные произведения. Том II. Ташкент. "Фан". 1960. стр. 18
[21] Абу Райҳон Беруний (973 - 1048). Избранные произведения. Том I, Ташкент, Издател "Фан", 1960, стр. 18
[22] Абу Райҳон Беруний (973 - 1048). Избранные произведения. Том I. Ташкент. Издател "Фан". 1960. стр. 23.
[23] Б.Зиёмуҳаммедов. "Комилликка элтувчи китоб". Тошкент, 2006 йил 195 бет
[24] Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент, "Фан", 1968 йил. 151 бет

Мутафаккир инсон камолотда меҳнатнинг аҳамияти ҳақида муҳим фикрларини баён қилади. У ҳар бир ҳунар эгасини меҳнатга қараб турларга бўлади. Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд ва илм-фан соҳиблари меҳнатини келтиради. Айниқса, илм аҳли, олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, уларга хайрихоҳ бўлишга чақиради.

Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги маърифат, илм-фанни ҳам эътироф қилувчи-ирсият, ижтимоий муҳит ва тўғри таълим тарбиядир.

Абу Райҳон Беруний назарида инсон камолга етишишининг муҳим омиллари кўп билимга эга бўлиш ва юксак ахлоқийликдир. Инсон ҳам ички, ҳам ташқи томондан гўзал бўлсагина ҳақиқий камолотга эришиши мумкин дейди. У озодлик ва ораста ликни олийжаноблик билан тенглаштиради. Инсон доимо буларга амал қилиши лозим деб таъкидлайди. Бунда инсон ўзини бошқара олишга қодир бўлиши, ҳар бир етук инсон учун зарур бўлган ҳислатларни таркиб топтиришда куч ва иродага эга бўлиши керак дейди. У ўзининг "Минерология" асарида бу фикрни қуйидагича ифодалайди. "Инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қадар ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтагулик нарсаларга айлантиришга ҳамда аста-секин ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир"[25].

Беруний илм-фанни маънавий-руҳий жиҳатдан шакллантиришга таъсири масаласига алоҳида тўхталди.

Беруний илмий меросини тадқиқ этишга, асарларини нашр қилишга катта ҳисса қўшган ўзбек олимлари унинг фан тарихидаги хислатлари тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этганлар. Атоқли ўзбек файласуфи И.М.Мўминов шундай ёзади: "Берунийнинг илмий қизиқишлари ниҳоятда кенг ва турли туман бўлган. У Қадимги Юнонистондаги ва араб ҳукмронлигидаги фан тарихини, Марказий Осиёдаги қадимги давр ва илк ўрта аср фани тарихини, шунингдек, ўз замонаси фанини чуқур ўрганди". Беруний меросининг йирик тадқиқотчиларидан бири П.Г.Булгаков ўз вақтида унинг фан тарихи соҳасидаги хизматларини шундай таъкидлаган: "У Шарқда табиатшуносликнинг илк жиддий тарихчиларидан бири бўлиб чиқди ва бизлар учун кам танилган ажойиб Шарқ мутафаккир ва олимлари, хусусан, Эрон, Шаҳрий Сулаймон Самарқандий ва бошқалар тўғрисидаги ғоят қимматли маълумотларни сақлаб қолди". Америкалик фан тарихчиси Сарбон IX асрни "Беруний асри" деб таъкидлайди.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарида "Қомуси тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимиз илм-фан тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган буюк алломадир. Шуни таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган" деб қайд этади.

Абу Райҳон Берунийнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беназир ҳиссаси мустақил мамлакат ёшларини баркамол авлод қилиб тарбиялашда, улар қалбида ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқод туйғуларини шакллантиришда, уларда миллий ғурур туйғусини уйғотишда беназир хизмат қилиш имкониятига эга.

---

[25] Абу Райҳон Беруний. "Минерология". 25 бет

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Абу Райҳон Муҳаммад ибн ал-Беруний ҳижрий 362, милодий 973 йилда, қадимги Хоразмнинг маркази Қиёт шаҳрида туғилган. Беруний кўп тилларни билса-да, асосан араб тилида ижод қилган. У Хоразмшоҳ ибн Маъмуннинг қўл остида олим бўлди. Тарих, астрономия, минералогия, фалсафага оид қатор асарлар яратди («Геодезия», «Минералогия», «Фармакогнозия», «Ўтмиш авлоддан ёдгорликлар», «Ҳиндистон» ва бошқалар).

1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни бўйсундиргач, кўплаб олимлар қатори Беруний ҳам унинг тутқунига айланди. У султон қўшинлари билан Ҳиндистонга юришда қатнашди, ўзининг ҳинд қабилалари тўғрисидаги асари («Ҳиндистон»)ни ёзди. Беруний ўрта асрнинг энг буюк олимидир. XI аср – Беруний асридир.

Абу Райҳон Беруний ўз замонаси астрономиясини чуқур билганлиги туфайли Коинот ходисаларини ўрганиш ва илмий шарҳлаш борасида ўз даври фани даражасидан юз йиллаб ўзиб кета олди. Олимнинг қуйидаги илмий фикрлари айнан шундан далолат беради: «Ҳатто бизнинг юқорида айтганимизга қўшилмайдиган кишилар ҳам тун билан кун йилига икки мартаба – бир гал баҳорда, иккинчи гал кузда ўзаро тенг бўлиши тўғрисидаги мулоҳазамизга қўшиладилар ва уларнинг сўзи бизнинг Куёш шимолий қутбга энг яқин келган пайтда энг узун кун бўлади, Куёш шимолий қутбдан энг узоқлашган пайтда энг қисқа кун бўлади, шунингдек, ёздаги энг қисқа тун қишдаги энг қисқа кунга баробар бўлади, деган сўзимиз билан бир жойдан келиб чиқади».

Берунийнинг табиий-илмий қарашлари унинг фалсафий таълимотида муҳимдир. Демак, у табиатшунос олим сифатида астрономияга, асосий эътиборини Ернинг ҳаракатига қаратди, геоцентрик қарашларга (Птоломей)га зарба берди. Беруний биринчи бўлиб, гелиоцентрик ғояни илгари сурди. Олим дунёнинг кўплигини таъкидлайди. (Унинг бу фикри ҳозирги кунда ўзга цивилизацияларнинг мавжудлигини тасдиқлайди). Беруний ҳеч маҳал ўзининг ўтмишдошлари тўплаган маълумотларни йиғмаган, балки ўзи илмий янгиликлар яратган. Шунинг учун уни «буюк новатор» десак янглишмаймиз.

У илмий билишнинг янги методлари – тажриба ва эксперимент методларини ишлаб чиққан, ривожлантирган. Шу боисдан унинг дунёқараши антисхоластик характердадир.

Табиат – табиий ва моддий ходисалар маълум қонунларга бўйсунган бутун дунёни ўз ичига олади. Табиат – табиий қувватга эга бўлган қонуний жараёнларни белгиловчи нарса. У сохта олимларни табиатни мўжиза орқали тушунтиришларини қоралайди. Табиатда мўжиза йўқ, неки рўй берса, албатта сабаб орқали рўй беради. Худо фақатгина биринчи туртки ролини ўйнаган, холос. Табиат, барча осмоний соҳа ўз-ўзича ҳаракат қилади. «Агар, - дейди Беруний, - ҳаракатнинг бошланиши мавжуд бўлмаса, қандайдир ҳаракатлантирувчининг ҳам мавжудлиги шубҳалидир». У дунёнинг асосига моддий бошланғични қўйишни таклиф қилади. Материя абадийдир. «Ҳеч қандай шубҳа йўққи, табиий қувват материяни топади ва уни йўқотмайди». Беруний атомистик таълимот тарафдори бўлган, ар-Розийнинг кўплиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Берунийнинг билиш назариясида материалистик қоидалар кўп. Унингча, дунё хақидаги инсон билимларининг манбаи хиссий билишда. Сезгиларсиз инсон хеч нарсани била олмайди. «Ҳар қандай туғма кўр кўриш сезгиси мавжудлиги тўғрисида хеч нарса билмайди», деб таъкидлайди. Илмий билимларни эса сезги маълумотларини ўзлаштирган ақлнинг ютуғи, деб хисоблайди.

Беруний ўз ўтмишдошлари, хусусан, Фарғоний ва Хоразмийлар томонидан ишлаб чиқилган илмий билишни ривожлантириб, гоят қимматли қоидани илгари суради: «Узоқ ва мунтазам кузатув кўрган-кечирган нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини туғдиради. Ҳамма санъатда, яъни хамма илмда ана шунга суянмоқ керак». Хотиранинг аҳамияти хақида хам Беруний ўзига хос фикрни айтган: «Хотира барча далилланган нарсаларни яхши қамраб олади ва уни тез, осонликча эслаб қолади». Хотирани у ягона Оллохнинг инъоми ва уни хосил қилиш мумкин эмас деб хисоблайди. Шу ернинг ўзида «ғайрат асосдир», дейиш билан ўзининг юқоридаги фикрини рад этади.

Кўриниб турибдики, табиатшуносларга табиат ходисаларини кузатиш, кўришни ва эслаб қолишнигина тавсия этиб қолмай, балки илмий тадқиқотда ғайрат ва матонатли машғулот, яъни тажриба хам зарурлигини уктиради. Беруний Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда тажрибага асосланган илмларнинг асосчиларидан бири бўлган. У табиат ходисаларини билишда мантиқий хулосалар ва таққосларнинг аҳамиятини алохида таъкидлаган. Файласуф хиссий билишдан ақлий билишга ўтиш жараёнини ҳам кўрсатиб бера олган. У инсонда билимларнинг вужудга келишида объектив ва субъектив сабабларни кўрсатиб, илмий муаммолар билан диний масалаларни бир-бирига аралаштириб юборишга қарши чиққан.

Беруний билишда тажрибанинг ролига катта аҳамият берган, тажриба билимларимизнинг тўғрилигини текширувчи мезон деган фикрни илгари сурган. Бу ғоя жуда прогрессив ғоядир. У «икки хақиқат» («қўш хақиқат») назариясига ҳам эътибор берган, уларнинг бир-бирига қарши эканлигини таъкидлаган.

Буюк олим авторитетларнинг ролини инкор қилмайди, аммо уларга кўр-кўрона сажда қилишни танқид қилади. Авторитетларга танқидий ёндашиш керак. Беруний Аристотелни буюк олим сифатида хурмат қилади, аммо у Аристотелнинг кўп фикрларини, жумладан унинг дунёнинг кўп хиллигини тан олмаслиги учун танқид қилади. Беруний кўпроқ Демокритга, айникса ар-Розийга яқинроқ келган.

Ижтимоий қарашларда Беруний жамиятда моддий омилнинг ролига Форобий сингари алохида эътибор берган. Шунингдек, жамоанинг келиб чиқишида географик мухит ҳам катта роль ўйнаганлигини таъкидлаган. Жамоа ва тил инсонларнинг бирлашувига бўлган эхтиёж натижасида келиб чиққан.

Беруний хунар, савдо-сотиқ, давлатлараро маданий-илмий алоқаларни кучайтириш тарафдори бўлган, зулм, адолатсизликни қоралаган.

Мутафаккир Ўрта Осиёдаги араб истилосини ҳам қоралайди ва уларга қарши халқ қўзғолонларига хайрихохлик билдиради. Унинг маърифатпарвар-лик ғоялари ҳам кўп. Мамлакатнинг ободончилиги илм-фан ривожига боғлиқ, инсоннинг бахти илм-маърифатли бўлишидадир, деган фикрлар Беруний томонидан илгари сурилган. Берунийнинг бой илмий-фалсафий мероси Ўрта Осиёда ва бутун дунёда илм-фан тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатган. Халқларимиз унинг буюк истеъдодини юксак қадрлайди.

Берунийнинг фалсафий мероси мустақил мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, меҳнатга инсоний муносабатда бўлиш ва имон-эътиқод руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Ибн Сино бошланғич таълимни она шаҳри Бухорода олди. У 17 ёшидаёқ машҳур олим ва табиб бўлиб танилди. Хаста амир Нуҳ бин Мансурни даволаган ибн Синога Сомонийларнинг машҳур кутубхонасидан фойдаланишга рухсат берилади. Берунийнинг замондоши бўлган Ибн Сино ўзининг “Донишнома”, “Алқонун фитт тиб” (“Тиб қонунлари”), “Китоб аш-шифо” (“Даволаш китоби”) каби асарларида илмий-фалсафий ва тиббий ғояларни илгари сурган. Унинг фалсафий карашлари Аристотель ва Форобий таъсирида шаклланган.

Ибн Синонинг илғор фалсафий ва тиббий-илмий қарашлари унинг табиат ҳодисаларини материалистик тушунганлигидан далолат беради. Унингча, фалсафанинг асосий вазифаси барча мавжуд нарсаларни келиб чиқиш тартибини, бир-бирига ўтиши ва ҳоказоларни ўрганишдир.

Дуне яхлит, мураккаб борлиқ демакдир. Ибн Сино борлиқни иккига ажратади: зарурий борлиқ – худо бўлиб, у ўз-ўзидан келиб чиқади. Имконий борлик эса материя бўлиб, у зарурий борлиққа боғлиқдир. Фақат материя эмас, балки ақл, жисм, осмон ҳам имконият даражасида мавжуд бўлади. Улар субстанциялардир. Материя ҳам зарурийдир. Ибн Сино худо абадий экан, материя ҳам абадийдир, деб таъкидлайди ва пантеизмга мойиллик билдиради.

Материя абадийдир. Унинг ички моҳияти эмас, балки шакли ўзгаради. Яхлит табиат ўзининг ички қонунлари асосида ривожланади. Ибн Сино ҳам Форобий каби 4 та элемент (унсур) ни оламнинг моддий бошланғичи (субстанцияси) деб тушунади. Ана шу элементларнинг турлича бирикувидан жонли ва жонсиз мавжудотлар пайдо бўлган.

Ибн Сино ҳодисаларнинг сабабий боғланишларини рад этувчи индетерминистик қарашларини инкор қилиб, “ҳар бир нарса унинг сабабларини, агар шундай сабаблари бўлса, уларнинг туб асосларини ўрганиш орқали билинади”[26] деб ёзади.

Унинг фикрича, моддий жисмлар тараққиётида муайян эволюция мавжуд. Табиатдаги эволюция табиатнинг ўзига хосдир.

Олдин ўсимликлар, ҳайвонлар ва сўнгра инсон пайдо бўлган. Ҳар бир янги турнинг вужудга келиши янги сифатнинг вужудга келишидир. Инсон ҳайвондан ақли, тили билан устундир. Касб билан шуғулланиш ҳам фақат инсонга хос.

Ибн Сино фалсафий категорияларни ажратиб кўрсатди: вужуди вожиб (зарурий вужуд), имконият, субстанция, акциденция, материя, шакл, ақл, жон, 4 элемент, қувват, сезги, минераллар, нур.

Ўзининг билиш назариясида Ибн Сино инсон билимларининг объектив характерини эътироф этди. Билиш, унингча, сезги ёрдамида ҳис қилиш ва тушунчалар ёрдамида фикрлашдир.

---

[26] Ибн Сино. Тиб қонунлари 1-китоб. Тошкент, 1954 йил. 5-бет

Инсон ақл ёрдамида турли фанларни ўрганиб, маънавий бойиб боради. Ақл, тафаккур ҳар қандай билимларнинг мезонидир. "Ҳар қандай билим ақл тарозусида ўлчанмоғи керак", деган эди аллома. Шу нуқтаи назардан, у илмий билишнинг методи сифатида логикани қадрлади. Билишнинг энг олий чўққиси эса ҳақиқатга эришишдир.

Ибн Сино ижодида пантеизм элементлари ҳам бор: худо билан борлиқ бир-бирига зид эмас, балки улар бир бутундир, деб ҳисоблаган эди мутафаккир. Шунингдек, унда деизм ҳам мавжуд, "биринчи туртки" ни у тан олади.

Ибн Сино кучли табиб сифатида ҳам шуҳрат қозонди. У даволашнинг уч хил усулини аниқлади:

- овқат еб, чой-сув ичиб туриш, осойишталик ва ҳаракат, атрофдаги шароитнинг қулай бўлиши;
- дори ичиш;
- жарроҳлик йўли билан таъсир кўрсатиш.

Унинг тиббиётга бағишланган асарлари кўплаб мамлакатларнинг тиббиёт ўқув юртларида ўрганилмоқда.

Ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларида файласуф идеал жамоа тўғрисида тўхталди. Бундай жамиятга эришиш учун кишилар ўзаро ёрдам асосида бирлашишлари лозим. Ижтимоий келишув асосида адолатли қонунлар қабул қилинади. Бу қонунлар асосида жамият бошқарилади. Идеал жамиятнинг аҳолиси давлат арбоблари, ишлаб чиқарувчилар ва ҳарбийлардан иборат бўлмоғи лозим.

Буюк олим ва файласуф, табиб Ибн Сино меросининг кўп қисми бизгача етиб келмаган. Аммо унинг мавжуд бой мероси жаҳон илмига қўшилган буюк ҳиссадир.

XI асрнинг машҳур тарихий ёдгорликлари Қорахонийлар даврида маданий ҳаёт юксалиб борганлигидан далолат беради. Масалан, 1127 йилда Бухорода 50 метр баландликдаги Минораи Калон қурилди.

XI асрнинг иккинчи ярмида илм-фан, поэзия ривожланди. Таниқли шоир ва мутафаккир Юсуф Хос Хожиб ўзининг 1069-1070 йилда ёзган "Қутадғу билиг" ("Саодатга йўлловчи билим") деган достонида Форобий, Ибн Сино, Берунийларнинг асарларидан, юнон ва Рим илмидан хабардорлигини кўрсатди. Турк тилида ёзилган бу асарда муаллиф тилни билишнинг, умуман, билимларнинг – табобат ва астрономиянинг аҳамияти ҳақида тўхталади. Хос Хожиб бутун борлиқнинг бутун асоси 4 унсур – сув, ҳаво, олов ва тупроқдан ташкил топганлигини таъкидлайди. Шоир ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинидаги Боласогун қишлоғида туғилиб улғайди. Юсуф Хос Хожиб кишининг яхши хулқи, билими, тили, сўзи, ҳунари, яхши-ёмонлиги, сахийлиги ва бахиллиги, қаҳр-ғазаби, мард-вазминлиги, доно-камтарлиги тўғрисида айтган фикрлари жуда аҳамиятли ва умуминсонийдир:

**Киши мангу бўла олмайди, мангу унинг отидир,**
**Ундан мангу қоладиган унинг бу эзгу отидир.**
**Ўзинг мангу эмас, отинг мангудир,**
**Отинг мангу бўлса, ўзинг мангудирсан,**

дея шоир киши тириклик чоғида одамларга фақат яхшилик қилмоғи керак деган фикрни илгари суради.

## УМАР ҲАЙЁМ (1040-1123) ТАЪЛИМОТИ

Ўрта Осиёнинг улуғ олими, математик, астроном, табиб, файласуф, шоир – Умар Ҳайём 1040 йилнинг 18 майида Эроннинг шимолий қисмидаги Нишопур шаҳрида туғилган.

Умар Ҳайёмнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти даври газнавийлар империясининг емирилиб (XI асрнинг 40–55 йиллари), салжукийлар салтанати ҳукмронлиги даврида бошланди. Салжукийлар давлати Афғонистон, Эрон, Ўрта Осиё, араб халифалиги (марказий Бағдод шаҳри) Хитой чегарасидан Қора денгизгача ва Кавказдан Японияга бўлган сарҳадни ўз ичига олар эди. Тўхтовсиз урушлар, раҳмсиз эксплуатация, ҳаддан ташқари соликлар меҳнаткаш халк аҳволини ёмонлаштирди ва синфий курашни кескинлаштириб юборди.

Ҳайём дастлаб Нишопур мадрасасида кўзга кўринган олим Насриддин шайх Муҳаммад Мансур қўлида билим олди. Бундан ташқари, Ҳайём ўз билимини ошириш йўлида тинимсиз иш олиб борди. Балх, Бухоро, Самарканд, Марвга саёҳатлари ҳам унинг ижодининг юксалишида катта роль ўйнади.

Умар Ҳайём математика, астрономия, философия, тарих, адабиёт, табобат каби фанлар устида астойдил иш олиб борди. Унинг ижодига Арасту, Форобий, Беруний, ибн Сино асарлари кучли таъсир кўрсатди. Ҳайём ўзининг илмий ишларида Форобий, Беруний, ибн Синоларнинг прогрессив, илмий-фалсафий фикрларини ривожлантирди. У математика ва астрономия ривожида янги давр яратди. Айникса, Умар Ҳайёмнинг прогрессив фалсафий ва илмий карашлари ўздан кейинги авлоднинг фикри ривожида муҳим роль ўйнади.

Умар Ҳайём философия, математика, астрономия, физика бўйича бир канча асарлар яратди. Ҳайёмнинг рубоийлари ўзининг чуқур фалсафий мазмуни ва лирик характери билан дунё классик поэзияси хазинасига дурдона бўлиб кўшилди.

Ҳайём 1074 йилда ўзининг машҳур астрономик жадвалини тузди. Ўша йили Маликшоҳ топшириғи билан мавжуд жадвалга ислоҳ киритиб, Ой йилини унгайсиз ҳисоблади. Қуёш йилига ўтишни лозим кўрди. Бу янги жадвал 1079 йилнинг 15 мартидан бошлаб Султон "Жалолиддин эраси" номи билан ҳозиргача жорий этиб келинмоқда, у Ҳайём номини абадийлаштирди. Олим ва шоир Умар Ҳайём табиатшунослар билан файласуфлар ўртасида алоқа бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Ҳайёмнинг таълимотига кўра, ҳамма нарсанинг асосида "умумий ақл" ёки "яратувчи ақл" ётади, ундан умумий жон, сўнгра умумий жисм вужудга келади. Бирок унинг худоси ёки "Яратувчи ақли" абстракт ва пассив характерга эга. "Яратувчи ақл" яратган моддий олам эса фаол бўлиб, ҳаракат, ўсиш ва ўзгариш хусусиятларига эга.

У борлиқни мураккаб материя деб тушунади. Шунингдек, у умумийлик ва хусусийликнинг алоқадорлиги тўғрисида фикр билдириб, умумийликни билиш – хусусийликни билиш, деб таъкидлайди. Унингча, бутун умумий жисм осмон, сайёралар ва табиат ҳукмронлигидан иборат. Табиат ҳукмронлиги тўрт бошлангич моддий элемент – ҳаво, сув, ўт ва ердан ташкил топган; ер ва ундаги ходисалар эса минераллар, ўсимликлар ва ҳайвонлардан иборат; ҳайвонлар сезиш, мустақил ҳаракат қилиш қобилиятига эга; ҳайвоннинг энг юқори тури инсон

бўлиб, у бошқа хайвонлардан ўзининг сўзлаш кобилияти билан фаркланади. Умар Ҳайём таълимотича моддий дунё инсонгача мавжуд бўлган ва ундан кейин хам мавжуд бўлади:

*Сену мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,*
*Айланувчи фалак ҳам бутун бор эди.*
*Зинҳор қадамингни тупроққа авайлаб қўй,*
*Чунки бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.*

Унингча, моддий дунёда йўкдан бор бўлмайди ва бордан йўқ хам бўлмайди.

Дунё ўз конуниятларига эга. Бу хақда Ҳайём шундай дейди:

*Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлади,*
*Бизлардан на ному нишон бўлади,*
*Аввалку йўқ эдик, этмади ҳалал,*
*Яна бўлмасак ҳам, ҳамон бўлади.*

Ҳайём дунёкарашида инсон ва унинг гуманизми масалалари марказий ўринни эгаллайди. Унинг фикрича, инсон коинотнинг асосий маъносини фаҳмловчи, билувчи, яратувчи зот, инсонсиз оламнинг, борлиқнинг маъноси қолмайди:

*Дунёнинг тилаги, самаридирмиз,*
*Ақл кўзин қораси, жавҳаридурмиз,*
*Теварак жаҳонни узук деб билсак,*
*Шаксиз унинг кўзи – гавҳаридирмиз.*

Умар Ҳайём материализмни ўзининг стихияли диалектикаси билан боғлайди. Унингча, моддий борлик – мангу жараёндан иборат; у хар доим харакатда, бир холатдан иккинчи холатга, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиб туради; ноорганик табиатдан органик табиат, ўсимлик, хайвонлар вужудга келади; тирик нарсалар эса ўлиб, тупрокка айланади. Бу тўгрида у шундай дейди:

*Бозорда бир кулол кўрсатиб ҳунар,*
*Бир бўлак хом лойни тепиб пишитар.*
*Лой инграб айтади: Ҳой, секинроқ теп,*
*Мен ҳам кулол эдим сендек, биродар.*
*Эй, донишманд кекса, тургил эртароқ,*
*Тупроқ элаётган болага бир боқ,*
*Ва унга дегилки: "Эла секинроқ,*
*Қай боши, Парвизнинг кўзи бу тупроқ".*
*Тупроқни топтайди нодон оёғи,*
*Билмаски, бу жаҳон юзин тупроғи,*
*Сарой пештоқини безаган ҳар ғишт,*
*Султон калласи-ю, вазир бармоғи.*

Умар Ҳайёмнинг билиш назарияси унинг табиий-илмий карашлари билан узвий боғлик. Ҳайём моддий оламни билиш мумкинлигига шубҳаланмайди. Лекин у кишиларнинг табиат тўғрисида хосил килган билимлари етарли эмаслигини, ҳалигача инсон томонидан билинмаган нарсалар жуда кўплигини, бу сирлар келажакда очилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Умар Ҳайём нариги дунё, жаннат ва дўзах тўғрисидаги фикрларни рад этади ва уларнинг пуч, ёлгон, кишиларни кўркитув максадида ўйлаб чиқарилган

ақидалар эканлигини таъкидлайди:

*Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил,*
*У дунё хабарин ким берган, э дил.*
*ҚЎРҚУВ умидими шулардан аммо –*
*Ному нишонасин ким билган, э дил.*
*Уриндим қўяй деб сув бетига гишт,*
*Кўп беозор қилди бу бутхона, куништ,*
*Эй, Хайём, ким айтар дўзахийсан деб,*
*Ким бориб кўрибди дўзаху беҳишт?*
*Овоза тарқалса: чиқди янги гул,*
*Ой юзли гўзалим шароб келтиргил.*
*Ўйлама дўзаху, жаннату, ҳурни –*
*Ҳаммаси овоза, йиғлаб ўлтиргил.*
*Баҳор айёмида гўзал паризод –*
*Бир коса май бериб, дилим этса шод.*
*Кишилар наздида хунук бўлса ҳам,*
*Ит бўлай жаннатни бир бор қилсам ёд.*

Умар Ҳайём ижоди ундан кейинги даврларда фалсафий фикр тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди.

X–XI асрларда Ўрта Осиёда суфизм, яъни сўфийлик (тасаввуф) фалсафий оқими кенг тарқалди. Академик Бертельснинг фикрича, сўфийлик ягона фалсафий оқим бўлмасдан, унда ҳам ижобий, ҳам салбий ғоялар мавжуд бўлган.

Мутафаккир шоир Сўфи Оллоёр ўзининг "Мурод ул-орифин" номли асарида сўфийлик илмлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтиради. Сўфизм арабча "суф" сўзидан олинган бўлиб, "жун" деган маънони билдиради. Маълумотларга кўра, бундай кишилар пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга таассуб қилиб, така жунидан тўқилган чакмон кийиб юрганлари учун улар сўфийлар деб аталганлар.

Коммунистик руҳ билан суғорилган адабиётларда (хусусан, фалсафий адабиётларда) сўфизм таркидунёчиликни тарғиб қилувчи реакцион оқим сифатида баҳоланди, гўё у аскетизмни, яъни зоҳидлик, дунёнинг лаззатларидан бутунлай воз кечишни назарда тутар эмиш.

Тўғри, сўфийларда узлатпаноҳлик, жисмоний ва маънавий покланиш, ёмонлик қилишдан ўзини тийиш мақсадида эл назаридан четлашишга уриниш одати бўлган. Аммо Сўфи Оллоёр ўз асарида гувоҳлик беришича, сўфийлар бу одатни пайғамбар алайҳиссалом ва унинг саҳобаларидан ўрганганлар, у расул йўлидан боришни англатган. Узлатда бўлган киши ёмонликдан, риё, фосиқлик ва гуноҳдан халос бўлди. Узлат пайтида сўфий ўзини Аллоҳ билан бирга ҳис этади, унда барча инсоний фазилатлар мужассамлашган: унинг қалби соф ва мусаффо, у ўзини нафс ва шаҳватдан тияди.

Фалсафий тил билан айтганда, сўфизмда амалий ҳаёт ахлоқий нормалар тарзида тушунилган: очофатлик, мол-дунёга муккасидан кетиш, гумроҳлик, таъмагирлик, нифоқ ва бошқа ғайриахлоқий ҳоллар қораланган. Шу маънода буюк мутафаккир Муҳаммад ал-Ғаззолий "сўфийликда камбағаллик унинг зийнатидир" деб айтган.

Сўфийлик фалсафада пантеистик, яъни борлиқ билан Худони бирга

қўшувчи оқим ҳисобланади. Коинот – худонинг намоён бўлишидир. Худо ҳамма жойда ҳозиру нозир: у барча нарсаларда, ҳатто одамда ҳам мавжуд. Инсон руҳи пировардида Худо билан қўшилади, бу қўшилиш энг лаззатли чоглардир ва у энг олий мақсад ҳисобланади.

Сўфийликда жазава тўғрисидаги фикрлар зиддиятли бўлса-да, диққатга сазовордир. Жазава ижобий маънодаги соф субъектив ҳолат бўлиб, у фақат айрим кишиларга насиб қилади, ҳамма ҳам жазавага туша олмайди. Худога сидқидилдан итоат қилувчи киши жазава билан зикр-самога тушгандагина Аллоҳнинг жамолини кўришга мушарраф бўлади.

Сўфийликда эманация (жилоланиш) тўғрисидаги фикрлар ғоят қизиқарлидир. Бундай фикрлар қадимги юнон файласуфи Плотининг (205–270 йй.) асарларида ҳам учрайди. Ягона Худо мавжуд бўлиб, теварак атрофдаги барча нарсалар ва ҳодисалар Худонинг жилоланиши туфайли вужудга келган, шу жумладан, инсон ҳам. Шунинг учун инсоннинг мақсади ўзининг асл ҳолига қайтишдан иборат бўлмоғи керак.

Сўфийликнинг ахлоқий таълимотида камтарлик марказий ўринда туради. Сўфий ўзининг баркамол билимлари билан бошқалардан ажралиб турса-да, лекин у ҳеч қачон ўзини олим ҳисобламайди. У ўзига насиб этган илм ва ахлоқий сифатларни бошқаларга ҳам сингдиришга интилиши керак. Муайян илоҳий ва дунёвий билимларга эга бўлмаган киши сўфий бўлолмайди, ўз навбатида, узлат унинг учун ҳаромдир ва унинг ибодати қабул қилинмайди. Маънавий пок, руҳан тетик, билимдон, ўзини ёмонликдан, бало-қазолардан, айш-ишратдан ва ножоиз хатти-ҳаракатлардан тия олган камтар ва камсуқум кишиларгина сўфий бўла оладилар.

Сўфийлик собиқ совет фалсафий адабиётида дунёдан юз ўгиришни, ҳаётдан нафратланишни тарғиб қилувчи оқим деб кўрсатилди. Ваҳоланки, унинг фалсафий ва ахлоқий таълимоти чуқур мазмунга эгадир.

Сўфийлар таълимотининг ғоявий-фалсафий манбаи ҳам жуда кенг. Улар ўзларидан аввал яшаб ўтган мутафаккирлар ва фалсафий мактабларнинг таълимотларидан фойдаланади, қадимги юнон ва ҳинд фалсафаси, зардуштийлик ҳамда христианлик таъсирида шаклланди. Шунингдек, сўфийлик Ўрта Осиёда фалсафий-ахлоқий фикрларнинг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Унинг ғоялари Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби улуғ мутафаккирларнинг ижодига баракали таъсир кўрсатди. Сўфийлик таълимотини асослаб берган Муҳаммад ал-Ғаззолий, Фаридиддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Мансур Халлож, Сўфи Оллоёр сингари мусулмон дунёсининг мутафаккирлари ва уларнинг қарашлари авлодлар оша мангу яшайди.

Ўрта асрларда мутакаллимлар, муътазилийлар ва сўфийлардан ташқари исмоилизм таълимоти ҳам мавжуд бўлиб, у пайғамбарнинг куёви Али авлодидан бўлган Исмоил номи билан боғлиқдир. Унда ҳам инсоннинг эркинлиги ғояси илгари сурилган. Аммо бу оқим зиддиятли характерда бўлиб, у ҳозир ҳам Покистонда кенг тарқалган.

## ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Хожа Аҳмад Яссавий жамики мусулмон дунёсида – Марказий Осиёда яшовчи аҳоли ўртасида маълум ва машҳур мутафаккирдир. У ўзи ҳақида "Отим Аҳмад, туққан ерим ул муборак Туркистондир" деганида умумтурк мутафаккири эканлигини билдиради.

Манбаларга ва маҳаллий халқ орасидаги гапларга қараганда, Хожа Аҳмад Яссавийнинг таваллуд топган жойи Қадимий Исфижоб (ҳозирги Сайрам қишлоғи) бўлиб, туғилган йили номаълум. Унинг отаси Иброҳим шайх бин Махмуд шайх бин Ифтихор шайх, онаси эса Қорасоч момо бўлган.

Аҳмаднинг отаси Шайх Иброҳим Сайрамнинг энг нуфузли машойихларидан бўлган. Аҳмад етти ёшга тўлганида, унинг отаси оламдан ўтади. Сўнгра айрим манбаларда ривоят қилинишича, Аҳмад бошқа бир маънавий отага – Арслон бобога етишади, ҳазрат Пайғамбар Арслон бобога Аҳмад Яссавийнинг қандай бўлажагини таъриф ва таълим этиб, унинг тарбияси билан шуғулланишни амр этди.

Аҳмад етти ёшигача ҳам жуда теран маънавий тарбия кўрган. Арслон боб (боб – "бобо" демакдир – Ҳ.К.) уни бир йил давомида янада юксак мақомга етказиб тарбиялади, сўнгра ўзи вафот этди.

Аҳмад Яссавий таълим ва иршод билан машғул бўлган, атрофида муридлар кўпаяверган (бир ўринда ёзилишича, унинг тўқсон тўққиз минг муриди бўлган). Шуҳрати бутун Марказий Осиёни тузган Хожа Аҳмад ўз муридларига зоҳир ва ботин илмларини ўргатди, қолган вақтда тоат-ибодат қилди, бўш вақтларида қошиқ ва қипча йўниб, уларни сотиб кун кечирди..

Хожа Аҳмад Яссавийнинг неча йил умр кўрганлиги хусусида ҳам турлича нуқтаи назарлар бор. Манбаларда унинг 100 йил дан ортиқ, яъни 120, 125 ва 133 йил яшаганлиги қайд қилинади. Туркиялик машҳур яссавийшунос олим Муҳаммад Фоуд Кўприлизода ўзининг 1918 йилда Истамбулда нашр қилинган "Турк адабиётида илк мутасаввуфлар" деган китобида гувоҳлик беришича, аллома 120 йил умр кўрган. Яссавий Муҳаммад Пайғамбар ёшига тўлгач, "олтмиш учга етди ёшим, ўтдим ғофил" деб, ер юзида яшашни ҳаром ҳисоблаб, "ўзи сифат доноларни топмай", қолган умрини ер остида ўтказишга жазм қилади. У ер остида ҳам деярли ер устидаги билан тенг ҳаёт кечирди.

Марказий Осиёда сўфийлик фалсафасининг тарқалиш тарихи ҳам Хожа Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқдир. XXI аср давомида тасаввуфнинг Арабистон ва Марказий Осиёда бир неча мазҳаблари вужудга келади. Мовароуннаҳрда Юсуф Ҳамадоний (1045-1138) мактаби ривож топган эди. Унинг шогирдларидан – Хожа Абдураҳмон Ғиждувоний ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, Хожа Аҳмад Яссавий эса Қозоғистон, Волгабўйи ва Сибирь ерларида тасаввуф таълимотини тарғиб қилади.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг бутун ижодида тасаввуф фалсафаси яққол "бўртиб" туради. Унинг асосий асари "Девони ҳикмат" бўлиб, исломий турк адабиётининг "Қутадғу билиг" дан кейинги энг буюк намунасидир.

**Менинг ҳикматларим оламда султон,**
**Қилур бир лаҳзада чўлни гулистон.**
**Менинг ҳикматларим дардсизга айтманг,**
**Баҳосиз гавҳарим нодонга сотманг, –**

дейди мутафаккир.

Сўфийлик мазҳабининг Яссавий сулукига асос солган файласуф шоир илоҳий ишкни куйлайди. XX аср ўзбек яссавийшунос олими Абдураҳмон Саъдийнинг фикрича, мутафаккир "бутун хаётни, бутун саодатни руҳоний ишқда кўрадир, онинг ишки ҳам Афлотун ишки кабидир».

Муқаддас руҳ оламнинг асосидир. Аллоҳ жамолига мушаррафлик фақат узлат-хилватда, зикру самода муқаддас руҳ, вужуди мутлақ билан суҳбатда деб қараган эди. Яратилиш ва яратгувчининг сифатлари олдида мафтунлик Яссавий таълимотининг марказий гоясидир.

Абдураҳмон Саъдийнинг фикрига кўра, Яссавий Навоийдан ҳам аввал "турк тилини томирлантириб, унга ҳаёт бергувчи бош қаҳрамон" ҳисобланади. Ҳазрат Навоийнинг ўзи Яссавийни "Туркистон мулкининг шайхул машойихидир" деб улуғлаган эди.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти 1993 йилни Хожа Ахмад Яссавий йили, деб эълон килди. Бу эса XX асрда олимнинг ҳаёти ва ижодига оид китоблар, маълумотлар чоп этилмаган юртимизда Яссавий ижодини, муҳитини, даврини ўрганишда муҳим аҳамиятга моликдир.

XIII–XIV асрларда ўтмиш файласуф ва табиатшуносларининг анъаналарини давом эттирган олим ва мутафаккирлардан хоразмлик **Маҳмуд Чағминий** (фалакиётчи, риёзиётчи, табиб ва жўғрофшунос) ҳамда **Паҳлавон Маҳмуд** (шоир ва мутафаккир)лар ҳам Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётида из қолдирган. Паҳлавон Маҳмуд (1247–1326) – шоир ва мутафаккир, Ҳиндистон ва Эронда полвонликда донг таратган, рубоийлари бизгача етиб келган. Маҳмуд моддий борликнинг абадийлиги, инсон ва табиат, ер васли ва унинг лаззати ҳакида фикр юритади, одамийликни улуғлайди. У ўзи яшаган муҳит ва ундаги ярамас ҳатти-ҳаракатларни, риёкор шайхлар, мунофиқ зоҳидларни аёвсиз фош этади. У ўз карашларини асосан форс тилида ёзган, "Канз ул-ҳақойиқ" номли маснавийида баён қилган.

## НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

Президентимиз И.Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарида "Қадимги тарихимизни хар томонлама ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, энг калтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга карши курашга ундаган, ижодкорларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга карши чикишга чорлаган бекиёс куч ҳам айнан маънавий жасорат туйғусидир" деб таъкидлайди (Юксак маънавият – енгилмас куч, 163 б.). Ҳақиқатдан ҳам, мустақил мамлакат ёшлари қалбида маънавий жасорат туйғусини шакллантиришда дунё маънавиятини ривожлантиришга буюк ҳисса қўшган Озарбайжон муттафакири Шарқда беш достондан иборат "Хамса" ёзишни инсоният тарихида биринчи бор бошлаб берган Амир Низомий Ганжавийдир.

Абу Муҳаммад Илёс бинни Юсуф Низомий 1141–1143 йиллар орасида ҳозирги Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида маърифатли оилада дунёга келади. Унинг отаси Эроннинг Кум шаҳридан бўлган, онаси эса ҳарбий саркарданинг

қизи эди. Болалигида ота-онаси вафот этгач, ёш Юсуфнинг тарбияси билан тоғаси Хўжа шуғулланган.

Ганжа X–XII асрларда маданият, илм-фан, савдо-сотиқ анча ривожланган шаҳар бўлган. Шоир асарларидаги далиллар, унинг форсий ва араб тилларидан ташқари юнон, қадимги паҳлавий, санскрит ва бошқа тилларни ҳам мукаммал билганлигини тасдиқлайди. Низомий ўз давридаги фалсафа, мантиқ, илоҳиёт, адабиётшунослик, кимё, астрономия, математика сингари фанларни пухта билган. У ўз замонасидаги Абдуллоий Ганжавий, Изуддий Анварий, Жамолиддин Абдураззоқ ижодий фаолияти билан яқиндан танишган эди.

Ёшлигиданоқ шериятга иштиёқи баланд бўлган Низомий йигитлик палласидаёқ шоир сифатида шуҳрат қозониб, обрў-эътиборига сазовор бўлган. Унинг араб ва форсий тилда ёзган ғазал ҳамда қасидалари илм аҳли назарига тушади. Низомийни ҳукмдорлар сарой шоирига айлантирмоқчи бўладилар. У моддий муҳтожликда яшаган ва баъзан амалдорларни мадҳ этиб қасидалар ёзган. Умрининг охиригача саройда хизмат қилишдан ор қилиб, оддий халқнинг орзу умидлари билан яшаган. Низомий Офоқ исмли хотинидан ўғли Муҳаммадни илм-маърифатли қилиб тарбиялаган. Буни шоир достонларидаги ўғлига насиҳатномалардан ҳам англаш мушкул эмас. Буюк мутафаккир, даҳо, файласуф, санъаткор 1209 йили ўз ватанида вафот этади.

Низомий бадиий ижод билан ёшликдан шуғулланади. Файласуф шоир қасидалари вақфия ҳамда фахрия моҳиятига эга бўлиб, кўпроқ ижтимоий ҳаёт муаммолари, моддий борлиқ, ҳаётнинг мураккаблиги, комил инсон муаммоси, инсоннинг ўзлигига эга бўлиши ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритади, адолатли ва ақл-заковатли, тадбиркор, халқпарвар ҳукмдорларни васф этади. Ана шундай қасидалардан бири ғоятда маъқул бўлгани учун уни Дарбанд шаҳри ҳокими Офоқ исмли қипчоқ қизини Низомийга инъом этади ва шоир унга уйланади. Давлатшоҳ Самарқандий (1487) Низомийнинг 20 минг мисрадан иборат шеърлар девони мавжудлигини қайд этган. Низомийнинг ўзи "Хусрав ва Ширин"даги ғазаллари Дарбанд саройидаги созандалар дастаси томонидан қўшиқ қилиб куйланганлиги ҳақида маълумот беради. Баъзи ғазалларида Низомий ижтимоий адолатсизликдан нолийди, ахлоқий-таълимий фикрларни илгари суради. Афсуски, бизга қадар шоирнинг ўнга яқин қасидаси ва бир неча ғазалларигина етиб келган холос. Унинг шеърлар девони ҳанузгача топилмаган.

Низомийнинг Эрон олимлари томонидан турли манбалардан йиғиб чоп этган девони 10 қасида, 192 ғазал, 5 қитъа, 68 рубоийдан иборат.

Низомийга оламшумул шуҳрат келтирган асари "Хамса" достонидир. Файласуф шоир усталик билан халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб, ҳаётнинг долзарб муаммоси масалаларини акс эттирувчи бешта достон ёзди ва улар "Хамса" номи билан бир китобга жойланган.

Низомий "Хамса" нинг биринчи илк достони "Маҳзан ул-асрор" (Сирлар хазинаси)ни 1173–1180 йиллар оралигида ёзган ва Кичик Осиёдаги Эрзинжон шаҳрининг хокими Баҳромшоҳга йўллаган. Достон Баҳромшоҳга маъқул бўлиб, шоирга талай инъом-эҳсон жўнатган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Низомийнинг мухолифлари бу туҳфани талон-тарож қилган. Шунинг учун ҳам файласуфнинг моддий аҳволи умрининг охиригача оғирлигича қолган. "Маҳзан

ул-асрор" ижтимоий-фалсафий ахлоқий-таълимий достон бўлиб, мукаммал муқаддима ва йигирма боб – мақолотдан иборат.

Мақолотларида Низомий одам ва оламнинг яратилишини адолатнинг файзи, адолатнинг ғолиб чиқиши ва зулмнинг инқирози, одамгарчилик, яхшилик, аждодлар урф-одатига ҳурмат ҳамда садоқат, поклик ва саҳийлик, инсоф сингари жуда кўп ҳаётий масалалар муаммолар хусусида улкан мутафаккир сифатида мулоҳаза юритади, ўз мушоҳадаларини ҳаётий ҳикоя ва мисоллар билан тасдиқлаб, исботлаб беради. Низомий "Золим шоҳ ва одил киши" "Кампир ва Султон Санжар" сингари қатор ҳикояларида адолатли шоҳ ғоясини илгари суриб, ўз давридаги зулм-зўрлик, инсофсизлик, адолатсизликни қатъий қоралайди, замон ҳукмдорларини адолатли, иймонли бўлишга ундайди. "Махзан ул-асрор"даги инсонпарварлик ғояси ахлоқий-таълимий қарашлар шоир пандномаларининг энг мумтози эканлигини кўрсатади.

"Хусрав ва Ширин" ишқий саргузашт асар ҳисобланади. "Хамса"нинг иккинчи достони бўлмиш бу ишқномани Низомий халқ оғзаки ижоди воқеа-номалар ва Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидан фойдаланиб яратган.

Фирдавсий Эроннинг Сосоний ҳукмронлари охирги вакили Хусрав Парвизнинг (590–628) тарихий саргузаштини жангнома тарзида ёзган. Низомий эса, шавкатли шоҳ Хусрав Парвизнинг Арманистон маликаси Ширинга бўлган муҳаббатини тасвирлаган. Достонда Хусрав, Меҳинбону, Ширин, Шакар, Марям, Шопур, Шерўя, Фарҳод, Баҳром, Чўбина ва сарой амалдорлари тасвирланган. Файласуф шоир Хусравни жасур, тадбиркор, давлатнинг бирлигини сақловчи шоҳ сифатида таърифласа ҳам, севги-муҳаббат бобида беқарорлиги ва шахсий манфаати учун муқаддас севгидан воз кечиши каби маънавий нуқсонларини танқид қилади.

Ширин адолатли, тадбиркор ҳукмдор Меҳинбонунинг жияни, гўзалликда танҳо. Айни пайтда билимли, донишманд қиз турмуш қийинчиликларини матонат билан енгади, холасидан сўнг давлатни адолат ва маърифат билан бошқаради. Юртнинг тинчлиги, халқнинг фаровонлигини таъминлайди. Ширин Хусравни чин дилдан севади, уни яхшиликка, маърифат ва адолатга бошқариб туради. Низомий моҳир уста, наққош Фарҳоднинг ҳунари ва санъатини маҳорат билан тасвирлаб беролган. Умрининг сўнгги палласигача Хусравга содиқ қолган. Ширин Фарҳодни чин инсон, моҳир уста сифатида ҳурмат қилади. Унинг бевақт вафоти учун ғам чекади. Босқинчилик урушларини, давлат бутунлиги ва бирлигига раҳна соладиган исён, ўзаро феодал можароларни, разолат ва ноҳақликларни қоралаган. Низомий маърифат ва санъат, гўзалликни олқишлайди. Борбад, Некисо, Саркаш сингари созанда ва ҳофизларни ниҳоятда самимият билан тасвирлаб улуғлайди.

Низомийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида Арабистондаги Бони Омир қабиласи бошлиғининг ўғли Қайснинг Лайлига муҳаббати тасвирланади. Файласуф шоир ушбу асарида ҳақиқий севгини тасвирлаб, фидоий ошиқ-маъшуқлар образини яратиш билан бирга юксак инсоний фазилатларни улуғлайди, олийҳимматлик, билимдонлик, инсонийлик, дардмандларга ҳамнафас, ҳамдард бўлиш, инсон қадр-қимматини эъзозлашни таъкидлайди.

"Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал") достони шавкатли Баҳром Гўрнинг севги саргузашти тасвирларига бағишланган. Асар Баҳром Гўрнинг саргузашти, унинг канизак Фитнага бўлган муҳаббати тасвиридан ташқари, яна етти қиссани ўз

ичига олади. Шоир достонда тадбиркор, адолатли, шижоатли шох Бахромни мактайди. Яман шоҳи Нўъмон томонидан машҳур меъмор Симнорнинг минорадан ташлаб ўлдирилиши, вазир Ростравшаннинг хиёнати, зулмини, саройдаги низо-адоват, маккорлик, мансаб-бойлик талашиш, мол-мулкка хирс қўйишни каттик коралайди. Халк осойишталиги ва юрт тинчлигини ўйлайдиган хукмдорни улуғлайди.

Достон охирида Бахром Гўрнинг вактини кўпрок кийик, кулунларни овлаш билан ўтказишини тасвирлаган. Кунлардан бир кун гўзал охуни кувиб ғорга кирган Бахром қайтиб чиқмайди. Асар Бахромнинг ҳалокати ва шоирнинг насихати билан тугайди.

Низомий "Хамса"сининг бешинчи достони "Искандарнома" бўлиб, у "Шарафнома" ва "Икболнома" каби икки кисмдан иборат.

"Шарафнома"да шоир Искандарнинг туғилишидан то Нушобани асирликдан озод этиб, оби-ҳаётни кидириб зулматга киришигача бўлган вокеаларни тасвирлайди. Бунда Низомий асосий эътиборни Искандарнинг Никоможис ва унинг ўғли буюк олим Арасту кўлида вояга етиб, фаолият кўрсатиши, ер юзида адолат ўрнатиб, турли юрт ва элатларда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун олиб борган уруши тафсилотларига эътиборни каратган. "Икболнома"да эса Искандарнинг турли соха олимлари билан инсон ва коинот, объектив борлик ва ижтимоий борлик, илохиёт хусусидаги савол – жавоблари батафсил, хар томонлама ёритиб берилган. Искандарнинг тўрт саёхати тафсилотлари, идеаллик тасвири, етти буюк донишманднинг хаёти ва бошка жуда кўп вокеалар баёнида Низомий дунёкарашининг гуманистик, ижтимоий–сиёсий ва маънавий жиҳатлари билан юксак даражада ифодаланган. Бош кахрамон барча билимларнинг донишманди замин ва коинотнинг ҳамма сирларидан вокиф, кароматгўй ва пайғамбар даражасига кўтарилади. Бундан шоирнинг максади "Махзан ул-асрор", "Хусрав ва Ширин", "Ҳафт пайкар" дос-тонларида йўл-йўлакай ифодаланган маърифатли, адолатли шоҳни мукаммал сиймосини яратиш эди. Ҳакикатда хам Искандар ёшлигидан Арасту кўлида тарбияланиб, барча билимларни пухта ўрганади, акл ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлгач, илм-фанга ракобат килади. Унинг занжларга карши биринчи жанги камбағалларни химоя килиш максадида бошланади. Дорони енггач, хароб, вайрон бўлган юртни обод, хонавайрон бўлган халкни шод этади.

Хулоса килиб айтганда, Искандар сиймосида Низомий ўзи орзу килган донишманд, тадбиркор, ишбилармон, барча халкларнинг тинч-тотув яшаши учун ер юзида зулм ва кабохат уруғини куритишга каттик бел боғлаган, халк орзу килган одил, мехрибон шох образини мужассамлаштирган.

Низомий "Хамса"сидаги барча образлар биринчи дафъа бадиий адабиётда мукаммал сайкални топиб, кейинчалик Шарк достончилигида анъанавий образларга айланди. Бу билан чекланмасдан Хусрав Дехлавий, Хожи Кирмоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Очилдимурод Мирий сингари буюк алломалар Низомий анъанасини давом эттириб, ўзларига хос услуб ва махорат билан "Хамса" ёздилар. Улар хам Низомий маънавиятидан илхом олгани, уни устози сифатида тавсия этганлар

Дехлавий, Жомий ва Навоий "Хамса" лари халк ўртасида катта шухрат козонди. Улар Низомийнинг мавзу, образлари янгича ранг, оханг ва сайкалларда

янгича куйларди, натижада файласуф шоирнинг ижодий нияти давр талаби билан ривожлантирилди ва янги тараккиёт чўккисига кўтарилди.

Низомий асарлари ўтмишда ва хозирги даврда хам, туркийга таржимаси оркали хам халкимиз орасида кенг таркалди. Ўзбек хаттотлари шоир "Хамса" сини кайта-кайта кўчиришди, мусаввирлар эса миниатюралар билан безадилар.

Истеъдодли шоир ва достоннавис Кутб 1341 йили "Хусрав ва Ширин" ни маъно нозикликлари, бадиий жозибасини саклаган холда турк тилига ўгирган. Шоир Хайдар Хоразмий эса, "Махзан ул-асрор"дан илхомланиб, "Гулшан ул-асрор" достонини ёзди. Атокли шоир, тарихшунос ва сермахсул таржимон Огахий "Хафт пайкарни" ўзбек тилига таржима килган. Навоийдан тортиб барча узбек шоирлари Низомийни узларига устоз деб билганлар. Алишер Навоий "Низомий болидан холва пиширдим" деган хикматли сўзлари хам буни тасдиклайди. Улар озарбайжон шоири достонлари сюжети асосида сахна асарлари хам яратдилар.

Таникли шаркшунос Фирдавсий мукофоти лауреати профессор Ш.Шомухаммедов Низомий газал, касида ва достонларини айрим хикоятларига таржима килиб нашр эттирди.

Хулоса килиб айтганда, Низомий Ганжавий фалсафий мероси мамлакатимиз ёшларини халоллик, поклик, иймон-эътикод ва ватанпарварлик рухида тарбиялашда, баркамол бўлиб етишишида беназир хизмат килиш имкониятига эга.

Демак, Низомий ўзининг газал касидалари ва достонлари оркали ўзига абадий хайкал куйган. Уни барча жахон жамоатчилиги буюк сиймо сифатида кадрлайди ва унинг асарларидан маънавий рух олади.

## ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙНИНГ МАЪНАВИЯТИ ВА УНИНГ КОМИЛ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Ямуниддин Абдулхасан Амир Хусрав ибни Амир Сайфуддин Махмуд Дехлавий 1253 йили Хиндистоннинг Патёли деган шахарчасида дунёга келади. Амир Хусравнинг отаси Амир Сайфуддин Махмуд шахрисабзлик бўлиб, авлоди туркий элатларнинг лочин уругидан. Аммо у Ўрта Осиёга мугуллар хужумининг дастлабки йилларидаёк тарки ватан этиб, Дехли хукмрони Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) саройига хизматга киради. Сайфуддин Махмуд 1261 йили мугулларга карши жангда халок бўлади. Хусравни ўша даврнинг маърифатли кишиси бўлган бобиси Имодулмулк ўз тарбиясига олади.

Бўлажак файласуф шоир хушхат бўлгани учун отаси Хусравни хаттот килиб тарбиялаш максадида хушнавис муфти Кози Саъдуддин Мухаммад хузурига юборди. Аммо болада хатдан кўра шеъриятга завк ва рагбат кучлилигини сезган Саъдуддин уни замонасининг фозил шоири Хожа Азизуддин билан таништиради. Азизуддин Хусравнинг шеърий салохиятини синаш максадида "мўй" (соч), "байза" (тухум), "тир" (ўк), "харбуза" (ковун) каби маъноли бир биридан узок сўзлар иштирокида шеър айтишини сўрайди. Бола дархол бадиха тарзида рубоий ўкийди:

Хар му, ки дар зулфи сияхи он санам асб,
Сад байзананборин дар он мўй зам аст.
Чун тир мадон рост дилашро, зеро,
Чун харбуза дандонаш доруни шикам аст.

(Ул санам қаро зулфининг ҳар мўйига юз анбар тухуми жамланган. Дилини ўқин тўғри – рост деб англама, қовун сингари унинг тишлари бағрига жойлашган, яъни ёрнинг жабру жафоси қалбида пинҳон).

Шу воқеадан сўнг бўлажак файласуф, шоир устози ва бобоси раҳбарлигида фалсафа, адабиёт, шеърий санъатлар, тарих, мусиқашунослик, мантиқ, этика ва бошқа фанларни пухта эгаллашга киришади. Йигирма ёшида Хусрав истеъдодли шоир, қомусий билим соҳиби, созанда ва бастакор сифатида шухрат қозонди. Буни сезган Мултон ҳокими Кушлихон шоирни саройига жалб этади. Умуман, Хусрав Деҳлавий умри давомида етти хукмроннинг даргоҳида хизмат қилади. Давлат арбоби сифатида шухрат қозониб, амир унвонига эга бўлади. Хусрав Деҳлавий Деҳли ва бошқа шаҳарлар ҳукмдорлари хизматида бўларкан, жангу жадалларда, муғулларга қарши курашларда қатнашади. Шундай жанглардан бирида дўсти Хасан Деҳлавий билан аср тушиб қолади. Аммо бахтли тасодиф туфайли икки дўст қатлдан қутилиб қолади. Шоир умрининг охирги ўттиз йилини Деҳлида ўтказди. Тарихий манбалар ва китоблардаги маълумотларга кўра, узоқ йиллар масъул вазифаларда ишлашга ва ҳукмдорлар унинг илмий фалсафий, шоирлик обрўсидан ўз манфаат, шухратлари йўлида фойдаланишга интилганликларига қарамай, Хусрав Деҳлавий камтарона ҳаёт кечирган. Улуғ файласуф шоир 1325 йили Деҳлида вафот этди.

Амир Хусрав Деҳлавий, ўз таъбири билан айтганда, гўдаклик онлариданоқ ажойиб лирик шеърлар бита бошлаган, кейинчалик форсий тилдаги шеъриятни янги тараққиёт чўққисига кўтарган. Шоир умр бўйи ёзган шеърларини "Туҳфат усиғар" ("Ёшлик туҳфаси"), "Васат ул-ҳаёт" ("Ҳаёт ўртаси"), "Ғуррат ул-камол" ("Камолот ибтидоси"), "Боқияи нақия" (Сараларнинг сараси), "Ниҳоят ул-камол" ("Камолот чўққиси") номи билан беш китобга жамлаб, Шарқ адабиётида девон тузушни бир адабий анъанага айлантирган.

Амир Хусрав Деҳлавий ғазалнинг енгил вазнларида ғоятда муъжаз шакл ва мазмун жиҳатдан содда, оммабоп асарларни яратиб инсоф ва адолатни куйлайди, разолат ва қабоҳатни қоралайди. Шу сабабли ҳам Хусрав лирикаси равонлиги, енгил ўқилиши ва инсон қалбига тез етиб бориши билан бошқа ғазалнавислар ижодидан фарқ қилади. Машуқанинг ҳусну жамолини таъриф этганда ҳам муҳаббатнинг ҳаётбахш, руҳафзо хислатини таъкидлаганида ҳам, агёр игвосию жафоси, ёрнинг нозу таманносига боғлиқ руҳий кайфиятларини чизганда ҳам, шоир ҳамиша бадиий баркамоллик, айни пайтда, соддаликка эришади. Хусравнинг лирик қаҳрамони гўзаллик ошиғи, у ҳамиша маъшуқадан вафо ва садоқат истайди, висолга етишиш умиди, завқ-шавқи билан яшайди. Шоир ернинг гўзаллигини қай даражада сеҳрли чизса, ошиқ ҳис туйғуларининг энг нозик ва ранг-баранг ҳолатларини ҳам шу қадар моҳирлик билан ифодалайди.

Амир Хусрав фалсафий асарларида юксак инсоний фазилатларни, ахлоқ-одобни тарғиб этади, замон ва нобоп кишилардан чеккан азиятларини қаламга олади. Муғул истилочилари Ҳиндистонга муттасил ҳужум қилиб турган, ўзаро феодал урушлар авжига миниб, мамлакат ва меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғирлашган бир замонда яшаган Хусрав шеъридан бирида шундай дейди:

Хўш эрди умр ўтса бир замон хуш,
Менга эмас, шундай хуш замон йўқ
Фалак ваъда этар меҳрини, лекин,

Дилим айтарки, меҳри ончунун йўқ.
Агар шодликнинг нархи бўлса юз жон,
Сотиб олгум, фалак дерки, ҳамон йўқ.

Инсон маънавий баркамоллигини таранум этган Хусрав Деҳлавийнинг сон-саноқсиз байтлари халқ ҳикматларига айланиб, диллардан-дилларга, тиллардан-тилларга кўчиб юради:

Бу кўҳна оламда айлаган бунёд,
Бир нарсаки, халқинг этсин сени ёд.

Хусрав Деҳлавий Шарқ шеъриятида достонавислик анъанасини давом эттириб, Жомийнинг таъкидлашича, "Низомий "Хамса"сига ҳаммадан яхшироқ жавоб айтган файласуф шоирдир". У Низомийдан руҳ ва файз олиб, уч йил (1299-1301) мобайнида "Матлаъ ул-анвор" (Нурларнинг чиқиши), "Ширин ва Хусрав", "Мажнун ва Лайли", "Ҳашт беҳишт" ("Саккиз жаннат"), "Ойинайи Искандарий" ("Искандар ойнаси") достонларидан иборат "Хамса" яратади.

Хусрав достонларида Низомий асарларининг шакл ва сюжети, образлар силсиласини асосан сақлаган ҳолда улуғ озарбайжон шоири таранум этган ғояларга янгича жон бағишлаб куйлади, уларга тоза ва янги мазмун бағишлади. Масалан, "Ширин ва Хусрав" достонида Хусрав образи шон-шавкатли, адолатли, ҳамиша осойишталикка, тинчликка интилувчи, эл ва юрт ғамини еювчи, инсон илм-ҳунар соҳиби сифатида талқин этилади. Айни пайтда файласуф Хусрав табиатидаги айшу ишратга берилишни, шуҳратпарастликни қоралайди. Фарҳод образини ҳам шоир чин ошиқ, баҳодир. Заҳматкаш, моҳир ҳунарманд, покдомон инсон сифатида меҳр билан тасвирлайди. Файласуф шоир "Хамса"нинг барча достонлари мазмунан баркамол бадиийлик нуқтаи назаридан беназир асарлардир. Шу жиҳатдан Жомий ва Навоий каби буюк сўз санъаткорларининг Амир Хусрав Деҳлавий асарларига юксак баҳо берганлиги бежиз эмас. Хусрав Деҳлавий "Қурон ус-саъдайн" (Икки саодатли сайёранинг қўшилиши), "Мифтоқ ул-Футуҳ" ("Ғалабалар калити"), "Хазрхон", "Нуҳ си меҳри" ("Тўққиз қават осмон") сингари ўнлаб достон насрий фалсафий асарлар ҳам яратди.

Булар бир томондан, шоир ижодининг тобора камолотига етиб, дунёқарашининг ранг баранг қирралари намоён бўла борганлигини, гуманист мутафаккирни замонасининг долзарб масалалари ғоят қизиқтирганлигини кўрсатди. Масалан, халқлар дўстлиги, хотин-қизлар қадри, ақл-заковати ва ҳақиқий ишқ-муҳаббатни олқишлаган шоир, мусулмон йигит Хизрхон билан ҳинд қизи Дувалнроний ишқи саргузаштини тасвир этиш орқали ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги мазҳабчиликнинг ёмон оқибатларини кўрсатади. Ҳиндистон халқларини мустаҳкам бирлик ва бардамликка чақиради. Бу эса ташқи ҳужумни даф этиш ва мамлакатни хонавайрон қиладиган ўзаро феодал урушларнинг олдини олиш, ички низоларга барҳам беришнинг асосий омили эди. Иккинчидан, тарихий воқеаларга бағишланган мазкур асарларнинг аксариятида файласуф шоир султонларни адолатга, иттифоққа ундайди, даҳшатли урушларнинг аянчли оқибатларидан изтироб чекади: факт ҳамда воқеалар тасвири ёки баёнида Ҳиндистоннинг табиати, илм-фани, маданияти, адабиёти, санъати, урф-одатларига доир ажойиб маълумотлар беради. Унинг "Туғулуқнома", "Тарихи Деҳли" каби асарлари ҳам шундай характерга эгадир. Хусрав Деҳлавий

адолат ва одил шох хакидаги фикрларини кўпинча афсонавий ёки хаётий тимсоллар билан асослаб, киссадан-хисса чикаради.

Хусрав Дехлавийнинг "Эъжози Хусравий" ("Хусрав мўжизаси") асари катта илмий кимматга моликдир. Адабиётшуносликка доир бу фалсафий асар беш рисоладан иборат бўлиб, бу Шарк шеъриятидаги бадиий санъатларни урганишда энг мухим манба ва дастуруламал хисобланади.

Амир Хусрав Дехлавий асарлари халкимиз орасида азалдан хам, хозир хам машхурдир.

Хусрав меросининг кўпчилик дастхатлари юртимизда кайта-кайта кўчирилиб, кенг таркалган, илм ахли анжуманларида мунозара ва мухокамаларга сабаб бўлган. Буюк мутафаккирлар Улуғбек ва Бойсункор Мирзолар Амир Хусрав Дехлавий "Хамса"си устида кўп бахслашганлар. Зайниддин Восифий "Бадоеъ - улвақоеъ"да 1515-1525 йиллар Шошдаги адабий йиғинларда кўпинча Хусрав ижоди борасида сухбатлар кизиб, тортишувлар ва мунозаралар бўлиб турганлигини баён килган. Бойсункор Мирзо шоир девонларининг бир неча нусхаларини киёсан ўрганиб, унинг 120 минг байтини тўплаган. Ҳусайн Байкаро эса, Хусрав Дехлавийнинг 18 минг байтидан иборат мухтасар девонини кўчиртирган.

Хусрав Дехлавий ижодининг ўзбек адабиётига таъсири кучли эканлигининг боиси хам шунда. Аксарият забардаст шоирлар уни ўзларига устоз деб билганлар. Алишер Навоий "Хамса" достонини яратишда Хусрав Дехлавий унга хам "рух" ва кувват бахш этганини алохида эхтиром билан таъкидлайди. Шоир деярли барча асарларида Хусрав номини тилга олади. Навоийнинг машхур "Тухфайул-афкор" ("Фикрлар совғаси") касидаси "Ҳинд сехргари"нинг "Дарен аброр" касидасига жавобан битилган, "Девони Фоний"даги бир канча газаллар Хусрав Дехлавий шеърларига татаббуть тарзида яратилган. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис", "Соҳийнома" асарларида шоирнинг хаёти ва ижодий фаолиятига алохида тўхталиб ўтади. "Ягонан замона", "Ишқ ва дард ахлининг рахбар ва пешвоси" деб Хусрав ижодига юксак бахо беради.

Тарихий асарларнинг хабар беришича, Захириддин Мухаммад Бобур, Мунис Хоразмий, Мухаммадризо Огахий ва бошка сўз санъаткорлари хам Хусрав Дехлавий доҳасидан бахра олганини кайд этадилар. Огахий ўзбек китобхонларини Хусрав Дехлавий ижоди билан якиндан таништириш ниятида "Ҳашт бехишт" достонининг насрий таржимасини яратди.

Буюк Хусрав Дехлавий хамда Навоийнинг хаёти ва ижодий меросини тадкик ва тарғиб этишда ўзбек олимлари баракали мехнат килишмокда. Профессорлардан Ш. Шомухаммедов, М. Имомназаров хамда доцент Б. Мусаевларнинг рисолалари эълон килинди. Тошкент Шаркшунослик институтидаги "Хорижий Шарк халклари адабиёти" кафедраси хузуридаги хусравшунослик маркази иккита илмий тўпламни оммалаштирди. Шоирнинг ғазаллар мажмуаси, хикматлари тўпламда нашр этилди. Бу ўлкан ишларни амалга оширишда профессор Ш. Шомухаммедовнинг хизматлари каттадир.

Хулоса килиб айтганда ҳазрати Фирдавсий кайд этганидек:

Энг улуғ касрлар бўлурлар хароб,
Уруб кор ва ёмғир шамол ва офтоб.
Субхон тухумин чекиб халол мехнатим,

Мен ўлмам асрлар яшайди, номим.

Хусрав Деҳлавий ҳам ўзининг "Хамса" достони ва бошқа фалсафий асарлари билан ўзига абадий хайкал қўйди. Шунинг учун ҳам Хусрав Деҳлавий ўзи кўйлаган юксак гуманистик ғоялар билан асрларга ҳамроҳ ва ҳамдамдир. Хусрав Деҳлавий маънавий мероси мустақил мамлакатимиз ёшларида миллий ғоя, имон-эътиқод туйғуларини шакллантиришда ибрат мактаби бўлмоғи керак.

## ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ

Яссавийчилик ғоявий йўналишининг тадрижий давомчиси, унинг ривожига катта хисса қўшган таълимот нақшбандийлик тариқати эди. Унинг асосчиси Баҳоуддин Накшбанднинг асли исми Саид Муҳаммад ибн Жалолиддин Бухорий (1318 йилда, хижрий 697 йилда) Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндуён қишлоғида дунёга келган.

Баҳоуддин Нақшбанд дунёвий билимлар мажмуасига таянган чуқур фалсафий мазмунли таълимот яратди. Унинг фикрича, биргина реал борлиқ, битта реал дунё бор. Худо бор, у биз кўриб турган барча нарсаларда яширинган. Инсон шу реал дунёда, табиатда шод ва хуррам яшаши, унинг лаззатларидан фойдаланиши керак. Бу эса Худони эсдан чиқариб, уни бир чеккага суриб қўйишга олиб келмаслиги керак. Мутафаккир ботиндан (ичдан) ҳақ (худо), шунингдек, хаёт, табиат билан бўлиши керак, дейди.

Ҳаётнинг маъноси тўғрисида фикр юритиб, файласуф ўзининг қуйидаги қоидаларини илгари суради: 1) Хилват дар анжуман (чеккада ўтириб мажлисни кузатмоқ; 2) Сафар дар Ватан (Ватанга сафар қилиш); 3) Назар дар қадам (хар қадамни ўйлаб босмоқ); 4) Хуш дар дам (дам олишда кўнгилхушлик).

Мутафаккир яккаликда яшашни қоралайди. Ҳар бир одам инсонлар орасида ўрин олиши, улар билан бирликда яшаши керак, чунки инсоннинг иқболи ва келажаги жамиятдадир, дейди. Демак, инсон жамиятнинг маҳсули. Шу билан бирга барча инсонлар Худонинг қулларидир, яъни улар ўзи хизмат қилувчилардир. Инсон ҳалол ва миннатсиз хаёт кечирмоғи, ўз меҳнати билан нон топиб емоғи лозим.

"Дил муҳаббат (худо) билан, қўл иш билан банд бўлсин" дейди Баҳоуддин Нақшбанд. У шунга амал қилиб, деҳқончилик билан шуғулланган, шойи газламалар, темир ва мис буюмларга ҳар хил нақшлар солган. Шу боис у халқ орасида "Нақшбанд" – (нақш билан безовчи маъносини билдиради) лақабини олган.

Инсон хаётни, унинг неъматларини қадрлаши керак. Шундагина уларнинг қийматини англайди. Ҳаёт тўғрисидаги билим ва тасаввури ортади. Умрни ғам ва аламда ўтказишлик Худо олдидаги нонкўрликдир. Олим инсоннинг хар бир босган қадами бехуда бўлмаслиги, ҳар ким унга ғам-аламни енгиб, бахт келтиришини истайди.

Баҳоуддин Нақшбанд инсон ўз нафсини тийиши, кераксиз, ортиқча нарсаларга, мол-дунёга берилмаслиги лозимлигини ҳар доим уқтиради.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг "Насоим ул-муҳаббат" ("Муҳаббат шабадалари") асарида мутафаккирнинг таълимоти ахлоқий поклик ва маънавий камолот билан узвий боғланиб кетганлигини таъкидлайди, ўзини мутасаввуф Шайх қарашларининг давомчиси деб билади.

Бахоуддин Накшбанд таълимоти ислом дунёсида маънавий-ахлокий тарбиянинг ривожига катта хисса кўшди.

XIII асрнинг 20 йилларида Мовароуннахрга мўғуллар бостириб кирадилар. Чингизхон лашкарлари асрлар давомида ривожланиб келаётган илм-фан ва маданият ютукларини вайрон киладилар. Аммо XIV асрда мўғулларга карши озодлик харакатлари авж олади ва асрнинг иккинчи ярмида уларнинг хукмронлигига барҳам берилади. Темур давлати ташкил топади. Амир Темур фанни ривожлантиришга катта эътибор беради, кишлок хўжалиги, савдо алокалари кенгаяди. Темур вафотидан сўнг, унинг давлати иккига бўлиниб кетади: Шохрух Мирзо хукмронлигида Хуросон давлати ва Улуғбек хукмронлигида Мовароуннаҳр давлати ташкил топади.

## БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АМИР ТЕМУР МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ

Президент И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Биз миллий маънавиятни хар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа килиб кўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чукур таҳлил килиб, уларнинг бу борада кандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз максадга мувофик бўлади" деб ёзади.

Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг мухим омиллардан бири бўлиб хизмат килади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган 4 мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжахон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиклайди.

Ҳакикатан хам, Амир Темур инсон салоҳияти, комил инсон гоясини ривожлантиришга алохида ахамият беради. У ўз тузукларида: "Тажрибамда кўрилганким, онги катъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, локайд кишидан яхширокдир" деган эди ва бу сўзлари бугунги мамлакатимизда бозор иктисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришда дастурул-амал бўлмоги керак.

Мустакилликка эришган мамлакатимизда комил инсонни шакллантириш, мамлакат кишиларининг соғ-саломатлиги, жисмоний бакувватлигига, мустакилликка муносабатини юксалтиришда хам Темур ва Темурийлар маънавиятининг ўрни каттадир. Амир Темур даврида ҳам оила ва никох масалалари давлат ахамиятига эга бўлган. Шунинг учун хам Амир Темур ўз тузукларида шундай кўрсатади: "Ўғилларим, набираларим ва кариндош-ларимни уйлантирмок ташвишида келин изламокка эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар оркали соғлик-саломатлигини жисмоний камолотини аникладим. Келин бўлмишнинг насл-насаби, одоб-ахлоки, соғлом ва бакувватлиги барча кусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб келин туширдим".

Ҳакикатан хам, Амир Темур ўзи бошкарган давлат фукароларининг сихат-саломатлиги, жисмоний баркамоллиги хакида кайғурган. Буни ўша давр

солномачилари ўз асарларида бир неча бор кўрсатиб ўтганлигининг гувохимиз. Мисол учун, италиялик Туржжор Белтрамус де Минжанялининг "Темурланг хаёти" (1416 й.) номли китобида (У Темурнинг Турк султони Боязид билан урушида катнашган, Темур урушларини кузатган шахс) "Амир Темур одамлари жуда хам кўркам, бакувват эди. Улар насл-насабига кўра хам улуғвор кўринарди. Улар оддий хусусиятли, фаросатли, машхур, ёшига караб мансабдор бўлган. Жанг килиш тажрибаси юкори бўлган кишилар эди" (212 бет) деб ёзади.

Амир Темур ўзи ташкил килган буюк давлат фукароларини сихат-саломатлигига эътибор билан караб, уларнинг баркамол, соғлом, бакувват, ишбилармон, жанг килишда мохир бўлишига алохида эътибор бериб, авлодлар насл-насабининг бузилишига таъсир этувчи нарсалардан сакланишга алохида эътибор билан караган. У хозирги даврда жахон жамоатчилигини ташвишга солаётган гиёхвандлик ва ичкиликбозлик каби иллатларнинг келажак авлодлар учун зарарли окибатларини ўз вактида тушунган ва бунга карши чора-тадбирлар кўрган.

Амир Темур ўгитларида: "Ўғилларим, набираларим ва якинларимга бирон томчи шароб ичиб хотинларига якинлашишини ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, деб покиза йўлни тутдим" деб кайд этади. Амир Темурнинг бу ўгитларидан мустакил мамлакатимизда комил инсон, соглом авлодни шакллантиришда ўзига хос ибрат олиш жуда мухим.

Ҳақиқатан хам, Амир Темур ўз халкининг маънавиятли, эътикодли, имонли, бакувват бўлиши бу давлатнинг, халкнинг кудратли кучга эгалигини, имонсиз, эътиқодсиз халк хеч качон бахт-саодатга, маърифатга эришмас-лигини таъкидлаб, ўз тузукларида: "Дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўколмагай, тилимиз унутилмагай, эътикод сусайса тил эмас, имон хам унутилгай" деб ёзади. Темурнинг бу ибратли ғоялари мамлакатимиз кишилари онгида мустакилликка эътиқод туйғусини шакллантиришда катта ахамиятга эгадир.

Ёшларимиз онгида миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган меъморчилик санъати обидалари алохида ахамиятга эга. Ўша даврда курилган Гўри Амир, Шохи Зинда ансамбли макбаралари, Шахрисабздаги Кўк гумбаз масжиди, Ахмад Яссавий кабри устига курилган бинолар, Регистон майдонининг шаклланиши, яъни Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, икки юз ўн гумбазли Кўкалдош жоме масжиди, Қозизода Румий макбараси ва шу каби меъморчилик обидаларининг кад кўтариши Мовароуннахрда илм-фаннинг, санъатнинг нихоятда ривожланганлигидан далолат берадиган ашёвий далиллардир. Темур ўзи курдирган Оксарой пештокига "Кудратимизга шак-шубханг бўлса, биз курдирган биноларга бок" деб ёздирганда, у хак эди. Ҳақикатан хам, бу тарихий обидаларнинг курилганига 600-700 йил бўлишига карамасдан салобат тўкиб, нафакат бизнинг авлодларимизни, колаверса, дунё халкларини хам лол колдириб келмокда. Демак, ёшларимизда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда кадим меъморчилик санъатимизнинг хам роли катта. Биз эса Темурийлар даврида курилган бу меъморчилик санъати намуналари ўз бағрида жумбокларни мужас-самлаштириб турганини ёш авлод онгига сингдириб, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришимиз лозим.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизга бутун дунёнинг нигоҳи тушган бир даврда илм-фанни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шундай экан, биз кудратли демократик давлатни барпо қилиш учун илм-фаннинг, жумла-дан, Темур ва Темурийлар даврида ривожланган илм-фаннинг моҳиятини, ўша даврда етишиб чиққан дунёга машҳур олимлардан Улуғбек, Зиёвуддин Али Қушчи, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Беҳзод каби мутафаккирлар қолдирган улкан маънавий мероснинг ёшлар онгига сингдириш орқали, уларнинг илмга бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳам ошириб бориши керак.

Амир Темур салтанатинининг шу қадар қудратли кучга айланганлигининг асосий сабаби, у ўзи бошқарган қудратли империяда тартиб-интизом ва адолат принципига алоҳида эътибор берганлигидадир. Бу ҳақда Амир Темур ўз тузукларида муҳим бир адолат қоидасини қайд этади: "Ҳақиқат сиҳат-саломатлик, ҳақиқат – тартиб демакдир, куч адолатдадир". Амир Темур ўзи ташкил қилган адолат тартиб идеалига таянган ҳолда иш тутди. У ўзи ҳукмронлик қилган даврда адолатсизликка, ноҳақликка қарши курашди.

Бу ҳақда француз адиби Лейсейн Кэрен "Темур ҳаққон салтанати" номли рисоласида шундай ёзади: "Амир Темур зафар топиб сафардан қайтгандан кейин зафар шарафига зиёфатлар берилди. Эртаси кундан бошлаб Амир Темур салтанат юмушларига шўнғиб кетди. Унинг қаттиқлигини билган одамлар ва сипоҳлар қалтираб туришади. У узоқ вақт йўқлигида бўлиб ўтган воқеалар баёнини диққат билан тинглаб, нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўйган, қонунни, адолатни бузган савдогарлар, судхўрлар, тижоратчилар ва олиб-сотарларни ҳукм чиқариб дорга остирди. Бева-бечораларга кийим-кечак, озиқ-овқат улашди. Салтанат фидокорларини уч йил давомида барча солиқлардан озод қилди".

Амир Темур томонидан амалга оширилган бу адолатли сиёсат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишбилармон, тадбиркор тижоратчилар фаолиятида ибрат бўлиб хизмат қилмоғи, улар ўз обрў-эътиборларини халқни қашшоқлантириш ҳисобига эмас, балки давлатни, халқни бойитиш, нарх-навони арзонлаштириш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳисобига ошириши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Темур ва Темурийлар даврида яратилган маънавият мустақил мамлакатимиз ёшларини ҳалоллик, поклик, ватанпарварлик, имон-эътиқод руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Буюк бобокалонимиз Амир Темур маънавиятининг аҳамиятини чуқур ўрганиш ва уни халқимиз онгига сингдириш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

## АМИР ТЕМУРНИНГ САМАРҚАНДНИ ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИБ, БАШАРИЯТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Мустақиллик мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, жаҳон цивилизациясини бошлаб берган боболаримизнинг қадриятларини, шу жумладан, Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини тиклаш имкониятига эга бўлдик.

Президентимиз И.А.Каримов буюк бобокалонимиз Амир Темур маънавиятининг нақадар буюклигига тўхталиб, “Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз ақлу-шижоати, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илм-фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”[27], дейди.

Ҳазрати Темур бутун дунё ва ўз юртимиздан моҳир меъморлар, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилади, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўжизаларни барпо қилди.

Амир Темур буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму-кўст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг мўжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин, уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишамолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъмору муҳандис аждодларимизни, ҳунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди. Шундай экан, Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир[28].

Амир Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти – Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган.

Минг афсуски, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғururини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам “илмий тадқиқотлар” ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди. Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади.

Темур томонидан бунёд этилган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бу улуғ бино ҳам мустамлака-чилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биламиз.

Амир Темур бу кошона пештоқига шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: “Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин”[29].

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган.

---

[27] Каримов И.А. "Юксак маънавият – енгилмас куч". Тошкент, "Ўзбекистон", 2008 й, 44 – 45 бетлар
[28] Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти. 1996 йил, 33-34 бетлар
[29] А.Муҳаммаджонов. Темур ва темурийлар салтанати (Тарихий очерк). Тошкент, 194 йил, 61 бет

Инсоният XXI асрда яшаётган бўлса-да, бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти, адолатпарвар сиёсати ҳамон ибрат намунаси бўлиб қолмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”.

Амир Темур шахси ва унинг маънавий мероси ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

1993 йилда муқаддам гўзал Тошкент марказида ҳазрати Темурнинг улуғвор суворий ҳайкали ўрнатилган эди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан халқаро анжуман бўлиб ўтди ва 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ бобомизнинг муҳташам ҳайкаллари қад кўтарди. Эндиликда бир бири билан узвий боғлиқ бу уч муаззам обида шавкатли аждодимизнинг адолати ва қудрати рамзи бўлган беназир сиймосини яхлит ҳолда тасаввур этиш имконини беради.

Ушбу ҳайкаллар ҳақида Президентимиз И.Каримов: “Шахсан мен Соҳибқирон бобомизнинг сиймосига боқар эканман, вужудимни ички бир ҳаяжон чулғайди. Диққат билан қарасангиз ҳазрати Темурнинг нуроний, садоқатли қиёфасида у зотнинг бу дунёга келиб қилган ишларидан, кезган йўлларидан, суронли ўтган умридан, тузган бекиёс давлатидан мамнунлик ифодасини ўқиш мумкин”[30] деб қайд этади.

Ушбу ҳайкаллар Соҳибқироннинг қадди-қомати, савлату захроси, унинг тоза насл-насабдан, тангри ёрлақаган улуғ зот эканлигидан далолат беради. Худди бобокалонимиз: “Мен бор эканман, менинг руҳим барҳаёт экан, эл улусда омонлик ва фаровонлик мудом барқарор бўлгай, менким Амир Темур тинчлик ва осойишталик кафилиман”[31], деб тургандай.

Ибн Арабшоҳ Амир Темур ҳақида ҳаққоний таъриф бериб: “Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари қўғон, қадди-қомати камолига етган шахс эди”[32], деб баҳо беради.

Президентимиз Амир Темурнинг даври ва буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида халқаро конференция қатнашчилари олдида нутқ сўзлаб, баъзи фикрларни баён этади.

Шуни қайд этиш жоизки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек, асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турарди.

---

[30] И.А.Каримов. Адолат ва қудрат тимсоли. “Амир Темур ҳақида сўз”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996 й. 42-43 бетлар

[31] Ўша китоб. 42 – 43 бетлар

[32] Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент, “Меҳнат”, 1992 й., 65 бет

Бир ярим асрга якин давом этган бу муддат карамлик жафосини хар томонлама чекиб келган оддий фукаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун нихоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараккиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига мушток эди.

Таклир такозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чикди. Кимки Амир Темур кадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато килади. Нега деганда хеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз конунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошка ўнлаб, юзлаб дахоларимиз хам тўсатдан пайдо бўлгани йўк. Улар мана шу заминда юзага келган мухитнинг хосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиклантириш керак. Демак, бу замин – кадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озикланган, маданий катламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари карор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Демак, Амир Темур Ўзбек халкининг кўп минг йиллик тарихий жасорати, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён махсули.

Жахон маданий ва маънавий жамоатчилиги Ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб килган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига кўшган хиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу худудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табаррук номларини хам яна бир бор кашф этиши ва кенг микёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёк, европаликлар кейинчалик "Алгебра" деб атаган фанга асос солган буюк Ватандошимиз ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан карийб беш аср олдин океан ортида куруклик, яъни кейинчалик "Америка" деб ном олган китъа борлигини башорат килиб, илмий асослаб берган комусий билим сохиби Абу Райхон Берунийнинг;

"Тиб қонунлари" номли машҳур асарининг ўзиёк лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида кўлланма сифатида ўкитилган улуг аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё ахли айнан Амир Темур замонида кайтадан ва чукуррок танишган, деб кайд килинса максадга мувофик бўлади.

Киска̄ча айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёркин шахс тарих сахнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига хаётбахш маънавий озука берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жахон микёсида катта кизикиш уйғотганини кайд килиш максадга мувофикдир.

Шу сабабли, биз Амир Темур тарихини хар томонлама чукур ўрганишимиз ва тадкик килишимиз керак. Амир Темур таваллудининг 660-йиллигига бағишлаб ўтказилган "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши" мавзусидаги ЮНЕСКО рахбарлигида жахон анжуманининг ўтказилгани ана шу йўлдаги мухим кадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура хукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани хам улуг давлатчилик, улуг миллатчилик гояларининг курбони бўлган эди. Шу сабабли, бу даврда собик совет иттифоки

худудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёклама баҳо берилди. Бунинг мисоли тарикасида қайд этишимиз лозимки, боболар қадриятини ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилган шахслар репрессияга учради, қаттиқ жазоланди. Мисол учун, Фанлар Академиясининг вице-президенти И.М.Мўминов 1973 йилда "Амир Темурнинг тарихда тутган ижобий ва салбий роли" номли асари учун не-не танқидларга, ҳақиқатсизликка бардош беролмасдан, ҳаётдан бевақт кўз юмгани бунинг яққол мисолидир.

Бу ғоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темур бобомизга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир[33].

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, хорижий китобларни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида тақдим қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур маънавиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ёш авлодни ватанпарварлик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик руҳида тарбиялашда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

## АМИР ТЕМУРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА БУНЁДКОРЛИК АСОСИДА ҚУРИЛГАН ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШ СИЁСАТИНИ ҲОЗИРГИ ДАВР УЧУН АҲАМИЯТИ

Мустақиллик даврида барча ўтмиш қадриятлар, шу билан бирга, Амир Темур шахсини, меросини ўрганиш ҳам биз учун зарур. Чунки Амир Темур, аввало, қудратли давлат қурган, давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳақиқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур давлатни фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Бу нуқтаи назарга қўшилиб бўлмайди. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, аввал амбор, бу қадар мустаҳкам бўлмас эди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак адолатдан бўлади. Унинг "Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим", деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

---

[33] И.А.Каримов. Адолат ва қудрат тимсоли. "Амир Темур ҳақида сўз". Тошкент, "Ўзбекистон", 1996 й, 49 бет

Ваҳоланки, Амир Темур бундан 600 йил аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни, бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан – Хитой, Ҳиндистон, бир томондан – Франция ва Англия, яна бир томондан – Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисодий муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш борасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир. "Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак"[34].

Англия қироли Генрих IV 1403 йил 15 июнда Темурга ёзган жавоб мактубида "Ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларининг бир-бирлари билан илгари, аждодларимиз даврида бўлганидек учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамиз"[35], деб таъкидлаган эди.

Қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида инсониятнинг халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йилдан кўпроқ вақт илгари бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари бунга далилдир.

"...*Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб – интизом ўрнатдим*".

Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қальалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноғи йўқ.

---

[34] И.А.Каримов. Адолат ва қудрат тимсоли. "Амир Темур ҳақида сўз". Тошкент. "Ўзбекистон", 1996 й. 53 бет

[35] А.Муҳаммаджонов. Темур ва Темурийлар салтанати. (Тарихий очерк). Тошкент, 1994 йил 60 бет

Амир Темурнинг бевосита рахнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота макбаралари, Оксарой ва Шохи Зиндадаги меъморий мўжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал саройлар, боғлар ва бошка иншоотлар шулар жумласидандир. Бу обидалар, хеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва акл-заковатининг буюк тимсоли, десак муболаға бўлмайди.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувохлик беришича, Амир Темур "Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг хам зое бўлишини раво кўрмасди".

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти факат бузган. Амир Темурнинг улардан фарки шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт кўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кучат эктирдим"[36], деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг мухими, ушбу бунёдкорлик қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб колган эмас. Бунинг исботи сифатида соҳибкирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннахр ва Хуросоннинг шаҳар ва кишлокларида, хатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узок мамлакатларда ҳам ободончилик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган. Амир Темур бобомиздан колган хар бир тарихий ёдгорликни, у каерда жойлашган бўлмасин, халкларни бир-бирига боғлаб турувчи бекиёс восита, деб айта оламиз.

Шарафиддин Али Яздийнинг аниқ ва ишонарли фикрларни ёзгани кишининг диккат-эътиборини ўзига тортади. Улардан баъзиларини мисол тарикасида келтирамиз.

Бир йил мобайнида, – деб ёзади Яздий, – Боғдод шахрини тиклаш хакида буйрук берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда хунармандчилик ривожлансин, теварак атрофда деҳкончилик ўссин, савдо-сотик ва маданий хаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом билими илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа Амирзода Абу Бакирга топширилсин.[37]

Темур мухандислар – архитекторлар ва қурувчилар томонидан тасдикланган аниқ лойиҳа асосида пишиқ ғиштдан кўпгина турар – жой бинолари, бозор, майдон, ҳаммомлар қурдирди, боғ, хиёбон барпо этди. Аракс дарёсидан канал каздириб, шахарга сув келтирди. Барча қурилиш ишлари кўшинлар ўртасида таксимланди.

Аҳмад Яссавий макбараси қурилганига олти асрдан кўпрок бўлишига қарамасдан, шу вакт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб зиёратчиларни маънавий жихатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмокда.

Хар кандай жамият тараккиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибкирон хокимиятга келиши билан чикарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафакалар тайинлаш билан бошлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур

---

[36] И.А.Каримов. Адолат ва кудрат тимсоли. "Амир Темур ҳақида сўз". Тошкент, "Ўзбекистон", 1996 й. 55 бет

[37] "Зафарнома", 433 бет

энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қурар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг авлодлари, айникса, Мирзо Улуғбекка ўтган. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошданоқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган. Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ, миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир. Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибихоним жоме масжиди қурилиши ниҳоясига етказилганида, унинг умридан бир йил қолган эди, холос. Бу Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улуғвор режалар ва ғоялар уни асло тарк этмаганидан далолатдир.

Амир Темур Қуръони Каримни ёд билган, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритиши унинг маънавияти, иймону диёнати қанчалар пок ва мукаммал эканини билдиради.

Амир Темур эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Бу йўналишлар ҳаттоки Конституциямизда қонуний йўл билан дин давлат ишларига аралашишга масъул эмас, деб қайд этилишининг ўзи Темур бобомизнинг қолдирган қадриятининг давоми дейиш мумкин.

Буюк жаҳонгир Амир Темур соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган: *"...Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингиздаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...*

*Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шавқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик – осудалик Турон заминида узоқ вақт сақланади.*

*Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди".*

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан холи бўлинглар, деб инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Боболаримизнинг ўтмиш қадриятларга асосланиб, мустақил адолатли, ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосини бешта тамойил ташкил этади.

Шундай экан, биз ўз мамлакатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб ҳамда тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб, мустақил мамлакатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб, юксак чўққиларга кўтарилмоқдамиз.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан иложимиз йўқ.

Айтиш лозимки, замонамизнинг кўпгина долзарб муаммолари инсониятнинг ўтмишдаги тажрибасини чуқуррок ўрганишни тақозо этади. Сабаби, ўтмиш қадриятларимиз келажакка йўл топишга ёрдам беради.

Агар ҳозирги халқаро аҳволга назар солиб, мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг натижасида рўй бераётган нотинчлик ҳолатлари, айникса Россия, АҚШ ва Украинада бўлаётган миллатлараро келишмовчилик-лар Амир Темур бобомизнинг юқорида кўрсатилган ўгитларига амал қилмаслик оқибатида келиб чиқаётган кўнгилсиз ҳодисалардир.

## АМИР ТЕМУР ДАВРИДА САМАРҚАНДНИНГ САВДО, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ СИФАТИДА ДУНЁГА ТАНИЛИШИ

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар- янги ўлкаларни кашф этган, дунёни кўрган ва билган, савдо – сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

"Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи милоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган"[38].

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750–йиллигини, Шаҳрисабзнинг 2700–йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500–йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200–йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир.

---

[38] Каримов И.А. Сайёҳлик соҳасининг улкан салоҳияти иқтисодий тараққиётнинг муҳим асоси. БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. "Халқ сўзи". 2014 йил 3 сентябрь

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, хунармандлик ва савдо-сотиқ кенг ривожланган, мухташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса – Буюк Ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган.

Савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчиб юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва ҳунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Ўша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташиш учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк Ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шиша, гилам, металл, қурол-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зираворлар, шунингдек, машҳур хитой қоғози сотилган.

Мовароуннахр ва Хуросонда айниқса XV асрда, хусусан унинг охирги чораги – XVI аср бошларида Амир Темур даврида марказий ҳокимиятнинг барқарорлашуви натижасида йирик шаҳарлар ва шаҳарлар атрофида амалга оширилган ободончилик ҳамда деҳқончиликнинг кенгайиши мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши учун кенг йўл очиб берди. Шу даврда ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топиб, истеъмол молларини ишлаб чиқариш ғоят кўпайди. Ички чакана савдо ва пул муносабатлари кенгайиб, у шаҳар, унинг атрофидаги аҳолини, айниқса, омилкор табақаларни ўз гирдобига қамраб олди"[39].

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа шаҳарлари ўзининг топографик қиёфаси, аҳолисининг касб-кори, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта аср Шарқнинг ҳунармандчилик ва гавжум савдо марказларига айланди.

Амир Темур ўз давлатида ҳунармандчилик, тўқимачилик савдо – сотиқ ва бошқа касбларни ривожлантириш борасида улкан ўзгаришлар қилди. Мовароуннахр ва Самарқанднинг шуҳратини янада ошириш, уларни дунёга танитиш кўп жиҳатдан шуни тақозо этар эди. Шу боис Амир Темур забт этган мамлакатлардаги ҳунармандлар, қўли гул усталар, санъаткорлар, меъморлар, умуман қўлидан иш келадиган касб эгаларини ўз салтанатига, хусусан Самарқандга олиб келган эди. Вамберининг эътироф қилишича: Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Халабнинг моҳир йигирувчи-лари, Анқаранинг мовут усталари, Туркия ва Туркистонинг заргарлари, хуллас саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса ҳаммаси Самарқандга кўчганлар. Ибн Арабшоҳ асарида уқтирилганидек "Хулласи калом, Амир Темур ҳар бир

[39] Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. (Тарихий очерк). Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент. 1994 йил 99 бет

(фойдали) жонни йиғиб, нимаики нарса бўлса, сарасини Самарқандга келтиради"[40]. Натижада Самарқанд ҳунар масканига айланиб, дунёга донг таратди.

Самарқанднинг тўқимачилик матолари – шойи, атлас, кимхоб, банорас сингари нодир газламалари, айниқса, довруғ таратди. Темирчилик соҳаси ҳам ривожланди. Усталар ишлаб чиқаришнинг турларига қараб гуруҳларга бўлиниб ишлай бошладилар. Ўша пайтда заргарон (заргарлик), мисгарон (мисгарлик), сузангарон (игнасозлик), совутсазон (совутсозлик), сангтарошон (тош тарошловчилар), шишапазон (шиша пиширувчилар), чармгарон (жунчилик), комангарон, пичоқсозлик, эгарчилик каби ҳунармандчилик маҳаллалари, кўчалари бўлган. Ҳозирги вақтда ҳам ушбу маҳаллалар 600 – 700 йиллардан буён ўз номларини сақлаб қолган[41].

Бу даврда металлга ишлов бериш яхши йўлга қўйилган. Буни давр ҳам тақозо этарди. Ҳатто бу даврда муайян буюмларни ясашда ихтисослашишнинг амалга оширилганини ҳам кўриш мумкин.

XV асрда шишасозлик ҳам анча ривожланган. Самарқандда ҳатто шишасозлар маҳалласи бўлган.

Манбаларда қайд этилишича, шишадан турли шаклдаги идишлар: кўзача, қадаҳ, сиёҳдон, дорихон, сурмадон, тувак ва сумаклар ҳамда бошқа турли хил рўзғор буюмлари ясалган. Муҳташам бинолар ва давлатманд шаҳарлик зодагонларнинг уй-жойлари қурилишида рангли ойналардан фойдаланилган. Масалан, Ишратхона мақбарасининг дераза панжараларига ҳаворанг, гунафша, сариқ, яшил ва қизил рангли шишалар ўрнатилган[42].

Самарқанд ҳунармандчилигида, айниқса, қоғоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутган. Шаҳар яқинидаги Обираҳмат ариғи соҳилида қоғоз ишлаб чиқариладиган махсус обжувоз ва корхоналар бўлган. Самарқанд қоғози ўрта аср Шарқ хаттотлари орасида ғоят машҳур бўлиб, унинг бир қисми узоқ ўлкаларга ҳам чиқарилган.

Шундай қилиб, бу даврда ҳунармандчиликнинг асосини кундалик турмушда бевосита ишлатиладиган ва истеъмол қилинадиган моллар ишлаб чиқарувчи корхона ёки дўкон каби устохоналар ташкил этарди. Мулкий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳунармандлар гарчи бир бутун ижтимоий табақага мансуб бўлсалар-да, ҳар ҳолда уларнинг сафи шогирдлик таълимини ўтаган турли табақа фарзандлари ҳисобига тўлиб борарди. Корхона бошлиғи уста деб юритилиб, унинг қўл остида бир неча халифа, яъни ёрдамчи ва шогирдлар касб – ҳунар ўрганар ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарар эдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақаси гуруҳига мансуб кишилар эди. XV-XVI аср бошларида яшаган шоирлар, бастакор, созандалар ва муҳаррирларнинг бир қисми бадавлат ҳунармандлар ва майда савдогарлар табақасидан етишиб чиққан кишилар эди. Жавҳарий совунгарлар растасининг оқсоқоли, Мавлоно Ҳавофий тикувчи, Мавлоно Амир Арғун ҳамодўз яъни чодир тикувчи, Мавлоно Қобулий газлфуруш – калава сотувчи, Мавлоно

---

[40] Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Тошкент, "Меҳнат", 1992 йил, 91 бет.
[41] Нарзулла Аҳмедов. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент, 1996 йил, 68 бет.
[42] Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Қомуслар бош таҳририяти Тошкент. 1994 йил, 107 бет.

Камардўз тасма тикувчи ва Бисотий Самаркандий бўйра тикувчи хунармандлардан бўлган[43].

Амир Темурнинг Буюк Ипак йўли туфайли савдони ривожлантириш, унинг хавфсизлигини батамом таъминлаш, атрофни ободонлаштириш, савдогар ва тижоратчилар, сайёхлар учун шарт-шароитларни яратиш, унда Марказий Осиё салохияти, ахамиятини кучайтириш борасидаги ишлари айникса ибратли ахамиятга эгадир.

Темур Тўхтамишни бартараф этиш билан Буюк Ипак йўли йўналишини Марказий Осиё халклари манфаатлари томон йўналтириш асосий максад килиб олинган эди. Бу Буюк Ипак йўли харитасидан ҳам яккол маълум. Хуллас, Ипак йўли йўналиши Марказий Осиё халклари манфаатларига бўйсундирилиши билан бу борада Шарк билан Ғарб ўртасида алока богланиб, унинг хавфсизлиги тўла таъминланди. Шунинг билан бир каторда, карвонсаройлар, работлар курилди. Савдогарлар ва сайёҳлар учун барча кулайликлар мухайё этилди.

Де Клавихо ўзининг "Кундалиги" да Самарканд бозорида дунёнинг турли бурчакларидан келган, турли тилларда сўзлашувчи савдогарларни, сайёхларни ва улар келтирган хорижий молларни кўплаб учратганлигини айтади. Бу асардаги маълумотлардан Самаркандни Осиё савдосида савдо-сотик омбори бўлиб колганлигини хам фахмлаш кийин эмас. Самаркандга Ҳиндистондан атторлик ва бўёк буюмлари, Хитойдан ипак газламалар, хар хил чинниворлар, кимматбахо тошлар, шимолдан эса ноёб пўстинлар карвони кўплаб келарди[44].

Бу ердан Осиёнинг бошка шахарларига, Оврўпа мамлакатларига хам карвон – карвон моллар жўнатилар эди. Совунгарлар шу йўл билан Хоразм, Нижний Новгород, ҳатто Москвага хам борардилар. Иккинчи Хитой – Казвин – Тронтун билан генуяликлар, венецияликлар савдо кемаларига тушиб Оврўпага етарди. Нихоятда мудхиш ва кўркинчли, серуруш замонлар бўлишига карамасдан
Амир Темур хокимияти сояси тушган ерларнинг барчасида савдо ва сайёхлик жонли ва батамом хавфсиз бўлганлиги кайд этилади. Бу хакда ўша даврнинг машхур мухаррирларидан Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" сида шундай дейилади: "...Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хотан чегарасидан Дехли ва Канбайит атрофларигача, Бобул Аббобдан то Миср ва Рум худудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёкда турсин, болалару бева хотинлар хам ипакли матолар, олтин, кумуш ва энг зарур тижорат молларини келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига хам кўз олайтира олмайди ва поёнсиз мархаматлар Амир сохибкироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир"[45].

Шундай экан, халкаро туризмнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш тарихини тахлил килар эканмиз, савдо муносабатларини ўрганиш, дам олиш ва саёхат билан бир каторда дунё халкларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида хамжихатлик, бағрикенглик фазилатларини мустахкамлаш хам ту-ризмнинг мухим таркибий кисми бўлганига яна бир бор ишонч киламиз.

---

[43] Мухаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Комуслар бош тахририяти Тошкент. 1994 йил, 111 бет

[44] Де Клавихо ўзининг кундалиги. Тошкент, 1998 йил 25 бет

[45] Низомулмулк. Сиёсатнома. Тошкент, "Адолат", 1997 йил, 183 бет

Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятлардан бирига айланмоқда[46].

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қайд этадики, "Бугун биз туризмнинг ўрни ҳақида, айниқса, халқаро сайёҳликнинг ҳозирги босқичдаги аҳамияти ҳақида гапирганда, энг долзарб масалалардан бири – бу толерантлик тамойили бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз айнан туризм орқали толерантлик нима эканини биламиз, англаймиз. Бу халқаро тушунча бўлиб, дунёдаги барча миллатларга бирдек қадрли ва тушунарлидир. Толерантлик авваламбор турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ва энг асосийси бир-бирини тушунишни англатади.

Бу икки тушунчани ана шундай англаш қаердаки туризм ривожланган бўлса – ўша ерда толерантлик бор, деб айтишга имкон беради, десам ҳеч муболаға бўлмайди"47.

Бунга биз мисол қилиб, Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёҳатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб ҳукмдорининг саройида Хитой, Корея, Жанубий ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган[48].

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори қабул қилинганлиги мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам 22 йил аввал Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу ҳужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган эди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган қарор эди.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожи йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олдига янги-янги талаблар қўяётгани туризмнинг бундан кейинги истиқболига салбий таъсир кўрсатмоқда.

---

[46] Каримов И.А. БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99 – сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. "Халқ сўзи", 2014 йил 3 октябр
[47] Каримов И.А. БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99 – сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. "Халқ сўзи", 2014 йил 3 октябр
[48] Каримов И.А. БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99 – сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. "Халқ сўзи", 2014 йил 3 октябр

Шундай экан, ҳозирги кунда туризмнинг истиқболини белгилайдиган асосий омиллардан бири бу – дунёда тинчлик-осойишталикни сақлаш. Уруш-жанжал мавжуд бўлган, масалан, Сурия, Ироқ, Украина каби нотинч мамлакатларда туризм ривожланади, деб ким кафолат беради?

Ваҳоланки, бугунги кунда сайёҳлар талабларига жавоб берадиган меҳмонхоналар ҳамда маданий ёлгорликларни қайта таъмирлаш каби йўналишларга эътиборни қаратиш керак.

Бугун Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртлари базасида туристлар учун меҳмонхоналар ҳамда меҳмонхоналар қошида ресторанлар, ушбу институт талабаларини туристларга хизмат қилиш тизимини ушбу институтлар базасидан қурилган меҳмонхоналар ва ресторанларда ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда 7 мингдан ошиқроқ маданий ёдгорликлар мавжуд. Шунга қарамасдан мамлакатимизга туристлар келиши бугунги кунга келиб йилига 2 миллионга етди. Қайд этиш лозимки, Францияга бир йилда 78 миллион, Сингапурга 28 миллион, Малайзияга 29 миллион туристлар келиб кетади. Давлат бюджетининг қарийб 29 – 30 фоизи туризмдан келиб тушади.

Туристларга хизмат қиладиган малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш, уларнинг баъзиларини малака ошириш учун туризм ривожланган мамлакатларга юбориб, уларнинг эришган ютуқларини ўрганиб, мамлакатда туризмни ривожлантиришга жорий этишнинг айни вақти.

## МИРЗО УЛУҒБЕК МАКТАБИНИНГ ЖАҲОНДА ФАН ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Мирзо Улуғбек ҳақида “Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуси – тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди”, деб ёзади.

1394 йил 22 мартда Амир Темур Султония шаҳрида дам олиш учун тўхтаган вақтда 17 ёшга кирган кичик ўғли Шохруҳнинг хотини Гавҳаршод ўғил туғади, болага Муҳаммад Тарағай деб исм беради. Кейинчалик, унга берилган Улуғбек лақаби бора-бора унинг исмига айланиб қолди. У Темур Ўрдугоҳи ва саройида катта онаси Сароймулкхоним ва онаси Гавҳаршодбегимнинг паноҳида тарбияланди. Улуғбек Темурнинг бир неча сафарларида (1397-1398) ва Ғарбга сафарларида (1399-1404) сарой аъзолари билан биргаликда жумладан, ўзининг мураббийси Сароймулкхоним билан бевосита кузатиб борган. Буюк Амир Темур бобомиз саройнинг анъаналарига мувофиқ, элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳам унинг набиралари, жумладан, Улуғбек ҳам қатнашиб келган.

Улуғбек 12 ёшида уни Мухаммад Султоннинг кизи Угайбегимга уйлантиради. Она томондан Угайбегимнинг наслу насаби Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342 йиллар) хонадонига мансуб бўлгани туфайли Улуғбек хам бобоси каби "Кўрагон" унвонига сазовор бўлади.

Бу даврда Самаркандда ва Ҳиротда Темур анъаналари давом эттирилиб, пойтахт шахарларда олиму фузалолар, шоиру бастакорлар, меъмору бинокорлар ва наккошу мохир хунармандларнинг каттагина гурухи тўпланган эди. Мовароуннахрда, хусусан Самаркандда илм-фан ва санъатнинг тараккиё-тида замонасининг маданий мухитида тарбияланиб, ёшлигида машхур олим саройида шухрат козонган Улуғбекнинг ўрни ва хиссаси нихоятда буюк бўлди. Мовароуннахр ва Хуросоннинг бой ва серкирра маданияти ва ислом дунёси-нинг маънавий анъаналарига суянган Улуғбек мамлакатнинг равнаки, айникса унинг маънавий камолоти илм-фан ва санъатнинг накадар мухимлигини яхши тушунишарди. Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иктисодий хаётини бошкаришдан ташкари, илмий ишлар билан хам мукаммал шугулланади, олимлар ва билимдон кишилар мунозараларида фаол катнашади. Манбаларда келтирилган маълумотларга караганда, Улуғбек буюк мутафаккирлардан Ахмад Фарғоний, Форобий, Мусо Хоразмий, Беруний ва ибн Сино асарларини батафсил ўрганади. Уларнинг нодир асарлари оркали кадимги юнон олимлари Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель), Гиппорх (Гиппократ), Птоломейларнинг классик асарлари билан хам танишади. Улуғбек Мовароуннахр шахарларини, хусусан Самарканд ва Бухорони илму маърифат даргохларига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417-1420 йилларда Самаркандда ва 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар бино килинади. Ҳатто Бухородаги мадрасанинг дарвозасига: «Билим олиш хар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган калима ўйиб ёзиб куйилган. Бу хикматли сўзлар-нинг киймати, билимга интилиш факат эркакларнигина эмас, балки хотин-кизларнинг хам бурчидир, деб эълон килинишидадир. Самарканд мадрасаси замонасининг дорилфунуни эди. Ушбу мадрасаларда илохиёт илмлари билан бирга табиий фанлар риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), илми хайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили ва морфология (кофия) каби дунёвий илмлар хам ўкитилар эди.

Улуғбекнинг Самарканддаги мадрасаси икки каватли эллик хужрали бўлган. Тарихий маълумотларга караганда, мадрасада юздан ортик талаба истикомат килган ва таълим олган.

Мадрасада замонасининг иктидорли олимларидан Мавлоно Шамсуддин, Мухаммад Хавафий етакчи мударрис бўлган. Машхур олимлардан Қози Зода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Кошоний хамда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ва унинг шогирди Алоуддин Али Қушчилар турли фанлардан дарс берганлар. XVI асрнинг машхур адиби Зайниддин Восифийнинг ёзишича, 1420 йилда мадраса очилган куни биринчи дарсни Шамсиддин Мухаммад Хавофий ўкиган. Дарсда олимлардан тўксон нафари катнашган, лекин дарснинг маъносига Улуғбек билан Қози Зода Румийдан бошка хеч ким тушунмаган. Сабаби маъруза жуда хам чукур илмий асосда ўкилган. Айрим маълумотларга караганда, мадраса илмий хайъат астрономия дарсини Қози Зода Румий ўкиган. Улуғбек мадрасада камида 15-16 йил тахсил кўриб, унинг дастури бўйича асосий фанларни тўла ўзлаштирган ва

имтихонли сабокларда ўз билимини намойиш кила олган толиби илмларга санад-шаходатнома ёзиб берилган.

Улуғбек 1424–1428 йилларда Самаркандда ўз атрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки билан шахар якинидаги Обирахмат анхори бўйида расадхона курдирди. Доира шаклида бино килинган бу улкан иморатнинг айланаси 47 м, баландлиги 31 м бўлган. Бобурнинг ёзишича, расадхона уч каватли бўлган. Бинонинг сирти коши ва сирли парчинлар билан копланган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, бу олий иморат хоналарининг деворларида осмон гумбази, самовий жисмлар, уларнинг жойланиши ва ўзаро муносабати, сайёраларнинг орбиталари, собита (кўзгалмас) юлдузлар, хамда денгиз ва океанлар, тоғ ва даштлар, иклим минтакаларига бўлинган ер курраси ва хоказолар тасвирланган. Хулоса килиб айтганда, расадхона ички деворларида коиноту Ер куррасининг умумий манзараси тасвирланган бўлиб, шу туфайли бу мавзу махаллий ахоли ўртасида «Накши жахон» деб юритилади.

Расадхона курилишида самовий ёритгичларни кузатиш ва ўрнатиш борасида хизмат килувчи унинг асосий кисми - судси фахрий курилмаси ва уни махсус ўлчов асбоб - ускуналари билан жихозлашга алохида эътибор берилади. Секстант Ғиёсиддин Жамшид мутасаддилигида ўрнатилади. Самарканд Секстанти ўша даврда Шаркда маълум бўлган секстантларнинг энг каттаси хисобланган. Али Кушчи унинг баландлигини Истамбулдаги Аё София (Авлиё София) ибодатхонасининг баландлигига (карийб 50 м) киёс килган. Айни вактда Улуғбек расадхонаси кошида бой кутубхона хам ташкил этилиб, унда фаннинг деярли хамма сохаларига тегишли карийб ўн беш минг жилд китоб сакланган.

Расадхона теварагида олимлар ва хизматчилар учун катта-кичик хужра-лар курилади. Унинг этагида эса Улуғбек ўзи учун Боғимайдон ва Чинихона чорбоғларини барпо этади. Вакт ўтиши билан хамда Марказий Осиёда ва айникса, темурийлар давлатининг инкирози туфайли ана шундай улкан бино йўколиб кетди. Уни 1908 йили рус археологи В.Л. Вяткин тасодифан топиб олди. У вазирга тегишли бир хужжатни ўрганаётганида унинг ерлари Улуғбекнинг расадхонасига бориб такалиши хакидаги маълумотга дуч келади. Кейинги археологик текширишлар хужжатнинг тўғри эканлигини тасдиклайди

Археолог В.Л. Вяткин 1908 йилда Улуғбек расадхонасининг харобаларини топиб, унинг секстанти ер ости кисмини ковлаб олади. Улуғбек расадхонаси Мовароуннахрда ўз замонасига нисбатан мукаммал астрономик асбоб ва ускуналар билан жихозланган олий даражадаги илмгохга айланган эди. Расадхонада Улуғбек билан бирга машхур математик ва астрономлардан замондошлари ўртасида "Афлотуни замон" фахрий номини олган Кози Зода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Кошоний, «ўз даврининг Птоломейи» номи билан шухрат козонган Али Кушчи ва кўпгина бошка олимлар илмий кузатиш ва тадкикотлар олиб борадилар. Демак, Улуғбек Самаркандда бутун бир астрономия мактабини яратади. Самаркандда Улуғбек рахбарлигида барпо этилган бу илмий даргох математика, айникса астрономия сохасида илмий дунёда оламшумул ахамият касб этган. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадкикотлар туфайли 1018 собита (кўзгалмас) юлдузларнинг ўрни ва холати аникланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилади. Марказий Осиё, Якин Шарк мамлакатлари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг Самарканд кенглигига нисбатан

координаталари белгилаб чиқилди. Улуғбек мактабининг эришган энг муҳим ва зарурий муваффақиятларидан бири математика фани соҳасида бўлди.

Расадхона олимлари томонидан учинчи даражали ёйнинг алгебраик тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланди. Ўша даврда аниқ фанларнинг ривожланиши ва шу фан соҳаларига оид илмий асарларнинг ёзилиши Улугбек мактаби илмий фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди. Расадхонада олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида математика ва астрономияга оид бир қанча нодир асарлар яратилди. Гарчи бу асарларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган бўлса-да, сақланиб қолган қўлёзмалар ўша даврда Самарқанд астрономия мактаби эришган ютуқлардан ва бу илмгоҳ намоёндалари жаҳон астрономия фани ривожига қўшган улкан ҳиссасидан далолат беради.

Ўрта асрда улуғ олим Улугбекнинг астрономия мактаби ва унинг жаҳон равнақига қўшган буюк ҳиссаси мустақил мамлакатимиз ёшлари учун ибрат мактаби бўлмоги, ёш авлоднинг ҳозирги замон фан ютуқларини пухта эгаллаб, улуг боболарнинг машаққатли ва шарафли йўлини давом эттиришга лаёқатли мутахассислар бўлмогимиз, фан ютуқларининг илгор гоялари билан қуролланиб буюк боболар анъаналарини давом эттирмоги лозим.

Самарқанд расадхонасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг самараси, Шарқ классик астрономиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлаштирган ва уни янги далиллар билан бойитган шоҳ асар Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») номли китобидир. Бу асар 1437 йилда ёзиб тугатилган бўлса ҳам унга муаллиф умрининг охирига қадар бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида тузатишлар ва қўшимчалар киритиб боради.

«Зижи жадиди Кўрагоний» асосан икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Асарнинг бош муқаддима қисми астрономиянинг масалалари, Шарқ халқларидаги йил ҳисоби усуллари, астрономиянинг амалиёти, сайёралар назарияси ҳамда астрономия ва астрология масалаларига багишлангандир.

«Зижи жадиди Кўрагоний»нинг иккинчи қисми астрономия ва тригонометриянинг амалий масалаларига мансуб. Асарнинг бу қисми учинчи даражали алгебраик тенглама янги оригинал услуб билан муваффақиятли равишда ҳал қилиниб, натижада аниқлиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хонали тригонометрик жадвал тузилган. Шуни қайд қилиш жоизки, Улугбекнинг астрономик жадвали ўша замондаги шунга ўхшаш жадваллар орасида беқиёс даражада аниқ бўлган. Масалан, фалак ал-бурж текислигининг хатти истивога огмалиги Улугбек жадвалида 23 даража 30 дақиқа 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража 30 дақиқа ва қирқ тўққиз сонияни ташкил этади. Бу икки рақамлар ўртасидаги тафовут ҳаммаси бўлиб, минус 32 сонияга тенг холос. Шунингдек, Улугбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аниқ ҳисоб китобларга солиштиргудек бўлсак у бор йўги бир минуту икки сонияга фарқ қилади. Булар XV аср учун гоят юксак аниқлик бўлиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир.

"Зижи жадиди Курагоний" учинчи китобининг амалий астрономияга тегишли қисмида эклептиканинг экваторга огмалиги, осмон ёритгичларининг

координаталарини аниқлаш, юлдузлар ва сайёралар орасидаги масофаларни аниқлаш, каби масалалар асослаб берилади.

Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» номли астрономик жадвали Ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалган. Бу жадвал Улуғбек номини нафақат ер куррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат қозонди. Поляк олими Ян Гевелий (1611-1687) Данцигда «Зиж»нинг айрим жадвалларини нашр этади. Бундан кейин XVIII ва XIX асрларда қатор Оврупо олимлари «Зиж»нинг айрим қисмларини нашр этган бўлсалар, француз шарқшуноси Л.А. Седийо (1808-1876) турт мақолалари олдидаги сўзбошилари ва муқаддимасининг французча таржимасини 1847-1853 йилларда чоп қилади. Ниҳоят, XX аср бошларида америкалик олим Э.Б. Нобл «Зиж»нинг Англия кутубхоналарида сақланадиган йигирма саккиз қўлёзмаси асосида юлдузлар жадвалининг инглизча таржимасини нашр этади. (Вашингтон, 1917). Шунинг учун ҳам Улуғбекни чуқур ўрганган атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йилда нашр этилган «Селенография» китобида ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз Мирзо Улуғбек ва Аҳмад Фарғоний номи билан аталганини қайд этганлиги ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам Улуғбекнинг бу асарини шу даврга қадар жаҳон олимлари буюк кашфиёт сифатида баҳолаб катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Масалан, асарни Ҳиндистон, Англия, Франция, Германия, Америка, Миср ва Россия каби мамлакатларда ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш жуда узоқ даврлардан бери бошланган. Унинг асосий қисмлари турли тилларга таржима қилинган. Ҳозирги кунга келиб дунёда «Зиж»нинг 120 га яқин форсча ва 15 дан ортиқ арабий нусхалари сақланмоқда.

“Зижи жадиди Кўрагоний”дан ташқари Улуғбек “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) номли тарихий асари ҳамда мусиқа илмига бағишланган бешта рисола ҳам ёзган. Унинг “Тарихи арбаъ улус” асари туркийларнинг аждод ва авлодлари, мўғул қабилалари ҳамда Чингизхон вафотидан кейин ташкил топган улуғ юрт Жучи, Чиғатой ва Элхонийлар улусининг қисқача тарихига бағишланган. “Рисола дар илму мусиқа” (“Мусиқа илми ҳақида рисола”) асари мусиқа тарихига бағишланиб, унда “ўн икки мақом баёни”га доир махсус боби ҳам бўлган. Улуғбекнинг илмий фаолиятига ва қолдирган бой илмий меросига баҳо берилганда унинг замондош ҳамкасби Ғиёсиддин Жамшид таърифлагандек, у Қуръон, ҳадис, араб тили ва грамматикаси, фиқҳ, мантиқ, адабиёт, мусиқа, риёзиёт ва фалакиёт илмларини чуқур билган қомусий олим бўлган. Унинг илм-фан тараққиётидаги салмоқли ўрни машҳур замондош олимлар Ғиёсиддин Жамшид, Мирам Чалабий, Давлатшоҳ Самарқандийлар тарифидан чуқур ҳурмат билан эътироф қилинган. Шунинг учун ҳам кўпгина ўтмиш мутафаккирлари Улуғбекни адолатли султон, донишманд мураббий, аниқ фанлар устози сифатида тилга оладилар, мадҳ этадилар, халқ эса ўзининг ардоқли фарзанди ҳақида ҳикоятлар, ривоятлар тўқиган. Машҳур туркийгўй шоир Саккокий Улуғбекка бағишлаб қасидалар ёзди. Бу шеърлар олимга берилган ҳаққоний таърифдир. Улуғ бобомиз А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида «Улуғбек мадҳияси» деган махсус боб мавжуд. Унда шоир Улуғбекни заминда осмон яратган олим деб таърифлайди:

*Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,*
*Жаҳон ичра яна бир осмондур.*
*Билиб бу навъ илми осмоний*
*Ки, андин ёзди "Зижи Кўрагоний".*
*Қиёматга дегинча аҳли айём,*
*Ёзорлар онинг аҳкомидин аҳком.*

Ўша замон тарихчиларининг ҳамда ёзувчиларининг асарларида ҳам ана шундай юзлаб таърифлар учрайди.

Улуғбек астрономия мактаби ўз даврининг иккинчи академияси деб аталмоқда. Улуғбек теварагига уюшган 100 дан ортиқ олимни ўз бағрида етиштирган, номи жаҳонга машҳур Самарқанд расадхонаси шу вазифани ўтаган. Самарқанд академияси даставвал француз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олими Вольтер (1694-1778) томонидан бундан 225 йил муқаддам эътироф этилган. Вольтер бу ҳақда "Улуғбек Самарқандда бўлиб академияга асос солди. Ер куррасини ўлчашга буюрди ва астрономия жадвалларини тузишда иштирок этди", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, "Самарқанд академияси" 1010 йили Хоразмнинг қадимги пойтахти Гурганчда ташкил этилган ўзига хос академия – "Донишмандлар уйи"дан кейинги иккинчи "Дар ул-илм" эди.

Улуғбекнинг астрономия мактаби Ўрта асрлар ва янги замон мусулмон шарқи ва Европа астрономиясининг ривожига муносиб таъсир кўрсатди.

1996 йили Парижда ЮНЕСКО нинг ўша пайтдаги бош котиби Федерико Майор "Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атига бир неча дақиқа фарқ қилиши аниқланди", деб таърифлайди.

## УЛУҒБЕК АКАДЕМИЯСИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ФАНИНИНГ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Улуғбек – буюк олим, астроном ва математик, давлат арбоби. Темурнинг набираси. Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган. Ҳар соҳадан кенг билим олган Улуғбек давлат ишларидан ташқари тарих, шеърият, математика машғулотларига катта эътибор берган. Астроном сифатида оламга танилган. Шогирдлари билан бирга мингдан ортиқ юлдузлар рўйхатини тузган.

Юқорида эслатганимиздек, Улуғбек 1420–1429 йиллари Самарқанд яқинидаги Оби-Раҳмат тепалигида расадхона қурдирди. Бино уч қаватли тўгарак шаклида бўлиб, диаметри 46 – 40 метр, баландлиги 30 метрча эди. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам гувоҳлик беради.

Пойдевор ва устунлар тоғ асосидек шундай мустаҳкам қилиндики, улар то маҳшар кунигача на жойидан жилар ва на қулар эди. Баланд қурилган бу муҳташам иморат хоналарининг ичига солинган расм ва бекиёс суратларда тўққиз фалакнинг даража, дақиқа, сония ва сониянинг ўндан бир улушлари кўрсатилган етти қават осмон гардиши, етти сайёра ва турғун юлдузлар тасвирланган осмон гумбази, иқлимлар, тоғлар, дарёлар, саҳролар, хуллас, оламга тегишли ҳамма нарсалар тасвирланган эди. Шундан кейин Қуёш ва сайёраларнинг ҳаракатини кузатиш, кўрганларини ёзиш ва қайд қилишга фармон берилди.

Ўрта Осиёда, айниқса, темурийлар давлатининг инқирози туфайли, ана шундай улкан бино йўқолиб кетди. Уни 1908 йили рус археологи В.Л.Вяткин тасодифан топиб олади.

Ўзбекистон ҳукумати ёдгорликнинг қолдиқларини ўрганиш ва сақлаб қолишга катта эътибор берди, 1949 йили расадхона ўрнига мармар тошдан ёдгорлик ўрнатилди. 1964 йили эса Улуғбек ёдгорлик музейи қуриб тугалланди ва тантанали равишда очилди.

Улуғбек қаламига мансуб илмий асарлардан бири унинг зижи. Бу асар "Улуғбек зижи" ёки "Зижи Кўрагоний" номлари билан машҳур. "Зиж" форсча "Зик" сўзидан олинган ва у "жадвал" деган маънони билдиради. "Улуғбек зижи" аввал форс тилида ёзилган, кейин эса уни Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший араб тилига таржима қилган.

"Академия" атамаси янги атама эмас. Академия – баъзи илмий ва ўқув ташкилотларининг номи. Фан тарихида академиялар жуда кўплаб тузилган.

Кейинги академия араб халифалиги даврида ташкил топган, уни халифа ал-Маъмун (813 – 833) Бағдодда ташкил этган. У арабчада "Байтул ҳикма", яъни "Ҳикматлар уйи" деб аталган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу академия қошида бой кутубхона, яхшигина жиҳозланган расадхона бўлган.

Бу академия қарийб 200 йил фаолият кўрсатган. Унда ўзбек олимларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) ва Муҳаммад ибн Каср ал-Фарғоний (IX–Ха.) ва кўпгина Марказий Осиёлик олимлар араб дўстлари билан елкама – елка туриб фаолият кўрсатишган. Хоразмий эса академиянинг илмий ишларини, кутубхона ва расадхонада олиб борилган ишларни бошқариб турган.

Тахминан 1000 йиллар атрофида Бағдод академияси каби академияни хоразмшоҳ Али ибн Маъмун Хоразмнинг ўша пайтдаги пойтахти Гурганчда ташкил қилди ва ўз академиясига шоир ва табиблардан ташқари, ўша даврнинг буюк файласуфлари ва олимлари – ал-Масиҳий, ал-Ҳаммар, Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийларни таклиф этди.

Аввало илмий ташкилот унда ишлаган олимларнинг сони билан белгиланмайди. Унинг салмоғи фаннинг турли соҳаларига қанчалик ҳисса қўшгани, қандай янгиликлар яратгани, қандай олимлар етиштиргани билан аниқланади. Масалан, Петербург Фанлар Академияси ташкил этилганда унда бор – йўғи тўртта ёки бешта олим бор эди. Улар ҳам хорижликлар эди. Кейинчалик шу академияда фан ривожланди ва Михаил Ломоносов сингари буюк олимлар етишиб чиқди.

Яқин, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда илмий ишларни академия шаклида ташкил этиш анъанага айланди. Ўрта Осиёда бу жараён кейин ҳам давом этди. XV–асрда Самарқандда Улуғбек ўзининг академиясини ташкил қилди. Фан тарихига бу илмий марказ "Улуғбекнинг Самарқанд академияси" ва "Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактаби" номлари билан кирди. Биринчи номини француз файласуфи ва ёзувчиси Вольтер (1694 – 1778) берган бўлса, иккинчи номини академик Қори Ниёзий берди. Марҳум академигимизнинг Улуғбекнинг илмий марказини Вольтер сингари атамаганининг сабабини биз давр тақозоси, деб биламиз.

Советлар даври адабиётларида "Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактаби" деб юритилган илмий даргоҳ ҳақиқий академия эди, чунки унинг

кошида яхши жихозланган расадхона, бой кутубхона ва ўз даврининг олий ўкув юрти – мадраса бор эди. Расадхонада ерли зиёлилар билан бир каторда турли юрт ва элатлардан таклиф этилган машхур астрономлар хамда математиклар хизмат килишар эди.

Расадхона ходимлари, жумладан Улугбекнинг ўзи хам мадрасада дарс берар эди. Мадрасада диний – Куръони карим, хадис ва тафсирдан ташкари, табиий фанлар – риёзиёт, хандаса, илми хайъат, яъни астрономия, тиббиёт, яъни медицина, сурат ал – ард, яъни география кабилар ўкитилар эди.

Улугбек академиясида машхур олимлар – Козизода Румий (1435 йилнинг февралида вафот этган), Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший (тугилган ва вафот этган вактлари аникланмаган) ва Али Кушчи (у 1475 йили Истамбулда вафот этган) лар хизмат килишган. Кейинчалик бу академияда Хасан Чалабий ибн Мусо ибн Махмуд Козизода Румий (Салохиддин Мусо Козизода Румийнинг ўгли), Муъиддин ал-Коший, Мансур ибн Муъиниддин ал-Коший ва бошка олимлар ишлашган. Олиб борилган астрономик кузатишлар асосида "Улуғбек зижи" вужудга келган. Академия ходимлари томонидан бир канча математик рисолалар битилган.

Улуғбекнинг бобоси Темурнинг саройида Масъуд ибн Умар ат- Тафтазоний (1322–1390) исмли файласуф ишлаганини билишмаса керак. Анъана эса бирданига йўк бўлиб кетмайди. Бундан ташкари, Али Кушчи Насириддин Тусий (1201–1274) нинг фалсафий асари "Тажвиди хожи"га шарх ёзган, унинг "Рисола татаълик бикулихи" номли фалсафий асари хам мавжуд.

Демак, Улугбек академиясида фаннинг турли сохалари бўйича илмий ишлар олиб борилган. Аммо хали астрономия ва математикадан бошка сохалари билан шаркшунослар етарлича шуғулланишмаган.

Кези келганда Оврупода биринчи академия 1662 йили Англияда ташкил топганини, у "Лондон кироллик жамияти" деб аталганини эслаш лозим. Бу илмий жамият Кембриж университета талабаларининг илмий тўгаракларн асосида вужудга келган. Россияда биринчи академияга 1724 йили Пётр I асос солган. У 1747 йилги низомга кўра "Император Фанлар ва Санъат академияси" деб аталган. 1803 йилдан бошлаб "Император Фанлар Академияси" деб аталадиган бўлди.

Улуғбекнинг академияси хакида гапирганда академия намоёндаларидан Ғиёсиддин Жамшид ал – Коший (Кошоний)га алохида тўхталиш лозим бўлади, чунки агар Козизода Румийни Улуғбек ўз устози сифатида тан олган бўлса, ал-Коший Самаркандга кейинрок (1417 йилдан) келган. Шу сабабли уни Улуғбек шогирдлари каторига киритиш мумкин. Аммо у математика бобида жуда юксак билимга эга эди. Кошийнинг таржимаи холи хакида деярли маълумот йўк. Бизгача етиб келган асарлари "Арифметика калити" ("Мифтах ал-хисоб") ва "Айлана хакида рисола" ("Рисола фил-мухития").

Ғиёсиддин Жамшиднинг фикрича, "Арифметика калити" ни у тажрибали хисобчилар уни синаш учунми ёки хакикатан хам билмаганликлари учунми берган саволларига жавоб тарикасида ёзган ва Улуғбекнинг кутубхонасига совга килган.

Улуғбек академиясининг иккинчи йирик намоёндаси Алоиддин Али ибн Мухаммад ал-Кушчи. У 1402 йили Самаркандда тугилган. "Кушчи" унинг тахаллуси. Адабиётларда кўрсатилишича, унинг тахаллуси хакида турли хил

фаразлар мавжуд. Шуниси аникки, у жуда хам сергайрат киши бўлган. ўзбеклар бундай кишиларни "Лочинга ўхшайди" деб аташади.

1438 йили Улугбек Кушчини Хитой салтанатига элчи килиб юборади. Хитойдан кайтиб келгач, у ўзининг "Математик ва астрономик жўгрофия" номли асарини ёзади.

Улуғбек вафотидан сўнг академияда ишлаш жуда кийин бўлиб колади. Шунга карамасдан Али Кушчи ва унинг содик шогирдлари илм билан шугулланишни давом эттиради. Аммо Улугбекнинг душманлари уни хам йўкотиш пайига тушишади. Буни сезган Кушчи "Маккага кетаяпман", деган бахонада Самарканддан чикиб кетади. У билан бирга Улуғбек академиясининг бошка ходимлари хам кетишади. У аввал Хуросонга боради, лекин Шохрух вафотидан сўнг бу ерда хам илм ахлига эътибор йўк эди. Шунинг учун у Кермонга кетади ва султон Ҳасанбек ал-Коюнли (1453 – 78) саройида хизмат килади. Бу ерда Кушчи 1464 йилгача бўлади, чунки Ҳасан 1465 йили ўз пойтахтини Озарбайжоннинг Табриз шахрига кўчиради. Ўша йили Ҳасан уни Туркияга Мухаммад II саройига элчи килиб тайинлайди. Туркияга Али Кушчи билан бирга унинг шогирди Мирим Чалабий хам келади.

Мухаммад II хам Улугбек сингари фан ва адабиётни севадиган, шоирлар ва олимларга хомийлик киладиган султон эди. Туркияга келгач, Кушчи илм билан банд бўлади. Мухаммад II га атаб "Рисолаи Мухаммадия" ни ёзади.

Улуғбекнинг Самарканд академияси олимларининг геометрия сохасида килган ишлари ноевклид геометриянинг вужудга келишига озми-кўпми таъсир кўрсатган, чунки Самарканд олимлари томонидан Евклиднинг "Негизлари" га ёзилган шарх 1587 йили Туркия томонидан Испанияга сотилган эди. Бу шарх орасида Евклиднинг V постулатини исбот килишга уринишлар хам бор эди.

Улуғбек ва унинг академияси Ғарбий Оврупода канчалик машхур бўлганлигини чех астрономи Ян Гевелийнинг "Астрономия даракчиси" асарига битилган гравюрадан хам билиш мумкин.

Шундай килиб, Улугбек академияси ва унинг намоёндалари томонидан амалга оширилган илмий ишлар Туркия оркали Италия ва Испанияга, ундан Ғарбий Оврупога ўтган ва Ғарбий Оврупода астрономия ва математиканинг ривожланишига салмокли хисса кўшган.

Улугбекнинг давлат арбоби, буюк олим сифатида колдирган маънавий мероси мустакил мамлакатимиз ёшлари калбида халоллик, поклик, имон-эътикод, ватанпарварлик гояларини шакллантиришда ибрат мактаби вазифасини ўтайди. Уларни халол мехнат, гўзаллик ва севгига бўлган муносабатларини такомиллаштириб, улар калбида ихтиёрий эркинлик тизимини шакллантириб, комил инсон бўлиб етишишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

## АЛИ КУШЧИНИНГ ДУНЁ ФАН ВА МАЪНАВИЯТИГА КЎШГАН ХИССАСИ

XV асрда Самаркандда доно ва маърифатпарвар хоким деб шухрат козонган Улуғбек (1394 – 1449) саройида ижод килган йирик олимлар ичида унинг шогирди Аловиддин Али ибн Мухаммад Кушчи алохида ўрин тутади. У илми риёзиёт (математика) ва илми фалакиёт (астрономия) бўйича истеъдодли олим

бўлиб, Ўрта Осие ва Туркия фани тарихида чукур из қолдирди. Олим ҳаётининг сўнгги йиллари Туркияда ўтди.

Али Кушчи асли самарқандлик бўлиб, баъзи тарихчилар фикрича 1402 йилда туғилган, лекин бу сана аниқ эмас. Унинг отаси Улуғбекнинг бобоси – Амир Темур саройида хизмат қилган юқори тоифадаги амалдорлардан. Баъзи маълумотларга кўра у ов бошлиғи бўлган, шунинг учун ҳам "Қушчи" тахаллусини олган. Бу тўғрида бошқа фикрлар ҳам бор. Ёш Али Улуғбекнинг энг севикли шогирди бўлган ва лочин ови вақтида султон лочинини кўтариб юриш ҳуқуқига эга бўлган. Шунинг учун ҳам бу тахаллусни олган бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам Улуғбек Али Қушчини ўз қаноти остига олиб, уни ўғлим деб атаган.

Али Қушчи барча ёш олимлар ичида ўз қобилияти ва билими билан ажралиб турарди. У илми фалакиёт расадхонасини лойиҳалаштириш ва қуришда фаол қатнашиб, уни ўша замондаги энг яхши асбоблар билан жиҳозлашда жонбозлик кўрсатди. У юлдуз ва сайёралар ҳаракатини кузатди, илми фалакиётга тегишли ҳисоблашларни бажарди ва бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритди.

Али Қушчи илми фалакиёт расадхонаси ишларини бошқарди ва "Зижи Кўрагоний" ни ёзишни туґаллади. Бундан ташқари, у шу вақтда ўзининг илми фалакиёт ва илми риёзиётга тегишли бир нечта рисолаларини ҳам ёзди. Бу билан унинг илмий жамоа олимлари ўртасида обрўси янада ошди. Али Қушчини I асрда яшаб, ижод қилган Мисрнинг Искандария шаҳри фуқароси, буюк фалакиётчи олим Клавдий Птолемейга таққослашгани ва ўз замонаси Биталимуси (Птолемейи) деб номлашгани бежиз эмас албатта.

Улуғбек Али Қушчига тўла ишонч билан қараган, уни ўз дўсти деб ҳисоблаган ва ундан бирон бир сирни яширмаган. Баъзан Улуғбек Али Қушчига дипломатик топшириқлар ҳам берган. Масалан, 1438 йилда Али Қушчи Хитойга сафар қилган ва элчи лавозимида ишлаган. Сафардан қайтгач, Али Қушчи Хитой тарихи ва жўғрофияси ҳақида асар ёзган. Бу рисола муаллифга катта шуҳрат келтирган ва XVI асрда икки марта турк тилига таржима қилинган.

Шунингдек, Али Қушчи Мовароуннаҳр, Эрон, Кавказ ва Туркияга ҳам бир неча марта сафар қилган. 1430 йили Ҳиротга келиб, ёш Абдураҳмон Жомий (1414–1492) билан танишган ва уни илми риёзиётдан имтиҳон қилган. Бўлажак буюк шоир кучли фикрлаш қобилиятини намойиш қилган ҳамда алжабр (алгебра) ва илми ҳандаса (геометрия) дан яхши билимлар эгаси эканлигини кўрсатган. Кейинчалик улар дўстлашганлар.

1449 йили Улуғбек фожиали ҳалок бўлган вақтда Али Қушчи эндигина камолот чўққисига эришиб, истеъдоди гуллаб яшнаган олим эди.

Баъзи маълумотларга асосан, Али Қушчи Туркияга кетишдан олдин бир қанча вақт Кермон шаҳрида истиқомат қилган ва ўз атрофига истеъдодли олимларни тўплаган.

У Туруркиянинг турли шаҳарларида ишлади ва илми фалакиётдан бир нечта рисолалар ёзди. Жумладан, "Зижи Кўрагонийга шарҳ" китоби, тадқиқотчилар фикрича, шу номдаги асарлар ичида энг яхшиси ҳисобланади.

Али Қушчи Туркияга Султон Муҳаммад II таклифига биноан келган. Бу воқеа тўғрисида олим ўз рисолаларидан бирида қуйидагиларни ёзади: "Султон мени қабул қилганида унинг таклифидан мен билан дўстлашиш нияти бор

эканлиги яққол кўриниб турар эди. Султон мендан унга атаб илми риёзиётдан китоб ёзишимни сўради. Мен Султонда табиий фанларга муҳаббат борлигини сездим ва қисқа вақт ичида илми риёзиётдан кичик китоб ёздим".

1472 йили Али Қушчи султон шарафига атаб "Китоб ул-Муҳаммадия" деб номланган илми риёзиётга оид рисолани ёзган ва унга тақдим этган. Бу иши учун у мукофот тариқасида ҳар ойда олинадиган 200 дирҳам пул (кумуш танга) билан тақдирланган.

1473 йилда Муҳаммад II Ироқни забт этади. Шу муносабат билан Али Қушчи унга илми фалакиёт фанидан "Фатхия" рисоласини тақдим этади. Муаллиф дастхати билан ёзилган "Муҳаммадия" ва "Фатхия" рисолалари нусхалари ҳозирги кунда Истанбулдаги Аё София кутубхонасида сақланмоқда.

Али Қушчи Истанбулда катта ҳурмат вз эҳтиром билан кутиб олинади. У Аё София мадрасасига етакчи мударрис қилиб тайинланади ва ўз талабаларини Улуғбек асос солган юқори даражадаги илмий анъаналар руҳида тарбиялай бошлайди.

Али Қушчи илми риёзиёт ва илми фалакиётдан ташқари бошқа фанлардан ҳам сабоқ берган. У қомусий олим бўлганлиги учун ҳам фалсафа, мантиқ, фиқҳ (мусулмон қонуншунослиги), адабиёт назарияси ва тиббиёт фанларининг нозик томонларини жуда яхши билган. Бу илмлар бўйича алоҳида ёзган рисолалари ҳам бор.

Шунинг учун ҳам ҳақли равишда Али Қушчи Туркияда фан асосчиларидан бири ва йирик маърифатчи деб ҳисобланган.

Али Қушчи ўзи билан бирга Истанбулга Улуғбек кутубхонасидаги кўп нодир китобларни олиб келган. Улар ичида буюк илми риёзиётчи олим Абу-л-Вафо ал-Бузжоний (940–989) қаламига мансуб илми ҳандаса (геометрия) га оид рисола ҳам бор. Китобнинг биринчи саҳифасида рисола Улуғбек кутубхонаси учун хаттотлар томонидан кўчирилганлиги баён қилинади. Унинг матни қуйидагича: "Аллоҳнинг ердаги сояси бўлмиш араб ва ноараб шоҳлар султони Улуғбек Баҳодир буюртмасига кўра кўчирилди. Унинг ҳалифалиги ва давлати абадий яшасин".

Айниқса, Али Қушчининг Самарқанддаги Улуғбек илмий жамоаси ютуқларини тарғибот қилишдаги роли каттадир. Бу ҳаракати туфайли "Зижи Кўрагоний" ва Самарканд олимларининг бошқа асарлари фақат Ўрта Осиёда эмас, балки бошқа кўп давлатларда маълум бўлди.

Али Қушчи "Зижи Кўрагоний"га шарҳ ёзиб, асарнинг қийин жойларини ўқувчига содда тилда тушунтирди. Бу шарҳ илми фалакиётчилар ўртасида кенг тарқалди. Ҳозирги кунда "Зижи Кўрагонийга шарҳ" рисоласи қўлёзмалари нусхалари Истанбул, Эрон, Ҳиндистон, Париж, Лондон, Лейден ва Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланмоқда.

Али Қушчи шарофати билан Туркияда Самарқанд олимларининг илми риёзиётдан ютуқлари оммалашди. Масалан, XV асрда илми риёзиётдан юнон тилида ёзилган қўлёзмада касрларда ҳисобланган масала ва мисоллар бор. Унда ёзилишича, "Ўнли касрларни мамлакатга турклар олиб келишган".

Фан тарихидан маълумки, илми риёзиётга биринчи бўлиб ўнли касрларни Жамшид Ғиёсиддин ал-Коший ўзининг "Айлана ҳақидаги рисола" ("Рисола ал-муҳития") китобида киритган. Равшанки, ўнли касрларга оид билимлар Али

Кушчи ёрдамида Самарканддан Туркияга ўтган.

Аловиддин Али ибн Мухаммад Кушчи хижрий хисоб бўйича 879 йил шаъбон ойининг еттинчи куни. яъни 1474 йил 17 декабрда вафот этган. 1815–1820 йиллар ичида Истанбулдаги Юсуф Султон кабристонида унинг мозори таъмирланган.

Али Қушчи ўз замонаси фанига катта таъсир кўрсатган кўп асарлар муаллифидир. Унинг илми риёзиётга оид рисолаларидан мударрислар дарслик сифатида фойдаланганлар. Илми фалакиёт бўйича ёзилган асарларидан осмон мавжудотлари хакидаги фанни ўрганишда қўлланма сифатида фойдаланилган. Бошка китоблари конуншунослар, файласуфлар ва табибларга мўлжаллаб ёзилган.

1425 йилда Самаркандда у илми риёзиётга доир рисола ёзган. Бу асар XVI–XVIII асрларда яшаган Шарк олимлари ўртасида кенг таркалган. Али Кушчи қўлёзмалари Оврупо, Осиёнинг кўпгина шахарларида, жумладан, Тошкент кутубхоналарида хам сакланмоқда.

1426 йилда Самаркандда Али Қушчи илми риёзиётга оид "Рисолаи кусур" китобини ёзди. Унинг ягона қўлёзмаси хозирги кунда Санкт-Петербург Шаркшунослик илмгохида сакланмокда. Бундан ташкари, Али Қушчи "Геометриядан рисола" ("Рисола дар хандаса") хамда "Арифметик коидалар ва геометрик кўрсатмалар" ("Рисола фи каваид ал-хисабия ва-л-даланл ал-хандасия") китобларини хам ёзган. Уларнинг қўлёзмалари бор.

Али Қушчи, айникса, ўзининг илмий фалакиётга доир асарлари билан шухрат козонган. У Улуғбек рахнамолигида ёзилган "Зижи Кўрагоний" муаллифларидан бири эди. Али Қушчи бу китобга шархлар хам ёзган.

Кўп қўлёзма нусхаларда бизгача етиб келган "Рисола дар фалакиёт" китоби оммабоп хисобланади. Баъзи қўлёзмаларда бу асар "Рисола дар илми хайа" ёки "Рисолаи фарсийа дар хайа" деб номланади. Тошкентда бу асарнинг бир неста нусхаси бор. 1968 йилда Қ.Муниров ва А.Расулов уни ўзбек тилига таржима килдилар. 1970 йилда эса А.Усмонов томонидан рус тилига ўгирилган таржимаси чоп этилди.

Али Кушчининг асосий ишлари Улуғбек илмий жамоаси олимлари машгулоти бўлган илми фалакиётга бағишланган. Бу фан йўналишда Ўрта Осиё, Эрон ва Туркия олимларига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг форс тилида ёзилган хар хил номларда аталувчи илми фалакиётга доир рисоласи жуда машхур бўлган.

"Зижи Кўрагоний"да ўрта асрлар Якин ва Ўрта Шаркидаги илми фалакиёт фани тараккиёти якунланган. Бу эса телескоп кашф килингунга кадар жахондаги илми фалакиёт фани тараккиёти чўккиси эди.

Хулоса килиб айтганда, Али Кушчининг илмий мероси дунё фанининг ривожига муносиб хисса кўшди. Шу муносабат билан Али Қушчининг илмий меросини ўрганиш ёшларимизнинг комил инсон бўлиб шаклланишида муносиб хисса кўшади.

# ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИК АСОСДА БОШҚАРИШДАГИ ЎРНИ

XV асрда Хуросон ва Мовароуннахрда ижтимоий-фалсафий, маърифий фикр тараккиётида катта ҳисса кўшган файласуф олимлардан бири Жалолиддин Давонийдир. Давонийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ижтимоий-фалсафий фикрлари билан кўп жиҳатдан туташ келади. Улар дунёқарашининг марказини комил инсонни тарбиялаш учун юксак инсоний фазилатларни таркиб топтириш ташкил килади.

Жалолиддин Мухаммад ибн Асад ас-Сиддиқий ал-Давоний Эроннинг Казарун вилоятидаги Давон кишлогида 1427 йилда дунёга келган. Жалолиддин Давоний бошлангич маълумотни кишлогида олгач, Шерозга келади ва у ерда Дорул ай-том мадрасасида тахсил кўради. Мадрасада у мусулмон қонуншунослиги (фикх) билан махсус шуғулланади ҳамда илм-фан сирларини машхур олимлардан ўргана бошлайди.

Мадрасани тамомлагач Давонийнинг илмий қобилиятидан хабардор бўлган Эрон хукмдори Султон Ёкуб Оқ Қўйинли томонидан Шероз шаҳрига қози этиб тайинланади. У мадрасада хам мударрислик, хам қозилик вазифалари билан шуғуллана бошлайди. Давоний ўз юртида эмас, балки ўзга мамлакатларда ҳам шухрат қозонади. Турли шаҳарлардан талабалар келиб, унда таҳсил оладилар ва улар орасидан хам етук кишилар етишиб чиқади.

Давоний кейинчалик Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Кушон, Гилон, Табриз, Хирот шахарларида саёҳатларда бўлиб, кўплаб олимлар билан хамсухбат бўлиб, ўзининг билими, дунёкарашини янада бойитган.

Давоний умрининг охирги йилларини ўз кишлогида ўтказган. Олим 1502 йилда вафот этган.

Давоний ўз даврининг илм-фан тараккиётига катта хисса кўшган комусий олимдир. Унинг йирик олим бўлиб етишишида Самарканд, Хирот илмий шаҳар илм ахиллари, шунингдек машхур мутафаккир Абдураҳмон Жомий билан хам учрашган ва кейинчалик у ердан кетгандан сўнг аллома билан хат ёзишиб турган.

Демак, Давонийнинг етук олим бўлиб етишишида Яқин ва Ўрта Шарк, Мавораунназрдаги етук олимлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим омил бўлган. Давонийнинг мадрасадаги узоқ вакт мударрислик фаолияти унинг таълим-тарбия тўгрисида ўз қарашларига эга эканлигини кўрсатади.

Тадкикотчиларнинг маълумот беришича, Давонийдан қуйидаги илмий мерос колган: "Рисолайи исботи вожиб" ("Заруриятнинг исботи ҳақида рисола"), "Рисола ул-муфрадот" ("Моддалар хакида рисола"), "Рисолат ул-хируд" ("Ҳарфлар хақида рисола"), "Рисола дар элм ун-нафс" ("Рухшунослик хакида рисола"), "Тарикати тарбият ул-авлод" ("Болаларни тарбиялаш усули"), "Арзнома" ("Армияни бошкариш коидалари") кабилар шулар жумласидандир. Давоний фалсафий-илмий ишлардан ташкари Навоий сингари "Фоний" тахаллуси билан шеърлар езган.

Давонийнинг энг йирик рисоласи – "Ахлоки Жалолий" дир. У 1470-1478 йиллар орасида ёзилган ва Ғарбий Эрон хокими, Ок қуйинлилар сулоласи вакили Узун Ҳасанга бағишланган. Ушбу китоб 1839 йилда В.Ф.Томпсон томонидан инглиз тилига таржима килинган. Давонийнинг "Ахлоки Жалолий" рисоласи форс

тилида ёзилган бўлиб, қўлёзмаси дунёнинг жуда кўп музейлари ва кутубхоналарида мавжуд. У 1911 йил Калькуттада чоп этилган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида ушбу рисоланинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда. Мазкур асар 1948 йилда Ишанжон Муҳаммадхўжа томонидан ўзбек тилидаги қисқартма таржимаси амалга оширилган. Рус шарқшуноси А.А.Семёнов Рве ва Браунлар фикрига таянган ҳолда уни мусулмон Шарқидаги машҳур китоблар қаторига қўшади.

Ҳақиқатан ҳам ушбу асар Абу Наср Фаробий, ибн Сино, Насриддин Тусий ва бошқаларнинг ахлоқ мавзусидаги асарлари қаторида туради. Китобда муҳим ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-хаёлий ва ахлоқий гоялар илгари сурилган. Унда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табақалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масалалари батафсил таҳлил этилган.

"Ахлоқи Жалолий" да XV асрнинг илғор ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топганки, китобда ўрта аср Шарқининг ахлоқий таълимотлари, унинг ютуқ ва камчиликлари акс эттирилган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, ўз навбатида, улар яна майда бўлим – "лавот" ларга бўлинган.

Биринчи қисм ахлоқ фанига бағишланган бўлиб, муаллиф ахлоқнинг асосий тушунчалари: адолат, шижоаткорлик, донолик, иффат ва бошқаларга тўхталади.

Иккинчи қисм – "Одамнинг икки ҳолати" деб аталиб, оилавий ҳаётга бағишланган. Бунда болаларни тарбиялаш ва камолга етказиш, касб-ҳунарни эгаллаш, хулқ-одоб қоидалари, нутқ маданияти, ота-оналарнинг ўз болаларига муносабатлари ва бошқа инсонни камолотга етказувчи муаммолари кўтарилган.

Охирги учинчи қисми – "Шаҳарни (давлатни) бошқариш ва подшолар сиесати" деб аталади. Бу ерда муаллиф шаҳарларда яшовчи халқлар бахтли бўлиши учун қандай чора-тадбирлар кўриш кераклиги, давлат бошликлари билан фуқароларнинг ўзаро муносабати, жамият ҳақида фикр-мулоҳазаларини илгари сурган. Энг сўнгида Насриддин Тусийнинг "Ахлоқий Насирий" рисоласида келтирилган Афлотуннинг ўз шогирди Арастуга қилган васияти берилади.

Давоний ўз асарида инсонга ижтимоий мавжудот сифатида қарайди, инсон фақат жамиятда, кишилар орасида, улар билан муносабатда шаклланади, деган фикрни илгари суради.

Давонийнинг ижтимоий қарашларида Фаробийнинг таъсири яққол сезилиб туради. Инсон бир ўзи меҳнат қилиб, яшаш учун ҳар куни зарур бўладиган нарсаларни қўлга киритиши қийин. "Одамлар бирлашиб бир-бирига ёрдамлашганда бошқалар тўғрисида чинакамига қайғуради, ўзаро ёрдам ва алоқа ўрнатилганида адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаш воситалари тартибга тушади, кишиларнинг аҳволи мустаҳкамланади ва инсон зоти сақланади". (Давоний. "Ахлоқи Жалолий". 135 бет).

Давоний ўзининг "Ахлоқи Жалолий" асарида давлат тўғрисида ўзининг утопик-хаёлий орзусини тасвирлайди. У ибн Миснавайх, Фаробий ва Насриддин Тусий сингари шаҳарни (давлатни) фозил ва жоҳилга бўлади. Фозил шаҳарни тасвирлар экан, Давоний "Бу шундай шаҳарки, қоидаси бахт-саодатга эришувдан ва бахтсизликка олиб борадиган ҳодисаларни бартараф қилишдан иборат", дейди. (Ўша жой 152 бет). Фозил шаҳарни ақлли, адолатли ва жасур кишилар бошқариши лозим. Шаҳар аҳолиси қайси ижтимоий табақадан бўлмасин, қонун-

қоидаларга сўзсиз бўйсуналилар. Жоҳил шаҳар аҳолиси эса бахтсизлик ва фалокат йўлига кирган бўлиб, бундай шаҳар ҳокимлари таъмагир, жоҳил бўладилар, ўз хоҳиш-истаклари ва ҳиссиётларини қондиришга ружу қўядилар.

Жалолиддин Давоний ахлоқ ва таълим-тарбия масалаларига ҳам катта эътибор беради. Мутафаккирнинг талқинида, ахлоқ фани кишиларнинг амалий фаолияти, тафаккури билан чамбарчас боғланган. Ахлоқ муаммолари фалсафий, ижтимоий-сиёсий масалалар билан бир қаторда кўрилади.

Давоний ўзининг фалсафий рисолаларида илм-фанни жамиятда тутган ўрнига катта баҳо бериб, кишиларни маърифатли бўлишга, касб-ҳунар эгаллашга чақиради. Ўзининг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ижтимоий ғоялари умуминсоний характерга эга бўлиб, Мустақил мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ёш авлодни миллий ғоя, Ватанпарварлик, иймон-эътиқод руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

## КОШИФИЙ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ ИНСОН КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Кошифий тахминан 1440 – 1450 йиллар орасида Сабзавор вилоятининг Байҳак ноҳиясида дунёга келган. Бўлғуси файласуф олимнинг болалик ва дастлабки таҳсил йиллари ўз ватанида ўтган, ўзининг илмига бўлган ташналиги, зукко нотиқлиги билан эл ҳурматини қозонган. Сўнгра Нишопур ва Машҳад шаҳарларига бориб, замонасидаги барча билимларни қунт билан ўрганди. 1490 йили Ҳиротга келиб, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар-нинг суҳбатларида иштирок этади, уларнинг назарига тушиб, ҳурматга сазовор бўлган. Ҳусайн Бойқаро билан шахсан дўст бўлган, фарзандларига дарс айтган улкан санъаткордир. Кошифий воиз, олим, мударрис, файласуф сифатида шуҳрат қозонган. Кошифий ҳаёти мобайнида илмий, ижодий ва таълим-тарбия ишлари билан шуҳрат қозонди. 1505 йили шу ерда вафот этди.

Асл касби нотиқлик бўлган Кошифий умр бўйи табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида асарлар ёзди, бадиий ижод билан шуғулланди. Кошифийдан бизга қадар фалсафа, математика, тарих астрономия, ахлоқ, адабиёт, нужум, тарбия, наср ва назм назарияси, иншо қоидаларига доир 37 та асар мерос бўлиб қолган. Улар орасида “Ахлоқий Муҳсиний”, “Ахлоқи Карим”, “Искандар ойнаси”, “Анвари Суҳайлий”, “Жавоҳирнома”, мурувват ҳамда жавонмардликка доир “Футувватномаи султоний”, “Саҳифаи Шоҳий”, “Равзутус шуҳадо” (“Шоҳидлар боғи”), “Рисолаи Ҳотамия” каби асарлари Шарқу Ғарб илм-адаб аҳли орасида ҳийла машҳурдир. Бу китобларнинг асосий қисми ёш авлод тарбиясига, унинг камолоти, мактаб ва мадраса таълимига мослаб ёзилган илмий-фалсафий рисолалардир. Адиб ўзининг фалсафий, бадиий асарларида “Кошифий” – “кашф этувчи” тахаллусини қўллаган. Катта йиғинларда, диний маросим, тадбир ва байрамларда нутқ сўзлашга, ваъз айтишга моҳир бўлгани учун Воиз деб ном олган.

Ҳусайн Воиз Кошифий ўз асарларида инсонпарварлик, адолатпарварлик, мардлик ва жасорат, поклик ва саховат, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, камтарлик, хайр-мурувват, меҳр-оқибат каби ғояларни илгари суради, улкан мутафаккир файласуф сифатида панд-насиҳат беради.

Кошифийнинг 1500 – 1501 йиллари ёзилиб, Хусайн Байкаронинг ўғли Абдулмухсин Мирзога бағишланган "Ахлоки Мухсиний" асари соф таълим-тарбияга бағишланган асар бўлиб, узоқ йиллар мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Қирқ бобдан иборат бўлган китобда ёзувчи ибодат, ихлос, шукр, ризо, хаё, шафкат, адаб, химмат, сабот, адл, авф, яхшилик ва мархамат, таъзим – тавозе, ахлига вафо, омонат ва диёнат, ғайрат, шижоат, сиёсат, хукук, хукукка риоя килиш каби кўплаб инсон камолоти учун мухим бўлган сифатларни таърифлайди. У одобли инсонни ахлокли деб тушунади. Инсон факат одобли, саховатли, тўғри, халол, пок бўлгандагина хакикий инсон бўлиши мумкин дейди. Воиз Кошифий инсонпарварлик ва халолликни энг юксак инсоний фазилатлардан деб билади.

Кошифий инсоннинг энг юксак хулк-атвор эгаси бўлиши учун ўн коидага амал килиши зарурлигини илгари суради: элга тескари иш килмаслик; ўз нафсига инсоф килиш; кишн айбини очмаслик; кишиларда учрайдиган ёмон хукл – одатни яхшиликка томон буриш; ўз айбига икрор бўлиб, узр сўраган кишининг узрини кабул килиш; оч-юпунларнинг хожатини чикариш; инсон учун машаккат тортиш; халклар ўртасида дўстликни тарғиб килиш; касб-хунар, илм-маърифатни эгаллашга чакиради. Илмли кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини таъкидлаб, олимларни, умуман, илм ахлини эъзозлаш кераклигини кайд этади.

Хусайн Воиз Кошифийнинг асарлари Марказий Осиё халклари фалсафий, илмий-назарий, ахлокий-таълимий карашлари тарихда мухим ўрин тутади. Хусусан, унинг фалсафий карашлари силсиласида сўфизм таълимотига доир мушохалалари катта ахамиятга эгадир.

Хусайн Воиз Кошифий асарларида инсон аклига, акли тарбиясига катта эътибор берилди. Аклни хакикат мезони сифатида таърифлаб, инсон ўзининг фаолиятини факат акл ёрдамида амалга оширади, дейди. Шунга кўра Воиз Кошифий фанлар таснифида хам касб-хунар, илмга катта эътибор беради. У илм бойлик орттириш учун эмас, балки хаёт кечириш учун зарурдир, деб тушунча беради. Чунки илм – доимий, мол дунё – ўткинчи, хакикий доно, билимли кишилар ўткинчи нарсаларга эътибор бермайдилар, дейди. Демак, Кошифий илмни амалиёт билан боғлаб тушунтиради. Уни тан ва жонга, мевали дарахт мевасига ўхшатади. Хаётда кўлланилмайдиган билим жонсиз танага ўхшайди, билим – дарахт, унинг фаолияти эса меваси, мевасиз (дарахт) жон соғлом бўлмаслиги мумкин. Демак Кошифий хар бир ишнинг муваффакиятини билимларни амалда кўлланилиши билан белгиланади. Бунда у инсон аклини фаолиятнинг асоси сифатида талкин этиб, ўз навбатида бу фаолият янги билимларнинг пайдо бўлишига асос бўлади, дейди ва бу фикри билан анча илгарилаб кетгани маълум. Масалан, у "Ахлокий Мухсиний" асарида акл билан фаолиятнинг ўзаро алокаси хакида гапириб, барча кишилар аклга эхтиёж сезади. Харакат, фаолият аклнинг кўзгуси саналади. Акл ёрдамида инсоний тажрибалар, маънавий кадриятлар йиғилиб боради ва келгуси авлодларга етказилади, дейди.

Кошифий шунинг учун хам, энг аввало, олимларнинг жамиятдаги ўрнига катта бахо беради, устозларнинг кадрига етиш зарурлигини таъкидлайди. Иккинчидан, устозга хурмат, одоблилик намунаси сифатида хам каралади.

Воиз Кошифий инсонни билим оркали тарбиялаш, унинг акли кобилиятини ўстириш мумкин деб билимни инсонни шакллантириш мезони сифатида карайди. Шунинг учун хам болага таълим-тарбия берадиган муаллимнинг ўзи хам

билимли, доно, ахлоки юксак бўлишини тарғиб килади. Шунингдек, хар бир муаллим таълим-тарбия йўллари, услубини яхши билиши зарур, айникса, муаллим – мураббийнинг мулойим, хушфеъл бўлиши зарурли-гини таъкидлайди.

Воиз Кошифийнинг ахлокий карашлари хам ўз салафлари каби Қуръон ва хадислардаги ахлок коидалари билан боғликдир. У илгари сурган ахлокий тушунчалар яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч, виждон, ор-номус, бахт-саодат кабиларни таърифлаб, хар бирини инсонда шакллантириш йўллари ва усулларини хам баён этади, уларнинг таркибий кисмларигача ажратиб, ижтимоий талаб даражасида тушунтиради хамда асосий мезонларини хам кўрсатиб беради. У ахлокнинг асосий мезонлари деб инсонийлик, адолатлилик, соф инсоний муносабатларни билади. Буларга тескари бўлган хатти-харакатлар: ёлғончилик, чакимчилик, гараз, хасад, бахиллик, пасткашликни коралаб, улардан кутулиш йўлларини баён этади.

Воиз Кошифий ахлокий коидаларнинг ўттиздан ортиғини баён этиб, булар: сабр, хаё, покизалик, собиткадамлик, авф, сахийлик ва саховат, тавозе (камтарлик), ростгўйлик, шижоат, хушёрлик, фаросат ва шу сингарилардан иборатдир, дейди.

Демак, Кошифийнинг ахлокий карашларида комил инсонга хос бўлган барча хислатларни ўзида ифодалаган илм-маърифатли, хакикатпарвар, адолатли, хар кандай адолатсизликка карши курашувчи олийжаноб инсон киёфасини тасаввур этамиз.

Айникса унинг "Футувватномаи Султоний" асарида комил инсонни шакллантиришнинг айнан амалий йўл – йўриклари асослаб берилади. Футувват (жавонмардлик) илми хам тасаввуф – сўфийликка мувофик келиб, инсонни ахлокий танлаш, мехр-шафкат, химмат ва мардлик кўрсатишни тарғиб килади. Тасаввуф – футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий тадбикини кўрса, футувват эса тасаввуфда назарий эътикодий асосини топган.

Асарда келтирилишича, Футувватнинг таркиби 71 та бўлиб, унинг 48 таси вужудий, 23 таси азалийдир. Бу шартларнинг барчасининг асосий максад ва йўналиши инсонни комил инсон рухида тарбиялаш инсон калбида иймон-эътикод, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга каратилган.

Асарда энг мухими тарикат ахлининг одоби хакидаги фасллардир. Унда тарикат ахлининг кўнглини асраш, кўз, кулок, тил, корин, оғиз, куч ва фарж (таносил аъзоси) ни саклаш одоби, тарикат арбоби ва уларнинг тоифаларининг одоби, таквodорлар (хонако) одоби, ўтириш одоби, саховат одоби, таом ейиш ва сув ичиш одоби, кийиниш ва сафар одоби, мехмон кутиш, йўлда юриш одоби, салом бериш, касал кўришга бориш, жаноза, таъзияга бориш одоблари, касб-кор, савдо, тижорат одоблари баён этилиб, турмуш одобига оид хар бир хатти – харакатнинг услуби баёнини хам ўз ичига олади. Сўнг турли касб эгаларининг одоби, фаолияти таърифланади.

# АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЯТИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишида ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири бу Алишер Навоий бобомиздир.

Президентимиз И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарида "Алишер Навоийнинг муътабар номи, ижодий меросининг бойлиги, бадиий доҳаси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз"[49] деб ёзади.

Алишер Навоий бобомизнинг маънавий меросининг қанчалик буюклигини тарихда ўзларининг маънавий мероси билан башарият оламини лол қолдирган мутафаккирларнинг кўпчилиги қайд қилиб ўтган. Жумладан, Абдураҳмон Жомий "Баҳористон" тазкираси, "Ҳафт авранг" достонларида Навоий ижодини юксак баҳолаб, уни шеърият қуёши, сўз гавҳарини терувчи ижодкор, деб таърифлаган бўлса, Мирхонд "Дастур ул-вузаро", Хондамир "Макорим ул-ахлоқ" асарларини Навоий фаолияти, ибратли ишлари ва ажиб инсоний хислатларини ёритишга бағишлаганлар. Зайниддин Восифий ўзининг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида Навоий ҳақида ўзи шоҳид бўлган ёки қариндоши Соҳиб Дородан эшитган нодир ҳикояларни нақл қилиб, унинг ажиб хислатларини тасвирлаш орқали биринчи марта Навоий образини бадиий тарзда гавдалантирди. Ахлий Шерозий эса Навоийга бағишланган форсий қасидасида унинг беҳисл тарихий хизмати, олиймақом ишларини тавсиф этади.

Навоийнинг туркий тилдаги асарлари бутун туркий халқлар яшайдиган мамлакатларга ёйилган бўлса, форсий девони ("Девони Фоний") форсийгўй халқлар орасида эътироф этилди. Низомий, Ҳофиз, Саъдий, Хусрав Деҳлавий каби номи жаҳонга машҳур шоирлар қаторида ҳазрат Навоий асарлари ҳам қадрланиб, ўқиб келинган. Айниқса, шоирнинг форсий қасидалари шуҳрат қозонади. Чунки фалсафий мушоҳадаларга бой бу қасидаларда инсон фитрати, комиллик ҳақидаги ғоялар, жамият зиддиятлари чуқур бадиий таҳлил қилинади, ғоят дадил ва жасоратли фикрлар баён этилади. Навоий ғазал ва қасидаларида ёзилган форсий татаббуълар ҳам бунга далилдир.

Рус олимларидан Н.И.Илминский, В.В.Веляминов-Зернов, Е.Э.Бертелс, Н.И.Конрад, В.М.Жирмунский, А.К.Боровков, С.Н.Ивановларнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқ. Бу олимларнинг ишларида Навоий ҳаёти ва ижоди кенг миқёсда, тарихий ва умумжаҳоний аспектда олиб текширилади. Чунончи: Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси; Навоий – ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси; Навоий – шарқ бадиий ва фалсафий тафаккурини жамлаб, уни янги поғонага кўтара олган мутафаккир; Навоий – Темурийлар давлатининг йирик арбоби, адолат ҳимоячиси; Навоий – илми урфон, маданият ва шеърият ҳомийси, устоз-мураббий ва ҳоказо[50].

Навоий туркий тил қудратини баралла намойиш эта олди, бу халқларнинг ижодиёти анъаналари билан форсий шеърият анъаналарини қўшиб, туркий адабиётни кенг башарий тарих саҳнасига олиб чиқади. Навоий – нодир истеъдод эгаси, аммо уни ҳамиша илҳомлантирган, унга қудрат ва қувват берган нарса – бу

---

[49] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. 2008 й. 47 бет
[50] Н.Комилов. Тафаккур карвонлари. Тошкент. 2011 йил. 199 бет

она тилида улуғ асарлар яратиб халқи руҳини сарбаланд этиш эди. Бу кутлуғ ният бир илоҳий нур бўлиб, Навоий асарлари орқали авлодлари қалбини чароғон қилиб турибди. Академик Н.И.Конрад ва В.М.Жирмунский тадқиқотларида Алишер Навоий ана шундай умумжаҳоний ва умумбашарий контекстда, Шарқ Ренессенси ҳодисаси сифатида олиб қаралади. Шу боис ҳар икки олим тадқиқотларида ҳам аввал умуман Ренессанс (Уйғониш) даврига таъриф берилади, Шарқда Европадан олдин Уйғониш юз бергани исботланади. Навоийнинг қайноқ ижодий фаолияти, Жомий салоҳияти ва ҳар икки ижодкорга хос тафаккур кўламининг кенглиги, комил инсон учун кураш ғоясининг тараннум этилиши мисол қилиб кўрсатилади. Дарҳақиқат, Навоийда схоластик қарашлар, догматизм қобиқларини ёриб чиқиш, илоҳиётни инсон қалби улуғворлиги билан, сўнмас идеаллар машъалига талпиниш, ҳаёт маъносини излаш, инсонни муҳаббат билан, ёниқ сўз, куй-наво билан тарбиялаб, ундаги нафсоний қусурларни бартараф этароқ, руҳий – маънавий камолотга сари интилишга даъват этиш балқиб туради.

Н.И.Конрад "Фарҳод ва Ширин" достонини таҳлил қилиб, асосий образлар ҳақида тоза фикрлар баён этган. У асарни "қаҳрамонлик – романтик саргузаштлар достони" сифатида баҳолаб, шоир тахайюлининг парвози ва айни вақтда реал муносабатлар, инсоний севги лавҳалари тасвирининг жозибадорлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, достоннинг Низомий ва Амир Хусрав асарларидан фарқини ҳам қайд этган. Навоий тасвирларининг маъно чуқурлиги рус олимини ҳаяжонга солган, бу лавҳаларни у Хитой, Япон мумтоз адабиёти билан қиёслаб чиқади. Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" даги золим подшоларига танбеҳу танқидини Н.И.Конрад алоҳида ажратиб таъкидлайди. Айниқса, "Халққа қилган зулминг – ўзингга қилган зулмингдир" деган фикрни ажратиб олиб ёзади: "Бундай одамлар нафақат ўзгаларга зарар келтирадилар, балки ўзларига ҳам зарар етказадилар. Аммо бу аниқликни бир ёққа йиғиштириб қўяйлик, биз учун ғоянинг ўзи муҳим: ўзгаларга зулм айни вақтда ўз-ўзига зулмдир. Бу фикрнинг теранлиги ҳайратланарли. Ва ана шундай инсоний донишмандлик билан рўбарў келганда, қалбда улуғ бир ҳаяжон, руҳий кўтаринкилик пайдо бўлади"[51].

Шу нуқтаи-назардан В.М.Жирмунский Навоий фаолиятини Леонардо да Винчи фаолияти билан қиёслайди ва ёзади: "Навоий ўзининг Ғарбдаги замондошлари каби кўз олдимизда ҳар томонлама камол топган ва илму ижод, фикрий теранлик ва амалий фаолиятни ўзида жамлаган универсал қобилиятли яхлит бир комил шахс сифатида гавдаланади"[52].

Айниқса, "Фарҳод ва Ширин" достонида Навоийнинг буюк идеаллари ёркин ифодаланган, деб таъкидлайди. Жирмунский ушбу асарни таҳлил қилиб, унда ифодаланган ғояларни ажратиб кўрсатади. Чунончи, Фарҳоддаги бемисл ижодкорлик ва яратувчанлик қобилияти, турли миллат вакиллари билан дўстлашуви, турли халқларга мансуб ҳакиму донишмандлардан дарс олиши, қайноқ муҳаббат соҳиби, ҳақгўй ва жасур, мард инсон эканлиги рус олимининг диққат марказидан жой олган. Олим шунингдек, "мажозий" (дунёвий) ва "ҳақиқий" (илоҳий) ишқ тасвирининг бирга олиб тасвирланганини алоҳида таъкидлайди ва Н.И.Конрадга қўшилиб, Уйғониш даври даҳолари Ғарбда ҳам,

[51] Н.И.Конрад. Восток и Запад. М., 1972. 286 ст.
[52] Н.И.Конрад. Восток и Запад. М.: 1972. 177 ст.

Шаркда хам пантеистик фалсафа таъсирида гуманистик карашларни баён этганликларини уктиради.

Шу нуктаи-назардан Алишер Навоийнинг буюклигини билмаслик ўзбек миллатининг маданияти тарихи, миллий-маънавий куч-куввати ва жахон бадиий тафаккурига кўшган буюк хиссасини англамаслик билан баробар. Алишер Навоийнинг улуғ сиймоси ул зотнинг рухияти, беназир шахсияти ва сўзни санъат даражасига кўтарган ижодкор эканлиги билан белгиланади. Унинг шу замонда – янги асрда хам замонавий шоир сифатида ёдга олинаётгани бехикмат бўлмаса керак.

Дархакикат, сўз ва фикр эркинлиги хакикатни тўғри акс эттиришнинг тамал тоши, дейиш мумкин. Хар кандай озодлик ўзининг асл киёфасини сўз ва фикрлагидек намоён эта олмайди ёки тасдиғини топа билмайди. Алишер Навоий хамма нарсани эркинлик ва вобасталикда талкин килган, инсон кисмати билан боғлик хар кандай хакикатнинг истикболини тафаккур хурлигида кўрган. Демак, туйғуда, рухда, кўнгил ва тафаккурда эркинликни карор топтирмай туриб, Навоий асарларининг асл маъно-мохиятини чакишга уриниш бефойда. Илм, илхом, кашф ва хурлик завки – хазрат Навоийнинг ғоя ва тимсоллари, мажоз ва хакикат дунёсига киришнинг асосий йўли, дейиш тўғрирок бўлади. Чунки дастлаб ишк, дард ва армон сир-асрорлари очилиб, сўнгра маърифат ва гўзаллик сабоклари бошланади.

Навоий сабокларига амал килмасдан туриб, жахолат, нодонлик, авомлик, мутелик ва ёвузликнинг илдизларини куритиш мумкин эмас. Ёшларга Навоийни англаш йўллари кўрсатилса, улар билиш зарур бўлган барча хакикатларни билиб олади. Навоий сўзларини тўтидай такрорлаш билан, ғоя максадларини тушунмасдан ортикча билағонликка бериладиган ёшларни маърифатли инсонлар деб бўлмайди.

Сўз билан одамни алдаш, сўз билан ёлғонни хакикатга айлантиришга уриниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас кабохат эканлигини Навоий хар нарсадан ортикрок тушунган. Улуғ шоир бутун ижодиёти мобайнида "Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил", деган талаб ва шоридан мутлако чекинмаган. Бу – ижод тажрибасида жуда сийрак учрайдиган ходиса[53].

Ёшларимиз Навоийни канчалик чукур ва пухта билса, маърифат, эзгулик, комиллик сирларини шунча кенгрок эгаллайди. Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин, одамийлик шарафи ва куч-кувватини идрок этади. Навоий сабокларига амал килган киши ўз-ўзидан халк дардү ташвишларини енгиллатишга бел боғлайди, фикрни-фикрсизликка, илм-маърифатни нодонликка ва жахолатга карши курол ўрнида ишлатади. Навоийни етарли даражада билиш – адолат, диёнат ва имон-эътикоднинг кучига ишонч демак.

Навоий шохнинг хам, гадонинг хам, ошикнинг хам, орифнинг хам – хамма-хамманинг шоири. Навоий шеъриятидан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва рухан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуд. Хатто золим ва жохил, нодон ва гумрох хам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий

---

[53] Иброхим Хаккул. Навоийга кайтиш. "Фан" нашриёти, 2007 йил, 4 бет.

шеъриятида битта бош мақсад бор – комиллик. Битта сарбон туйғу мавжуд – камолот туйғуси. Асосий биргина нур қайноғи бор – ишқ.

**Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,**
**Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.**

Икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳият ва саодати шу ишқда.

Навоийнинг комиллик маслаги нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний "Мен" салоҳиятига асосланади. Инсоннинг иймони ва виждонини ана шу "Мен" ўз тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон комиллик завқига етиб боролмайди.

Азизиддин Насафий "Комил инсон" номли китобида ёзади: "Билгилки, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукаммал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси, яхши сўз, иккинчиси, эзгу фаолият, учинчиси, гўзал ахлоқ, тўртинчиси, илм". Бу тўрт нарсага эришган киши комил бўлиши мумкин.

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Муҳйиддин ибн Арабий олиб кирган ва назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Унингча, "Инсони комилдан юқори мукаммал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда "Инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотиқ – улар фақат сувратда инсондирлар, холос". Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир қитъаларини хотирга келтиради:

**Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,**
**Ҳеч ор айлама гадолиғдин.**
**Ким буларга гадолиғ ортиқдир,**
**Аҳли суратға подшолиғдин.**

Демак, "аҳли маъни" – комил инсонлар, "аҳли сурат" – комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеърияти эса комиллик фазилати ва ҳақиқатларининг мислсиз бир бадиий қомусидир.

Бир ёклама қараш, ёруғликни ҳисобга олмай, зулматни инкор айлаш Алишер Навоийга бутунлай ётдир. Даврондан ҳар қанча нолимасин, даврни ҳар қанча айбламасин, одам фарзанди ўз даври ва давронидан ажралиб яшай олмайди. Бундай умрнинг маъниси ҳам, кераги ҳам йўқ. Қолаверса, давр ва замонда ҳамма нарса ёмон дейиш ақлдан эмас. Навоий буни ҳам шу қадар мукаммал билганки, бир ғазалида:

**Давр ичинда фитна ҳам кўп, хўб ҳам беҳад, валек**
**Бўлмағай мингдин бир ул сарфитнаи давронча хўб..,**

дея ўқувчини даврон макр-ҳийлаларидан ғафлатда қолмасликка чақирган. Демак, ёмонни билиш яхшини қадрлашга хизмат этмоғи керак. Ёки аксинча. Ана шунда:

**Минг йил киши жаҳон элига қилса шоҳлик,**
**Бир дам алар иҳонату ориға арзимас,**

лигини чуқур тушунишда қийинчилик сезилмайди.

Дунё ва олам ўзига хос бир ҳукмрон – ҳокими мутлақ. Одам фарзанди, у билан муроса қилишга, унинг талаб, истаклари билан ҳисоблашишга мажбур. Бундан у ҳамиша ҳам ютқазавермайди. Балки, эл-юрт манфаати ва тараққиёт учун ҳисса қўшади. "Ҳар не қадар бу оламнинг ҳол ва ишлари ўткинчи бўлса ҳам, – дейди Азизиддин Насафий, – алдансак ва алданмасак ҳам бу дунёга эҳтиёжимиз бор. Шу эҳтиёж туфайли нокаслар билан суҳбатлашиш, бехабарлар билан бирга бўлишга мажбурмиз".

Навоийга кўра, тириклик айши, аввало, нафсни руҳга таслим айлаш, ишқ, маърифат, гўзаллик нури ила кўнгилга зийнат беришдир. Шундагина инсон дунё фатҳи учун лашкар тортмоқ "сипоҳ гарди ғубориға" арзимаслигини ҳам, одамлар орасидаги бир фурсатлик нифоқу жанжаллар асрларга чўзилган умр фароғатини буткул йўққа чиқариш эҳтимолини ҳам англаб одим ташлайди:

**Юз қари олам аҳли аро айламак нишот,**

**Бир дам алар нифоқу ниқориға арзимас.**

Навоий дунёқарашида комилликни кафолатловчи ҳол – фано ҳоли, дилни яйратувчи, толиқишлар, жабр-жафолардан ҳалос этгувчи маскан–фано майхонаси, Ҳақ висолига етказгувчи йўл – фано йўли.

Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш – муқаддас бир ибодатгоҳга, улкан бир санъат масканига киришдек махсус тайёргарликни талаб қилади.

Алишер Навоийга кўра, агар кўнгилда ишқ оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарқ қолмайди. Ишқ бўлмаса, зуҳду тақво қуруқ даъводир:

**Ишқ кўнглунгга солиб дард, они қон этмиш,**

**Ол кисват била кофирни мусулмон этмиш.**

Яъни, ишқ кўнгилга дард солиб уни қон этади. Лекин шу қон кўнгил либоси бўлганлиги туфайли кофир мусулмонга айланади.

Жалолиддин Румийда шундай байт бор:

**Илмро бар тан занй, море бувад**

**Илмро бар дил занй, ёре бувад**

Яъни, илмни танга сингдирсанг, илон бўлади. Илмни дилга жо этсанг, ёр бўлади.

Навоий меросини ҳар томонлама теран ва ҳаққоний ўқиб ўзлаштиришда, ҳеч шубҳасизки, илм керак. Лекин у илон тамсолидаги илм бўлмаслиги лозим. Ақл, юрак, руҳ ва илмни ҳамжиҳат – уйғунликда ишлата олган одам Навоийнинг ижод гулшанига ортиқча қийинчилик сезмай, яйраб кириб боради ва сўнгги нафасигача ундан ажралмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов "Буюк боболарнинг руҳий поклигига таяниб" номли нутқида, ўтмиш авлодларимизнинг маънавиятига тўхталиб: "Асрлар давомида ақл-заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшнайди, меҳнат қилади, доимо ҳуррият ва эрк сари интилади" деб қайд этади.

Мана шундай халқимизга маънавий озуқа берадиган асарлардан бири буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Хамса" асаридир.

Ушбу "Хамса"нинг "Ҳайрат ул-аброр" асарида аввало яратувчи Худонинг сифати ва фаолиятини васф этиш билан бошланади. Яна шу бобда Навоий дунёни таърифлайди. Дунёдаги барча гўзаллик ҳақнинг аксидир. Бу йўналиш орқали Навоий инсоннинг дунёси, ҳаётни севиши лозим эканлигини таъкидлайди. Ушбу мафкура дунёвий адабиётларнинг замирида ётган пантеистик таълимотнинг моҳиятини белгилайди.

Навоий дунё гўзалликларининг жами қисми ва барча бойликлар инсон учун эканлигини ҳамда мавжуд бўлган борлиқнинг барча яхшиликларини инсонга қаратилганлигини қайд этади.

Ушбу асарнинг учинчи ҳайратида одил султон бошқараётган мамлакатда барқарор бўлган адолат, тартиб ва осудаликдан хўжанинг ҳайратда қолганини тасвирлайди.

Шундан сўнг китобнинг асл мундарижасинини ташкил этувчи мақолатлар бошланади. Инсон ўзидаги сабр, шукр қилиш ва ҳаё каби фазилатлар билан инсонийлигини намоён этажаги айтилади.

Ушбу достоннинг учунчи мақолатида султонлар тўғрисида гапирилади. Навоий подшоларнинг қасрларида эл жонидан ип тортиб тикилган безаклар, улус қони билан қизартирилган пештоқлар, эл масжидидан гишт келтириб, қабрлар тошини кўчириб келиб кирилган сорийларга лаънатлар ўқийди, у ерларда базм қилаётган сорий аҳлига нафрат билан қарайди.

Албатта, инсоннинг ишлари хатосиз бўлмайди, аммо хатога узр сўраш, кимга зулм ўтказган бўлса, уни адл қўли билан қувватлаш керак. Яхши қараш билан зулматни ёритиш, путр билан оламни ўзига аср қилиш лозим.

Сўнгра Ануширвон ҳикояси келтирилади. У подшо бўлмасдан илгари бир гўзалнинг ишқида беқарор эди. Ниҳоят бир гулзор хиёбонда ҳар иккаласи учрашади. Ануширвон ёрига интилади, гул чеҳрали гўзал ҳам таслим бўлади. Шу пайт бир наргис гулни кўриб Ануширвон ўзини қўлга олади. Гўзал қиз ҳайратланиб бунинг сабабини сўраганда, у ўша наргис гулдан ҳаё қилганини айтади. Ануширвон шундай ҳаё ва одоб эгаси бўлганидан кейинчалик оламга шоҳликка эришганлигини қайд этади.

Навоий ёлгон ишқ даъво қилиб ёрдан паст мақсадлар талаб қиладиган “ошиқ” фирибгардан бошқа киши эмас, самимий ишқ эгаси дардли, покиза инсондир. Бундай ошиқ фақат ёрини ўйлайди, ҳар ерда фақат ўз севгилисини кўради. Бундай ишқ эгаси бўлиши чин саодатдир.

Навоийнинг бундай инсоний севги ва инсоний гўзалликни тараннум этиши мустақил мамлакатимиз ёшлари учун ибрат мактаби бўлмоғи керак.

Навоий достонининг ўн саккизинчи мақоласида ҳаётни қадрлашга чақиради. Ўлимдан бурун киши ўзини ҳалок этмаслиги керак. Сенга ақл ато қилган. Сен барча жаҳондан шарафлироқ қилиб яратилгансан, шунинг шукурини қилиб яшагин. Агар яхшилик қилолмайдиган бўлсанг, ёмонлик ҳам қилмагин, деган ибратли ўгитлари ҳозирги кунда жаҳон жамоатчилигининг тинч-осойишта яшашга ҳалақит бериб, диний экстремизм йўналишига мубтало бўлган, ўз жонига қасд қилиб, ўзи билан биргаликда ўзгалар жонига ҳам хавф солаётган кимсаларга қаратиб айтилган иборалардир.

Ўн бешинчи мақолатда жоҳил майнинг қуйқалари ҳақида сўз юритилади. Шоир ичиб бадмаст бўлиб, шармандаси чиққан одамнинг ҳолини кўрсатади. Майхонадан маст чиққан бу кимсанинг манглайи қонаган, кўринган кишига қопагон итдек ҳамла қилади. Ичкилик жисм уйини сел каби бузади. Ичкиликка берилган киши акл чирогига қоронғилик солади. Бундай ҳолатда киши тавба қилиб ўзини асраши керак. Боний Троллий Ринд майхўрликка қаттиқ берилган эди. Тавбаларидан кайтган эди. Бир куни уни улуғ даргоҳ таклиф қилди. У тавба қилиб отланди лекин тавбаси шиша каби синди деб кўрсатади.

Алишер Навоийнинг ичкиликбозликнинг зарари ҳақида кўрсатган гоялари ҳозирги даврда ичкиликбозлик ва наркотик моддалар истеъмол қилиб ўз ҳаётини

барбод килиб жамиятга катта зарар етказаётган кишилар учун намуна мактабидир.

Алишер Навоий "Хамса" нинг "Лайли ва Мажнун" достонида инсоний содда севгини тараннум этади ва шундай баён килади: "Қаттиқ севги изтиробидан Лайлида харорат пайдо бўлади, табиблар унинг дардига малхам топишдан ожиз эдилар, унинг ахволи борган сари оғирлашади".

Ота-онаси Лайлининг боши устида иложсиз ўтирар эдилар. Лайли ўлими олдидан онасини ўз хузурига чақириб васият килди: Менинг дунёдан ўтар пайтим келди. Кайтиш килсам мен учун ортикча мотам тутманг. Менинг вафотим хабарини эшитиб зора гарибим келар, у улусга ишк одатини намойиш этиб, енимда жон берар. Шунда керагича лутф кўрсатиб унинг шарофатли жисмини кўз ёшлари билан ювсангиз жон пардасидан кафан килсангиз арзийди. Ўша кафанга мени хам чирмангиз, токи икки баданга бир кафан бўлсин, бир жойга кўйинг.

Давом эттириб, Мажнун ғоят хастахол ётарди. Бирдан кулоғига нидо келиб Лайлининг ўлим олдида эканлигидан хабар етди. У ётган жойидан қоплон каби сакраб турди. Лайли кабиласи томон чопди. У тўғри Лайли ётган уйга кириб борди. Лайли энди Мажнун тўғрисидаги васиятни тугаллаган эди. Иккаласининг бир-бирига нигохи тушди. Иккаласи хам баравар жон берди. Уларни бир кафанга ўраб, бир тобутга солиб бир жойга дафн этдилар.

Достоннинг якунловчи бобида бу ғам достонига бардош бера олмаган Навоий бу ғам достонини "йиглай, йиглай тугатдим охир" деб хабар килади. Шу билан қахрамон, ишкли кишиларни улуглайди, ясама калбаки ишк эгаларини коралайди. Яна Навоий бу достоннинг туркийда битилганлигини таъкидлаб, бу тилда ўкийдиган хуштаъб, соф идрокли кишилар бахра олишларини кўзда тутганлигини билдиради. Шу билан шоир ўкувчиларнинг ишк ғами билан шод бўлишлари ва шунда уни хам ёд этишларидан умидвор бўлишади.

Алишер Навоий мудхиш вокеиликка бардош бера олмади. У мудхиш вокеилик билан якка курашишга киришади. У бир бутун ижобий кахрамонлар образларини яратади. Чиннинг ёш шахзодаси Фарход, Рум шохининг асранда ўгли Искандар, Фарходнинг кўкалдоши Бахром, Мехинбону, Ширин, шох Навфал "Хаммасидаги бу ижобий қахрамонлар шоир орзу умидларини ифодаловчи бадиий образлардир.

Уларнинг форс тахтига бўлган муносабатини олиб карайлик. Фарход отасининг хокимиятини, тахтини эгаллаш тўғрисидаги таклифини катъиян рад этади. "Сабъайи Сайёр"даги биринчи хикоя кахрамони Фаррух хам худди шундай йўл тутади. Искандар вафот этган отасининг тахтига ўтириш тўғрисидаги таклифни қабул килмайди. Бундай вазифага тайёр эмаслигини билдиради. Бу кахрамонлар хар доим халк ғами билан яшаб халкка ғамхўрлик ва шафкат кўрсатадилар. Искандар Эрон шохи Доронинг кўп мамлакатларни талон-тарож килиб, бехисоб хазиналарини халкка, лашкарларга улашади. У ўз кўл остига киритган мамлакатлардан олинадиган соликлардан воз кечади. Элга озор берувчи ёвуз кучларга карши тўсик бино этади. Фарход, Ширин, Мехинбону факат халк манфаатини кўзлаб иш тутади, Навфал инсофсиз ва каттиккўл феодал зулмидан азоб чеккан Мажнунни химоя килади. Ушбу образлар фаолияти оркали кўрсатилган вокеалар ўз даври хамда хозирги давр учун хам жуда катта ахамиятга моликдир.

“Хамса”да Навоий фан ва олимларнинг жамиятда тутган ўрнига катта аҳамият беради. У фаннинг жамият тараккиётида тутган ўрни ва аҳамиятини яхши англар, илм фаннинг жаҳолат, таассуб, маҳдудликка кескин ва муросасиз курашишини билар эди.

Навоий илм-фанни шахсий бойлик йиғиш воситаси деб каровчи разил шахсларга нафрат билан карайди. Бундай олим жоҳилдан баттардир:

**Илмни ким воситаи жоҳ этар,**
**Узнию, халкни гумроҳ этар.**

Демак, Навоий “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ва бошка достонларининг асосий мавзуси комил инсоннинг асосий севгиси тараннум этилади. Бу чин инсонга хос, юксак, покиза, садокатли ва фожиий севгидир. “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” шундай кудратли севгининг кучини исботлайди. Инсон калбининг накадар олий туйғуларга бой эканини намойиш этадилар. Бу туйғулар одамни барча кундалик майда ва юзаки ҳоллардан баланд кўтаради ва уни улуғлайди. Навоий ўз қаҳрамонларини фаолияти ва такдирини юксак маънавий камолотининг натижасидир, деб талкин килди. Шунинг учун ҳам бу муҳитдаги ёвуз кучлар юксак туйғуларни пайҳон этмок учун кутуриб ҳужум килади. Бир достонда истибдод ва зулм (Хисрав), иккинчисида синфий табакаларга хос сарқитлар инсон муҳаббатини халок этади.

“Хамса”да Навоий кўнглига якин бўлган дўстлик ва кардошлик ғояларини ҳам тараннум этади. Навоийнинг ижобий қаҳрамонлари турли халк ва элатларга мансубдир. Чин ўлкасининг фарзанди арман гўзали Ширинга кўнгил беради. Араб элида оғизга тушган афсонавий севги киссасига Навоий ўзбек тилида абадий ҳаёт бағишлади.

Чин элидан, Жўна ва Масъуд Ҳиндистондан, Сухайл Ямандан, Фаррух Сарандибдан (Шриланка)дир. Навоий кишиларнинг маънавий дунёси, уларнинг инсоний сифатлари, максад ва интилишлари юксак эканлигини кайд килади. У ана шу жиҳатдан ёндошар экан, хеч качон кишиларнинг миллий, диний ёки иркий мансубликларига аҳамият бермайди. Навоий ижодининг байналмилаллик моҳиятини белгиловчи омиллардан бири ҳам шудир. Навоий интернационализми унинг гумонизмидан келиб чикканлиги шубҳасиз.

Неча асрлардан буён Навоий “Хамса”си Шарк халклари бадиий ижодига салмокли таъсир кўрсатиб келмокда.

Ҳазрати Навоий яратган беш буюк шеър ва фикр хазинаси – “Хамса” мустакил мамлакат ёшлари ва ўз муаллифларининг шон шуҳратини улуғлаб, улар калбида имон-эътикод, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга улкан ҳисса кўшадиган, абадий яшнайдиган обида бўлиб колди.

## <u>ИЛОВАЛАР</u>

***Ўтмиш алломалари***



# МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

**Ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожида Хоразм Маъмун академияси алоҳида ўрин тутган. Улкан кутубхона, мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби каби тузилмаларга эга бўлган бу даргоҳда юздан ортиқ алломалар, истеъдодли талабалар илмий изланишлар олиб борган. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби қомусий олимларнинг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.**



ЮНЕСКО шафелигида Хоразм Маъмун академиясининг 1000-йиллиги нишонлангани, унинг фаолияти қайта ташкил этилгани мамлакатимизда аждодлар хотирасига, илм-фан ривожига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Ҳозир бу қадимий ва навқирон илм масканида Хоразм тарихи, унинг ўзига хос маданияти, экологияси, ер ва сув ресурсларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЖАСОРАТИ







# МУҲАММАД МУСО ХОРАЗМИЙ

Ўша даврдаги энг буюк мутафаккир олимлардан бири Муҳаммад Мусо Хоразмийдир. Бугун бутун дунё фойдаланадиган ҳисоб-китоб амаллари, замонавий технологиялар фаолияти ана шу бобокалонимиз яратган қоидаларга асосланади. Бутун дунё Хоразмийнинг илм-фан ривожи йўлидаги ҳиссасини юксак қадрлайди, уни вояга етказган заминга алоҳида эҳтиром билан қарайди.

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожидаги хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.













*Абул Аббос Ахмад ибн Муҳаммад ибн Касир* ***АЛ-ФАРҒОНИЙ*** *797 йилда Фаргона водийсининг Кубо (кува) қишлоғида туғилган.*

*Унинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» («Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ [illegible] ан-нужум») асари*

*Ҳозирги кунда унинг «Астрономия асослари ҳақида китоб», «Астурлоб ясаш ҳақида китоб», «Астурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб», «Ал-Фаргоний жадваллари», «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола», «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб» каби асарлари бизгача етиб келган.*

Ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига бобокалонимиз номи берилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200-йиллиги халқаро микёсда нишонланди. Бу буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз илмий салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қува ва Фарғона шаҳарларида мутафаккир ҳайкаллари бунёд этилди, Фарғона давлат университетига Аҳмад Фарғоний номи берилди.













Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб — **устурлоб** назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида **“нилломер”** деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.










[illegible] «...унинг қизиққан илм соҳаларидан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осондир», [illegible] минералогия Абу Райҳон Беруний шуғулланган ўнлаб фан соҳаларининг бири эди, холос.

# БЕРУНИЙ ГЛОБУСИ ВА ГЕОДЕЗИЯ

**Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.**







**Абу Али ибн Сино**

**980 йил 16 августда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган**

**1037 йил 18 июнда Хамадон шаҳрида вафот этган**

# ИБН СИНО





**Ибн Сино номи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Доимо яшил бўлиб турувчи тропик ўсимлик “Авиценния” деб аталган. Кўплаб мамлакатларда кўчалар, ўқув ва тиббиёт муассасаларига унинг номи қўйилган, аллома шарафига медал ва мукофотлар таъсис этилган.**

**Президентимиз Ислом Каримов 1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКОнинг халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирланди. Бу олий мукофот халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, давлатимиз томонидан тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилган ишларнинг муносиб баҳоси бўлди.**



AVICENNE



## ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ЭНГ МАШҲУР ФАЙЛАСУФИ





**“Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади.**



<u>Умар Хайём 1040-1123 ўзининг «Борлиқ ва бурчланмоў ҳақида рисола», «Борлиқ тўғрисида рисола», «Уч саволга жавоб» каби асарларида борлиқ категорияси ҳақидаги ғояларни баён этади. Умар Ҳайём фикрича, дунё моддий, йўқдан бор ва бордан йўқ бўлмай.</u>

*Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлғуси,*
*Бизлардан на ному, нишон бўлғуси.*
*Аввал-ку йўқ здик, етмовди халал,*
*Яна бўлмасак ҳам, ҳамон бўлғуси.*





# Низомий Ганжавий



Абу Муҳаммад Илёс бинни Юсуф Низомий 1141 йилда Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида туғилган.

Низомий Ганжавий шарқ адабиётида биринчи бўлиб "Ҳамса" ёзган. Унда "Махзан ул-аброр", "Хусрав ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Хафт пайкар", "Искандарнома" каби 5 та достонлар мавжуд.

Унинг 20 минг байтдан иборат шеърий девонидан бизгача 16 қасида, 192 ғазал, 5 китъа, 68 рубоий ва 17 байт сақланиб қолган.

Низомий Ганжавий 1209 йилда вафот этган.









Хусрав Деҳлавий 1253 йилда Ҳиндистон шимолдаги Патёли шаҳрида, шаҳрисабзлик Амир Сайфуддин Муҳаммад оиласида дунёга келди. Асли лочин уруғидан бўлган бу хонадон мўғуллар босқини даврида Ҳиндистонга кўчиб, шу ерда турғун бўлиб қолган эди.

Амир Хусравдан буюк адабий мерос қолди: беш достондан иборат «Хамса», «Дувалрони ва Хизрхон», «Нўҳ синеҳр», «Тўғлиқнома» асарлари шулар жумласидандир. Унинг қаламига мансуб минглаб ғазал ва рубоийлар шарқ адабиётининг кўрки, жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига киради.

Хусрав Деҳлавий 1325 йилда вафот этди. Орадан қарийб етти аср ўтди. Унинг асарлари дунёга тарқалиб, ҳамон севиб ўқилмоқда, қабри халқ зиёратгоҳидир.

Амир Хусрав рубоийларида унинг кўксидаги куюги — оташин қалби акс этган.






"ХАМСА" АСАРИ АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ТАЛҚИНИДА (1299-1301 ЙИЛЛАРДА ЁЗИЛГАН
“Матлаъу-л-анвор” (“Нурларнинг бошланмаси”)
“Ширин ва Хусрав”
“Мажнун ва Лайли”
жаннат”)
“Ойинайи Искандарий” (“Искандар ойнаси”)





# Амир Темур
# (1336 – 1405)

1370 – 1405 йиллар “енгилмас” деб ном олган буюк империяни ташкил этди.

XIV — XV асрларнинг иккинчи ярмида жаҳоннинг тарихий майдонида сиёсат ва саркардалик даҳоси бизнинг буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур томонидан тузилган давлат вужудга келди.






## Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз



**Биз ким – мулки Турон амири Туркистонмиз**
**Биз ким – миллатларнинг энг қадими**
**ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз**


ТЕМУР
ТУЗУКЛАРИ



# Мирзо Улуғбек (1394 – 1449)

40 йил ҳокимиятни бошқарган

# МИРЗО УЛУҒБЕК

**Мирзо Улуғбек юртимизнинг бир қатор шаҳарларида мадрасалар қурдирган, Самарқандда ўзига хос илмий муҳит, ҳозирги тилда айтганда, академия ташкил этган. У ерда 200 дан ортиқ олим фаолият юритган. Фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалалари тўла қамраб олинган Улуғбекнинг “Зиж”и ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Европалик астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган.**

**Мирзо Улуғбек сиймоси халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Юртимизда Улуғбек номи берилган туман, маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар кўп. Ота-оналар эзгу ниятлар билан фарзандларига Улуғбекнинг муборак исмини қўйишади. Буларнинг барчаси халқимизнинг буюк алломага чексиз ҳурматидан дарак беради.**





"Зижи Улуғбек", "Зижи жадиди Кўрагоний" номлари билан шухрат қозонган бу асарда 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Юлдузларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа, қуёш ва ойнинг ҳаракати, уларнинг тутилиш вақтлари баён қилинган. Бу ҳисоб-китоблар замонавий технологиялар орқали аниқланган кузатув натижаларидан деярли фарқ қилмайди.



Масалан, Улуғбек ҳисоби бўйича бир йил 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сонияни ташкил этади. Бугунги кунда бир йил 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сонияга тенг.

# 1994 ЙИЛ – УЛУҒБЕК ЙИЛИ







Истиқлол йилларида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йил мамлакатимизда Улуғбек йили, деб эълон қилинди. Ўша йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Париж шаҳридаги ЮНЕСКО қароргоҳида буюк алломанинг илмий мероси ва унинг аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

# АЛИ ҚУШЧИ





# Али Қушчининг илмий ижодидан намуна



# Жалолиддин Давоний



Жалолиддин Муҳаммад ибн Асад ас-Сиддиқий ал-Давоний Эроннинг Казарун вилоятидаги Давон қишлоғида 1427 йилда туғилган.

# ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ

*Мамлакат тобқой сиёсатдин низом,*
*Гар сиёсат бўлмаса етгай халал,*
*Топмагай олам иши асло тузут.*
*Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.*

1. ***"Рисолайи исботи вожиб" ("Зарурриятнинг исботи ҳақидаги рисола");***
2. ***"Рисолат ул-хуруф" ("Ҳарфлар ҳақида рисола");***
3. ***"Рисолайи фи тавжих ул-ташбих" ("Мажоз талқини ҳақида рисола");***
4. ***"Рисола дар илм ул-нафс" ("Руҳшунослик ҳақида рисола");***
5. ***"Тариқати тарбият ул-авлод" ("Болаларни тарбиялаш усули");***
6. ***"Арзнома" ("Армияни бошқариш принципи").***

*Камолиддан Ҳусайн Воиз Кошифий тахминан 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳақ кентида туғилган*



**Кошифий илмий мероси**

1. "Ахлоқи Муҳсиний",
2. "Рисолаи Хотамия",
3. "Анвори Сухайлий",
4. "Футувватномаи Султоний",
5. "Тавсири Ҳусайний",
6. "Жавоҳирнома"


Ҳусайн Воиз
Кошифий
Ахлоқи
муҳсиний


Ҳусайн Воиз Кошифий
ФУТУВВАТНОМАИ
СУЛТОНИЙ
ёхуд жавонмардлик
тариқати


АЛИШЕР НАВОИЙ · ХАМСА
ХАМСА
ҲАЙРАТУЛ - АБРОР
ФАРҲОД ВА ШИРИН
ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН
САБЪАИ САЙЁР
САДДИ ИСКАНДАРИЙ





# АЛИШЕР НАВОИЙ
# (1441–1501)




АЛИШЕР
НАВОИЙ
ҒАЗАЛЛАР
ШАРҲЛАР



*12*
*ёш*

Оразин ёпғач кўзимдин
сочилур ҳар лаҳза ёш.
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз
ниҳон бўлғач қуёш

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. "Ўзбекистон". 2011 йил.

3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент. 2015 йил.

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг боскичма-боскич ва барқарор ривожлани-шини таъминлаш – бизнинг олий максадимиз. -Т.: "Ўзбекистон", 2009. - 280 б.

5. Каримов И.А. Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатини акс эттириш. - Т.: "Ўзбекистон", 2009.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Т.: "Ўзбекистон", 2009.

7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иктисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: "Ўзбекистон", 2008. - 368 б.

8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият". 2008.

9. Каримов И.А. Навоий руҳи мададкор бўлгай. Маънавият юксалиш йўлида. Тошкент, "Ўзбекистон", 1998 йил. -199 бет.

10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: "Ўзбекистон", 2010. - 80 б.

11. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг хаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. - Т.: "Ўзбекистон", 2007. - 320 б.

12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. - Т.: "Ўзбекистон", 2006. - 280 б.

13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: "Ўзбекистон", 2005.

14. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражадаги одамлар, деб ҳисоблашар эди. -Т.: "Ўзбекистон", 2005.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.:"Ўзбекистон", 1999.-686 б.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. -Т.: "Ўзбекистон", 1999

17. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. - Т., 1997.

18. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. -Т.: "Ўзбекистон", 1997.

19. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 1996, - 380 б.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 364 б.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. - Т.: "Ўзбекистон"-1995 -269 б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. - Т.: "Ўзбекистон", 1992.

23. Каримов И.А. Шаркнинг ёркин юлдузи. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутки. 1994 йил 15 сентябр. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент. "Ўзбекистон". 1988 йил. 165 – 169 бетлар.

24. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар билан суҳбат. "Мулокот" журналининг 1998 йил 5-сони.

25. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция-даги маърузаси. 1996 йил 24 октябрь.

26. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон хаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2007 йил 8 декабрь.

27. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. “Халқ сўзи”, 2010 йил 1 сентябрь.

28. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси ва унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги Халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 16 май.

29. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари-нинг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи”. 2015 йил 11 январь.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил, 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-1358-сонли Қарори. “Халқ сўзи”, 2010 йил 1 июль.

31. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: “Юлдузча”, 1989 йил.

32. Ҳасанов Х. Сайёҳ олимлар. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1981 йил.

33. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Т.: Ғафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 19[illegible] йил.

34. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Т.: “Фан” нашриёти 1976 йил.

35. Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан. Т.: “Шарқ”, нашриёти 2007 йил.

36. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. Т.: “Фан” нашриёти, 2007 йил.

37. Зиёмуҳаммедов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т:. “Турон-иқбол” нашриёти, 2006 йил

38. Нажмиддин Комилов. Тафаккур карвонлари. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2011 й.

39. Наим Ғоибов. Донишманд. Т.: “Ўзбекистон”. 2008 йил.

40. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2000 йил, 151-200 бет.

41. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафас.Т.: 1966 й.

42. Ахмад Яссавий. Хикматлар. Т.: 1991 й.

43. Баҳоуддин Балогардон. Т.: “Ёзувчи”, 1993 й.

44. Баркамол авлод орзуси. Т.: “Шарқ”, 1998 й.

45. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т.: “Фан”, 1996.

46. Имом Бухорий “Ҳадис”. 4-жилд. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1992.

47. Имом Термизий. “Сунани Термизий”. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1993. 11-76 бетлар.

48. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1993 й., 126-182 бетлар.

49. Абдулло Авлоний. “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”. Т.: “Шарқ”. 1994 й., 3-32 бетлар.

50. Қалтис саволларга холис жавоблар (Дин ва дунёвий муаммоларга доир) “Тафаккур” журнали. 1999 йил 3-сон 80-92 бетлар.

51. Ватан саодати. Т.: “Шарқ”, 1998 й.
52. Жумабаев И. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т.: “Ўқитувчи”, 1997 й.
53. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланмаси. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.
54. Исроил Мирзаев. Ҳақиқат ва сароб. Зарафшон Самарқанд 2001 й.
55. Кайковус. Қобуснома. Т.: “Ўқитувчи”, 1986 й.
56. Комил инсон ҳақида тўрт рисола . Т.: “Маънавият”, 1997 й.
57. Мўминов И.Ж. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.: “Фан”, 1993 й.
58. Мўминов И. М. Ўзбекистон ижтимоий - фалсафий тафаккур тарихидан. Т.: “Фан”, 1994 й.
59. Набиев Ф. Буюк келажак сари элтувчи ғоя. “Мулоқот” № 3 сон. й, 2-4 бет.
60. Маматкулова С. Қадрият ва ишончнинг ижтимоийлашуви. “Мулоқот” №5 сон, 2005 й, 8-10 бет.
61. Қурбонов Х. Баркамол авлод тарбияси. “Мулоқот” № 3, 2005 й, 13-15 бетлар.
62. Нормуродов К. Рухшунослик ва инсон китоби. “Мулоқот” № 3, 2005 й, 27-28 бет.
63. Каримова Э. Бағрикенглик инсоният келажаги. “Мулоқот” № 3. й, 36-38 бет.
64. Зайниддин Х. Наврўз кадимий битиклар талқини. “Мулоқот” № 2. 2004 й, 22-24 бет
65. Баркамол авлод орзуси. Т. “Шарк”. 1999. 8 30, 86 95 бетлар.
66. Политология. Маърузалар матни. Т.: 2002. 193-209 бетлар
67. Алимова Д. Тарих миллат мураббийси. “Халқ сўзи” газетаси. 2000 йил 9 ноябрь.
68. Жумаев Р. Миллий ғоя ва сиёсий мафкуралар. “Халқ сўзи”, 2000 йил 1 июль.
69. Ватан туйғуси Т. “Ўзбекистон”. 1996. 23-27, 41, 139-160, 259-317 бетлар.
70. Оила психологияси. Т.: “Шарқ” 2001.
71. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Т. “Меҳнат”. 2001 йил.
72. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар ва атамалар. (Қисқача изоҳли луғат). Т.: “Янги аср авлоди” 2002 йил.
73. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. (Ватан фидойилари). Т. Академия, 2000 й
74. Абулқосимов Ҳ. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. -Т.: Академия, 2008 йил.
75. Асрларга тенг йиллар. Мустакиллик дарси (маъруза матни). “УАЖБНТ” маркази - Тошкент - 2001.
76. Данияров П. Курсом либерализации уголовно-правовой сферы // Народное слово, 23 сентября 2008 г., №186.
77. Жавакова К. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни // Халқ сўзи, 2009 йил 21 ноябрь, 227-сон.
78. Инсонпарварликнинг юксак намунаси // Халқ сўзи, 2010 йил 9 июль.
79. Ибрагимов О. Ўрта Осиёда, чамаси кенг кўламли урушнинг олди олинди. Бу Президент Ислом Каримовнинг хизматидир // “Адолат” газетаси, 2010 йил 25 июнь.
80. Лукмонов В., Тўракулов О., Ёдгоров Э., Дурбонбоев Ф. Изчил ислоҳотларнинг амалий натижалари // “Халқ сўзи”, 2010 йил 19 июнь.
81. Маданий меросимиз муҳофазада // www.region.uz.

82. Мустафаев Б. Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш - бош мезон. Халқ сўзи, 2010 йил 19 февраль.

83. Мустақил юрт ғалласи. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003. - 136 б.

84. Мустақиллик биз учун - ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир: ЎзР Давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун қўлланма / ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика маънавият тарғибот маркази. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. - 88 б.

85. Ражабова М. Фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асоси // Халқ сўзи, 2009 йил 17 ноябрь, 223-сон.

86. Раҳмонов Д. Ижтимоий хизмат нима? // Жамият ва бошқарув. - 2009, 3- сон.

87. Саидова Х. Конституция ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти / Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - 2008, 1-сон

88. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимиз-ни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамията барпо этиш - устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. - Тошкент: Иқтисодиёт. -2010.-340 бет.

89. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. (Амалий қўлланма). - Т.: Ўзбекистан Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, “ILM ZIYO”, 2009. - 312 б.

90. “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” (илмий-оммабоп рисола). - Т.: Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. - 148 б

91. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Ю.Юсупов таҳрири остида. Тошкент – 1999.

92. Раҳимов И.Р. Фалсафа. Т.: 2000 й.

93. Суюнов С.Х., Маматқулова Н.Н. Мантиқ, ахлоқшунослик ва нафосатшунослик фанларидан услубий қўлланма. Самарқанд, 2006 й.

94. Каримов С., Суюнов С.Х. Тарбия таянчи. Самарқанд, 2006 й.

95. Суюнов С.Х., Суюнова К.Б. Мирзо Улуғбек мактабининг комил инсонни шакллантиришдаги ўрни. “Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги Халқаро илмий конферерция материаллари. -Самарқанд. 2009.

96. Муҳитдинова С. Қуролланган террорчиларни “тинч аҳоли” деб бўлмайди. “Маърифат” газетаси, 2005 йил 28 май.

97. Шермуҳаммедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. Тошкент. –2005, 3-49 бетлар.

98. Раҳмонов Р. Мустақиллик ва миллий онгнинг ўсиши. “Мулоқот” журнали, 2005 йил № 3-сон, 10 – 13 бетлар.

99. Норбоев Т. Фуқаролик жамияти – ҳуқуқлар кафолати. “Мулоқот” журнали, 2006 йил № 1–2 сон, 4 – 6 бетлар.

100. Жўраев Н. Фаробий фалсафаси: инсон-жамият-жараён. “Мулоқот” журнали, 2005 йил № 9-2 сон, 17 – 22 бетлар.

101. Суюнов С.Х. Миллий ғоя ва мафкура. “Самарқанд” газетаси, 2007 йил 6 январ.

102. Намозова З. Оилага тегишлилик ҳисси ёхуд иш, ота-она ва фарзанд. “Маърифат” газетаси, 2007 йил 31 январ.

103. Исмоилов Б. Муомала маданияти. “Маърифат” газетаси, 2007 йил 31 январ.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима ........................................................................................................ 3
Академик И.М. Мўминов Ўзбекистонда ўтмиш қадриятларини тиклаш ҳомийсидир ................................................................................................ 6
Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва унинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни................................................ 11
Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги ўрни ....... 15
Абу Райҳон Беруний икки цивилизацияни бир-бири билан боғлаган аллома ... 19
Абу Райҳон Берунийнинг фалсафий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни........................................................................................ 23
Абу Али ибн Синонинг маънавий мероси ҳақида ............................................ 25
Умар Хайём (1040-1123) таълимоти ................................................................ 27
Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий мероси .................................................... 31
Низомий Ганжавий маънавий меросининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни................................................................................................ 32
Хусрав Деҳлавийнинг маънавияти ва унинг комил инсонни шакллантиришдаги ўрни ........................................................................................ 36
Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ............................................................ 40
Баркамол авлодни шакллантиришда Амир Темур маънавиятининг ўрни .......... 41
Амир Темурнинг Самарқандни ер юзининг сайқали даражасига кўтариб, башарият ривожига қўшган ҳиссаси .................................................................. 43
Амир Темурнинг халқаро элчилик муносабатлари ва бунёдкорлик асосида қурилган давлатни бошқариш сиёсатини ҳозирги давр учун аҳамияти.............. 47
Амир Темур даврида Самарқанднинг савдо, ҳунармандчилик ва сайёҳлик маркази сифатида дунёга танилиши.................................................................. 51
Мирзо Улуғбек мактабининг жаҳон фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ўрни .................................................................................... 56
Улуғбек академияси ва унинг жаҳон фанининг ривожига қўшган ҳиссаси ....... 61
Али Қушчининг дунё фан ва маънавиятига қўшган ҳиссаси ............................ 64
Жалолиддин Давонийнинг фалсафий мероси ва унинг жамиятни демократик асосда бошқаришдаги ўрни ................................................................................ 68
Кошифий фалсафаси ва унинг инсон камолотидаги ўрни................................... 70
Алишер Навоий маънавиятининг комил инсон тарбиясидаги ўрни...................... 73
Иловалар.............................................................................................................. 81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .................................................................. 119

Қоғоз бичими 60х84 1/16. Офсет босма усулида чоп этилди. Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси. Босма табоғи 7,5. Буюртма №29/09. Адади 100 нусха.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Бўстонсарой кўчаси, 93 уй.

**Суюнов Сайфулла Ҳамроевич**



1936 йилда Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида туғилган. Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини аъло баҳоларга тамомлаган. 196[illegible] йилдан буён Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ёш авлодга таълим бериб келади.

1986 йилда “Ишдаги юксак муваффақиятлари учун” кўкрак нишони, 19[illegible] йилда “Меҳнат ветерани” медали билан, 2001 йилда Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги, 2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 25 йиллиги муносабатлари билан кўкрак нишонлари, вилоят, туман ташкилотларининг 30 дан ортиқ фахрий ёрлиқлари, раҳматномалари билан тақдирланган.

Сайфулла Ҳамроевич ўзининг меҳнат фаолияти давомида, кафедра мудири, институт касаба уюшмаси раиси, институт “Устоз шогирд” кенгаши раиси ушбу лавозимлар билан биргаликда 2001-2015 йилларда Самарқанд шаҳар “Р.Шокирбеков” ўзини-ўзи бошқариш маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимларида фаолият кўрсатиб, институт талабалари, магистрларига фалсафа, миллий ғоя, мантиқ, ахлоқшунослик фанларидан дарс бериб келмоқда.

Сайфулла Ҳамроевич ўзининг меҳнат фаолияти давомида 500 дан ортиқроқ илмий мақолалар, 10 та услубий қўлланма, [illegible] та ўқув қўлланма, 3 та маърузалар матни, 3 та монография, 20 дан ортиқ халқаро анжуманларда маъруза қилган.